

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

М.Қ.Пардаев, Ж.И.Исроилов

**ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР
ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК
МУАММОЛАРИ**

Монография

САМАРҚАНД – 2007

М.Қ.Пардаев, Ж.И.Исроилов. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. Т.: “Fan va texnologiyalar”, 2007. - 144 бет.

Такризчилар: и.ф.д. К.Б.Уразов, и.ф.н., доцент Б.А.Абдукаримов, и.ф.н. доцент У.Х.Худайбердиев, и.ф.н. доцент А.А.Абдиев

Монографияда бозор муносабатлари шароитида хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари, уларда активлар, пассивлар, даромадлар, харажатлар ҳамда хусусий капитал таҳлилининг ташкил қилиниши каби мавзулар киритилган. Хусусий корхоналар рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари, уни ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари алоҳида аҳамият берилган.

Иш докторантлар ва аспирантларга, вазирликлар ва идоралар мутахассисларига мўлжалланган. Бундан талабалар, магистрлар, малака ошириш маркази (институти) тингловчилари, профессор-ўқитувчилар ва бошқа хусусий корхоналар фаолияти таҳлиliga қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Монография СамИСИ
«Статистика» кафедрасининг
2007 йил 26 мартдаги мажлисида
(баён №8) муҳокама қилинган
ва нашр қилишга тавсия қилинган

Монография институт илмий-услубий
бирлашмасининг 2007 йил 28 мартдаги
8-сон мажлис баёнида кўриб чиқилиб,
нашр қилишга тавсия қилинган.

©. СамИСИ, М.Қ.Пардаев, Ж.И.Исроилов.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-Боб. Жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида хусусий корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш ва унда миллий истиқлол ғоясининг акс эттирилишини таъминлаш муаммолари.	
1.1. Хусусий корхоналарда иқтисодий таҳлилнинг миллий истиқлол ғоясини ифода этишдаги долзарб муаммолари.....	4
1.2. Хусусий корхоналарда иқтисодий таҳлилнинг Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлига, “Ўзбек модели”га мос келишини таъминлаш муаммоси.....	9
1.3. Хусусий корхоналарда иқтисодий таҳлилнинг мазмунига бош ғоя - озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек узоқ муддатга мўлжалланган концепциясини сингдириш муаммоси.....	12
1.4. Жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни ривожлантириш ва маънавиятни юксалтиришнинг уйғунлигини таъминлашда иқтисодий таҳлилнинг роли.....	16
1.5. Иқтисодий таҳлилда иқтисодиёт билан маънавиятнинг уйғунлигини таъминлаш ва маънавий омилларни инобатга олиш муаммолари.....	26
2-Боб. Хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, уларни ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил қилиш муаммолари	
2.1. Хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва унга оид тушунчаларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.....	29
2.2. Тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш тенденцияси ва унинг ҳудудлар ва соҳалар бўйича таҳлили.....	42
2.3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг ахборот манбалари ва таҳлил қилиш вазифалари.....	52
3-Боб. Хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг методологик жиҳатлари.	
3.1. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи ҳажм кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг методологик жиҳатлари.....	61
3.2. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи омиллар, уларнинг таснифи ва таҳлили.....	70
3.3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи омиллар таҳлилини такомиллаштириш.....	78
4-Боб. Эркин рақобат шароитида хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш муаммолари	

4.1. Рақобат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилишнинг назарий ва методологик муаммолари	87
4.2. Хусусий тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари	97
4.3. Хусусий тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари	99
4.4. Рақобат бозорининг тавсифи ва ундаги хусусий тадбиркорлик субъектларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш муаммолари	100
4.5. Товарларни сотишда баҳо сиёсати ва рақобатбардошлик қолатининг тақлили.....	102

5-Боб. Хусусий тадбиркорлик субъектларида фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлилини такомиллаштириш.

5.1. Хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида фойдани ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари.....	112
5.2. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида рентабеллик кўрсаткичлари таҳлилини такомиллаштириш.....	120

6-Мавзу. Хусусий корхоналар фаолиятини ва банкротлигини баҳолашда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

6.1. Хусусий корхонанинг банкротлигини, иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолашнинг объектив зарурати ва назарий асослари.....	131
6.2. Хусусий корхоналар банкротлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва уларни аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	135

КИРИШ

Хусусий сектор иқтисодийтимизнинг асосини ташкил қилмоқда. Унинг иқтисодийтадаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Келажакда асосий моддий неъматлар ишлаб чиқарувчилар ҳам, хизмат кўрсатувчилар ҳам, сорлиқ тўловчилар ҳам хусусий сектор эгалари бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли хусусий секторнинг ривожланишидан нафақат мулкдор, балки жамият ҳам, давлат ҳам, меҳнат жамоаси ҳам манфаатдордир. Була эса, ўз навбатида мазкур секторнинг самарали ривожланишини тақозо қилади. Бунинг учун уларнинг фаолиятини тўғри баҳолаш ва таҳлил қилиш лозимдир.

Жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида хусусий корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш ва унда миллий истиқлол ғоясининг акс эттирилишини таъминлаш масалалари, бугунги кунда ўта долзарб муаммолардан биридир. Чунки ғоя йўқ жойда тараққиётнинг бўлиши ҳам мураккаб кечади. Шу туфайли мазкур монография айнан шу масалаларни ёритишдан бошланади.

Ишнинг биринчи бобида хусусий корхоналарда иқтисодий таҳлилнинг миллий истиқлол ғоясини ифода этишдаги долзарб муаммолари, иқтисодий таҳлилнинг Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлига, “Ўзбек модели”га мос келишини таъминлаш, хусусий корхоналарда иқтисодий таҳлилнинг мазмунига бош ғоя - озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек узоқ муддатга мўлжалланган концепциясини сингдириш, жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида иқтисодийта иқтисодийта ривожлантириш ва маънавиятни юксалтиришнинг уйғунлигини таъминлашда иқтисодий таҳлилнинг роли, иқтисодий таҳлилда иқтисодийта билан маънавиятнинг уйғунлигини таъминлаш ва маънавий омилларни инобатга олишдек долзарб масалалар ёритилган.

Монографиянинг иккинчи боби “Хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, уларни ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил қилиш муаммолари”га бағишланган бўлиб, унда хусусий тадбиркорликнинг иқтисодийта тутган ўрни ва унга оид тушунчаларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш тенденцияси ва унинг ҳудудлар ва соҳалар бўйича таҳлили, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг ахборот манбалари ва таҳлил қилиш вазифалари қараб чиқилган.

Ишнинг учинчи боби “Хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг методологик жиҳатлари”га бағишланган. Мазкур бобдаги масалалар тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи ҳажм кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг методологик жиҳатлари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи омиллар, уларнинг таснифи ва таҳлили, тадбиркорлик субъектлари

фаолиятига таъсир қилувчи омиллар таҳлилини такомиллаштириш кабилардан иборатдир.

Тадқиқотнинг марказий масалаларидан бири эркин рақобат шароитида хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш муаммоларидир. Мазкур масалага ишнинг тўртинчи боби бағишланган. Шу бобда хусусий тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилишнинг назарий ва методологик муаммолари, хусусий тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари, хусусий тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари, рақобат бозорининг тавсифи ва ундаги хусусий тадбиркорлик субъектларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш муаммолари, товарларни сотишда баҳо сиёсати ва рақобатбардошлик ҳолатининг таҳлили каби масалалар ёритилган.

Ишдаги бешинчи боб “Хусусий тадбиркорлик субъектларида фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлилини такомиллаштириш” масалаларига бағишланган. Ушбу бобда ҳозирги кунда энг долзарб бўлган муаммолардан бири хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари ёритилган. Шунингдек, мазкур бобда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида рентабеллик кўрсаткичлари таҳлилини такомиллаштириш масалалари бўйича муаллифларнинг ишланмалари ва тавсиялари келтирилган.

Монографияда кўтарилаётган янги масалалардан бири, хусусий корхоналар фаолиятини ва банкротлигини баҳолашда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларидир. Буларни инобатга олиб муаллифлар мазкур масалага ишнинг олтинчи бобини ажратган. Мазкур бобда хусусий корхонанинг банкротлигини, иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолашнинг объектив зарурати ва назарий асослари, уларнинг банкротлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва уларни аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари қараб чиқилган.

Мазкур монографиянинг айрим параграфларини (4.1, 4.4) тайёрлашда тадқиқотчи И.Р.Пардаев ҳаммуаллифликда иштирок этди.

1-бoб. ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

1.1. Хусусий корхоналарда иқтисодий таҳлилнинг миллий истиқлол ғоясини ифода этишдаги долзарб муаммолари

Ўзбекистон Республикаси Президент И.А.Каримов XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятининг мазмун ва моҳиятини очиб бериб, бу борада қилинадиган устувор йўналишларини кўрсатиб ўтди. Бу ҳозирги кунда анъанага айланиб қолди. Ҳар йили ўтган йилнинг натижалари ва жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинади. Бу билан мамлакатимиз тарихида янги асрларга тотгулик давр - иқтисодий ҳаётимизда эркинлаштиришнинг яна бир босқичини амалга оширадиган давр бошланди десак муболаға бўлмайди.

Хусусан, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралда бўлиб ўтган мажлисида қилган маърузасида мамлакатимизнинг 2006 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижаларига якун ясар экан, қуйидагиларни таъкидлади: “Ҳақиқатда ҳам, 2006 йил – бозор иқтисодиёти ва демократия йўлида чуқур ислохотлар амалга оширилган, иқтисодиётимиз юксак суръатлар билан ривожланган, эл-юртимизнинг турмуш даражасини юксалтириш борасида ижобий ўзгаришларга эришилган йил бўлди, деб ишонч билан айтишга барча асосларимиз бор¹. Ҳақиқатда 2006 йил мамлакатимиз тарихида туб бурилиш йили бўлди. Жумладан, ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга ўсди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг саноатда 10,8, қишлоқ хўжалигида 6,2 фоизга ошгани, инвестицияларнинг 11,4, қурилиш пудрат ишларининг 12,8, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўрсаткичларнинг 19,5 фоизга ўсгани иқтисодий ривожланишнинг асосий омиллари бўлиб хизмат қилди. Давлат бюджети 93 миллиард сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз профицит билан бажарилди².

Бизга режали иқтисодиётдан ўта зарарли, ташаббус ва омилкорлик ҳиссини сўндирадиган боқимандалик илллати мерос бўлиб қолган эди. Чунки оддий меҳнаткашдан тортиб раҳбаргача билар эдики, бизга ҳамма нарсани

¹ Каримов И.А. Янгилашни ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқамиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Президент Ислам Каримовнинг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига, бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2004 йил 12 феврал. – Халқ сўзи. 2007 йил 13 феврал. - 2 бет.

² Каримов И.А. Янгилашни ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Президент Ислам Каримовнинг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига, бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2004 йил 12 феврал. – Халқ сўзи. 2007 йил 13 феврал. - 2 бет.

давлат беради, барча мулк давлатники, ҳатто иш билан ҳам ўзи таъминлайди. Корхона фойда қилса у ҳам давлатники, зарар билан ишласа яна давлат ҳисобидан қопланарди. Хомашё етишмаса давлат таъминлайди, сифатсиз товар ишлаб чиқарсак ҳам ўйланмас эдик, чунки давлат ўзи режа асосида сотиб берарди, агар сотилмай қолса нарҳини тушуради ёки ҳисобдан чиқарарди. Бу ҳам давлат ҳисобидан қопланарди. Энди ўйласак одамларда, ҳатто раҳбарларда ҳам ҳеч қандай масъулият қолмаган экан.

Энди бундай фаолиятга чек қўйилди. Боқимандаликнинг умри тугади. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичига ўтилди. Эркинлик ҳеч маҳал ўзбошимчилик эмас. Иқтисодиётни эркинлаштириш деганда, бу нима қилсанг ихтиёр ўзингда, ҳатто ишламасанг ҳам бўлаверади дегани ҳам эмас.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шу иқтисодий соҳада фаолият кўрсатаётганларнинг, энг аввало, масъулиятини, уларнинг жавобгарлигини ошириш дегани. Бу масъулият ўта оғир масъулиятдир. Энди ҳар бир ходим ўз жамоаси олдида, мулк эгаси, халқи ва давлати олдида масъулдир. Бу масъуллик истиқлол туфайли мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига кўчди.

Президентимиз И.А.Каримов Олий Мажлиснинг 14 сессиясида **«Иқтисодиётни эркинлаштириш - хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиятини ошириш демакдир»³** деб таъкидлаган эди. Энди ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини тегишли маблағ, хомашё, иш кучи, илғор технология кабилар билан ўзлари таъминлайди. Товарини (иш, хизматини) ўзлари сотади. Ўзининг барча фаолиятини тегишли моддий ва маънавий маблағлар билан ҳам ўзлари таъминлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда иқтисодий эркинликнинг меъёрий асоси билан биргаликда руҳий асоси ҳам яратилиши борасида жуда кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Энди одамларимиз бундай вазиятга руҳан тайёр бўлиб қолди, дейиш мумкин. Бироқ, иқтисодий эркинликни тўлиқ жорий қилиш учун ҳамон одамлар кайфиятида, ҳатто айрим раҳбарларимизда ҳам боқимандалик кайфиятининг асоратлари сақланиб қолган. Ҳамма қонунларимиз ва бошқа меъёрий ҳужжатларимиз эркин иқтисодиётни жорий қилишга қаратилган бўлишига қарамасдан, уларнинг айримлари ҳаётда ишламаяпти. Чунки одамларнинг иқтисодий эркинликка етарли даражада кўникма ҳосил қилиши қийин кечмоқда. Шу туфайли Юртбошимиз: **«Эркинлик, тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш зарур»⁴** деб таъкидлади.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг энг муҳим жиҳати мулкдорлар синфини шакллантириш, яъни хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтиришдан иборатдир. Бу эса ўз-ўзидан амалга ошириб қолмайди. Бу иқтисодиётни бошқаришда қўлланиладиган барча

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 37 бет.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 37 бет.

дастакларни, шу жумладан, иқтисодий таҳлилни ҳам эркин иқтисодиётга мослаштиришни тақозо қилади.

Иқтисодиётдаги ўзгаришлар билан уларни бошқаришдаги дастаклар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Иқтисодиётни эркинлаштириш иқтисодий фанларга, хусусан иқтисодий таҳлил фанига ҳам назарий ва услубий жиҳатдан такомиллаштиришни талаб қилса, иқтисодий таҳлил эркин иқтисодиётни бошқариш учун тегишли ахборотларни тайёрлаб бериш эвазига иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир қилади. Бу эса ушбу тушунчаларнинг бир-бири билан диалектик боғлиқлигини тақозо қилади. Бу муаммо хусусий корхоналар фаолиятини таҳлил қилишда янада долзарбликни касб этади.

Энди иқтисодиётни эркинлаштиришда иқтисодий таҳлилнинг роли ва аҳамияти нималардан иборат деган саволнинг туғилиши табиий. Бунга жавоб бериш учун, энг аввало, Президентимизнинг бу борадаги концептуал кўрсатмаларига асосланиши лозим деб ҳисоблаймиз. Буни тўғри англаш учун ушбу масалага иккита йирик йўналишда ёндошмоқ лозим.

Биринчиси, иқтисодиётни эркинлаштириш учун қандай хўжалик юритувчи субъектларни барпо қилиш ва такомиллаштириш зарурлиги бўлса, иккинчиси шу субъектларнинг иқтисодиётини бошқаришда қандай муҳитни аниқлаш ва вужудга келтириш ва шу муҳитга таъсир этиш учун қандай дастаклардан фойдаланиш лозимлигини таъминлашдан иборатдир.

Биринчи йўналиш бўйича Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаган энг муҳим муаммо - бу мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш, бу учун хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш лозимлигидир. Демак, бундан кўриниб турибдики, олдимизда турган вазифа иқтисодиётни такомиллаштириш учун кўплаб хусусий мулкка асосланган янги корхоналарни очиш ва бошқа мулкдаги корхоналарни хусусий мулкка айлантириш экан. Бу муаммони ҳал қилишга шаҳарларда хусусий мулкка асосланган кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш эвазига амалга ошириш мумкин бўлса, қишлоқ жойларида кооперациялашув жараёнини жорий қилиб, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш орқали эришиш мумкин. Ҳозирги пайтда бу борадаги ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Натижада республикада етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш борасида мамлакатимизда анча ишлар қилинди. Бир қанча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб бу жараённи амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Эндиги вазифа шу меъёрий ҳужжатларни ҳаётга тўла тадбиқ қилиш учун барча чораларни кўришдан иборатдир.

Ҳозирги пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларни ташкил қилиш ва бошқариш учун республикада тегишли кадрлар тайёрланмаяпти. Буни

инобатга олиб Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Кичик бизнес учун бошқарувчи кадрлар тайёрлайдиган, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини оширадиган бизнес мактаби тармоғини вужудга келтириш зарур»⁵ деган вазифани қўйган эди. Бу вазифа ҳозирги кунда изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг навбатдаги вазифаси ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантиришдан иборатдир. Чунки Президентимиз таъкидлаганидек: «рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. **Рақобат** - бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир»⁶.

Бу масалани амалга ошириш учун иқтисодий таҳлил фанининг олдида қандай вазифалар турибди, деган саволнинг туғилиши табиий. Бунга жавоб бериш учун, энг аввало, иқтисодий таҳлилда эркин рақобат муҳитини баҳолайдиган кўрсаткичлар тизимини яратиш, уларни баҳолаш ва таҳлил қиладиган усулларни ишлаб чиқиш лозим.

Зеро, Ўзбекистонда «Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» каби бир қанча қонунлар қабул қилинган. Аммо уларни тўлиқ ишляпти, деб бўлмайди. Шу туфайли Ўзбекистон иқтисодиёти олдида турган эндиги вазифа монополияга қарши қонунни кучайтириш, уни такомиллаштириш, монополия тизимларини камайтириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш каби масалаларга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Бу эса ҳозирги иқтисодий вазиятни чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади. Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлил ушбу ҳолатни ўрганадиган усулларни ишлаб чиқмоғи лозим.

Иқтисодиётни эркинлаштириш борасидаги навбатдаги вазифа бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизимини такомиллаштиришдан иборатдир. Ушбу соҳаларнинг бозор муносабатларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга эканлигини Юртбошимиз қуйидагича таъкидлайди: «Кенг тармоқли бозор инфратузилмаси - фонд, улгуржи бозорлар, биржалар, кредит ва молия муассасалари, лизинг ва концалтинг компаниялари, тадбиркорларга хизмат қилиш лозим бўлган бошқа тизимлар том маънода шакллантирилмас экан, улар тўла куч билан ишламас экан, биз иқтисодиёт тизимини очиқ, эркин, энг муҳими, самарали қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаймиз»⁵.

Бу вазиятни ҳам чуқур таҳлил қилиш лозимлиги ҳаёт тақозоси. Аммо бунга тўла жавоб топиш учун ҳозирги амалдаги мавжуд таҳлил усуллари ҳам унинг барча кўламини қамраб олиш учун етарли эмас. Чунки ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилнинг бир қисми, яъни микроиқтисодий таҳлил ривожланган ҳолос. Миллий истиқлол ғоясини ўзида ифода этадиган таҳлил нафақат

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилолмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 33 бет.

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилолмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 33 бет.

⁵ Ўша жойда. - 35 бет.

микро даражада балки, макро даражада ҳам амалга оширилиши лозим. Чунки ушбу вазиятни таҳлил қилиш микроиқтисодий таҳлилни ривожлантириш билан бирга макроиқтисодий таҳлилнинг ҳам таркиби ва усуллари тақомиллаштиришни талаб қилади.

Ўзбекистон ўзининг танлаган бетакрор йўли, стратегик тараққиёт моделига эга. Бу йўлда собитқадамлик билан ҳаракат қилиб ҳамма соҳада босқичма-босқич ривожланиб, янгиланиб бормоқда. Бу жараён Ўзбекистон учун бир томондан ўта мураккаб ва иккинчи томондан жуда осон кечмоқда. Мураккаблиги шундаки, айнан шу йўлни босиб ўтган тажриба йўқ. Биз ушбу йўлнинг ҳамма босқичларини ўзимиз синаб кўрмоқдамиз. Табиийки, бу унчалик осон бўлаётган эмас. Жуда осонлиги шундаки, биз мустақил мамлакат сифатида, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилиш ҳуқуқига эгамиз. Ўз қийинчиликларимизни ўзимиз ҳал қилишимизга тўғри келмоқда. Бу эса биздан фақатгина изланишни ва яна изланишни, жамиятни янгилаш ва модернизациялаш йўлида ислохотларни амалга оширишда қатъиятликни талаб қилади, холос.

Президентимиз таъкидлаганидек, “...ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, у доим ҳаракатда ва ўзгаришда. Шундай экан, юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида янги-янги муаммолар пайдо бўлади ва уларни ҳал этиш бўйича замон бизнинг олдимизга янги-янги вазифаларни қўяди”⁷.

Агар биз иқтисодий таҳлилнинг долзарб муаммоларига 10 йил олдин тўхталганимизда эди, бутунлай бошқа муаммоларни ҳал қилишга тўғри келган бўларди. Лекин бугунги ҳаёт, бугунги тараққиёт бизнинг олдимизга бу соҳа бўйича ҳам янги, бугунги кунда ҳал бўлиши лозим бўлган долзарб муаммоларни қўймоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг кўлами кенгайиб, суръати жадаллашиб боргани сайин, бу жараёнларнинг изчиллиги ва давомийлиги сақланган ҳолда, жамиятни янада эркинлаштириш ва демократлаштириш зарурати тобора аниқроқ намоён бўлаверади. Бу эса жамият ривожланишининг ҳар бир соҳасини, иқтисодий дастакларини тақомиллаштириб, уларни давлатимизни янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тадбирларга мослаштириб боришни тақозо қилади.

Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодий тараққиётини ривожлантириш ва эркинлаштириш йўлида жуда кўп янги-янги муаммолар вужудга келди. Бу муаммолар иқтисодиётга оид фанлар олдида ҳам жуда кўп муаммоларни ҳал қилиш вазифасини қўймоқда.

Хусусан, иқтисодий таҳлил олдида ҳам жуда кўп муаммоларни ҳал қилишдек ўта муҳим вазифалар пайдо бўлди. Бу миллий истиқлол ғоясининг ҳар бир фанга сингдирилиши, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган миллий стандартларга ўтиши, статистикада миллий

⁷ Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик таралъийёт ва маърифий дунё билан камкорлик йўли. /// Халъ сўзи, № 88, 2003 йил 25 апрел - 1 бет.

ҳисоблар тизимининг жорий қилиниши, шуларга мос равишда иқтисодий таҳлилнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш каби муҳим вазифалардир.

Шу айтилганлардан келиб чиқиб иқтисодий таҳлилнинг долзарб муаммоларига бугунги кунда қуйидагиларни киритиш лозим деб топдик:

1. Иқтисодий таҳлил фанининг Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлига, “Ўзбек модели”га мос келишини таъминлаш муаммоси.

2. Иқтисодий таҳлилнинг мазмунига миллий истиқлол ғоясини, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек узоқ муддатга мўлжалланган концепциясини сингдириш муаммоси.

3. Иқтисодий таҳлилнинг бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва миллий ҳисоблар тизими талаблари билан мувофиқ келишини таъминлаш муаммоси.

4. Иқтисодий таҳлилнинг таркибий тузилишини, унинг назарияси, бошқарув таҳлили ва молиявий таҳлилга бўлинишини тартибга солиш муаммоси.

5. Иқтисодий таҳлилнинг иқтисодиётга оид бошқа фанлар билан ўзаро алоқаларини, бир-бирини такрорламасдан узвийликни таъминлаш муаммоси.

Кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилнинг миллий истиқлол ғояси ва мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига боғлиқлиги муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланган. Аммо бу муаммолар иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилмаган. Шу боис ушбу масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

1.2. Хусусий корхоналарда иқтисодий таҳлилнинг Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлига, “Ўзбек модели”га мос келишини таъминлаш муаммоси

Президентимиз Ислоом Каримов таъкидлаганидек, бешта асосий қоида Ўзбекистон Давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг ўзагидир. Уларнинг моҳияти қуйидагича:

“биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш зарур;

иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. Бу ислоҳотларнинг устувор йўналишини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиш, жаҳолатпарастлар (ретроградлар) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт;

учинчидан, қонун, қонунларга риоя этиш, устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади;

бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги “инқилобий сакрашлар”сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак”⁸.

Ушбу қоидалар мамлакатимизнинг истиқболи, ривожланиш ва тараққиёт йўли учун асос қилиб олинган экан, булар унинг назарий ва амалий ҳолатини ифода этувчи фанларнинг ҳам негизини ташкил қилмоғи лозим. Бу ғоя ва кўрсатмалар нафақат ижтимоий-гуманитар фанларда, балки барча иқтисодиётга оид фанларда, хусусан иқтисодий таҳлилда ҳам ўз ўрнини топмоғи лозим.

Иқтисодий таҳлилнинг объекти микроиқтисод даражасида фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектлардир. Уларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ривожланиши ҳам жамият тараққиётининг асосий тамойилларига асосланади.

Биринчидан, иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги лозим. Буни қандай тушунмоқ ва иқтисодий таҳлил фанига қўлламоқ керак? Корхона ўз истиқболи учун юксак технологияни хориждан сотиб олиши лозим. Масалан, бундай технология исломий давлат бўлган Эронда мавжуд. Уларнинг сиёсий **қарашлари** бизга тўғри келмаслиги мумкин, чунки уларда давлат қурилиши диний ақидаларга асосланган. Лекин бу иқтисодий муносабатимиз учун, яъни илғор технологияни сотиб олишимиз учун ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак. Иқтисодий муносабатлар икки томонлама манфаатдорлик эвазига қурилмоғи лозим.

Шунингдек, иқтисодиёт бирорта мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Ҳақиқатда, Ўзбекистонда хилма-хил мафкуралар мавжуд. Буларга сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва шу каби бир қанча гуруҳ ва жамоаларнинг мафкуралари киради. Иқтисодиёт бу мафкураларнинг қандайлигидан қатъий назар ўз қонунлари асосида ривожланиши лозим. Масалан, бирор корхонада турли мафкурага эга бўлган турли партия вакиллари фаолият кўрсатади. Бу эса иқтисодий ривожланишга тўсиқ бўлмаслиги керак. Шунингдек, корхона муассислари турли партиялар ҳам бўлиши мумкин. Бир партиядан ун ишлаб чиқарилади, иккинчисидан нон. Улар турли мафкурага эга. Лекин корхоналарнинг бир-бирига боғлиқлигига мафкуравий қарашлар таъсир қилмаслиги лозим. Нон ишлаб чиқариш учун ун керак. Ушбу ёнидаги корхона бошқа партиядан тегишли бўлса иқтисодий манфаатдорликдан келиб чиқиб, шу корхонанинг унини харид қилади.

⁸ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан лўлсин. - Т.: Ўзбекистон, 1994. - 28-29 бетлар.

Иккинчидан, бизнинг тараққиётимиз ва ривожланишимизни таъминлаш учун давлат бош ислохотчи бўлиши лозим. Ҳақиқатда биз танлаган йўл ҳали тажрибаларда синалмаган йўл бўлганлиги учун давлатимиз ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бормоқда. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолиятини таъминловчи, уларни кафолатловчи қонунларни ишлаб чиқмоқда. Корхоналар эса ушбу қонунлар асосида фаолият кўрсатиши, ўзининг ривожланиш стратегиясини давлатимиз белгилаб берган устувор йўналишларга қаратмоғи лозим. Иқтисодий таҳлил устувор йўналишлардан бири хусусий мулкдорлар синфини шакллантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб қувватлашдан иборатдир. Бунга жавобан мулкдорлар ҳам ўзларининг мулкидан самарали фойдаланишлари лозим. Бундай самарадорлик уларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Хусусий тармокни ривожлантириш учун давлат, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига турли аралашув ва назоратларни чеклаган ҳолда уларнинг мустақил фаолият кўрсатиши ва эркинликларини таъминловчи бир қанча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқди. Энди мулкдорлар ушбу имкониятлардан тўла фойдаланишлари лозим.

Иқтисодий таҳлил жараёнида корхонанинг ана шу имконият, имтиёз ва кафолатлардан қандай фойдаланилаётганлиги, давлат билан корхона ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ўзаро манфаатли тамойилларга асосланганлиги каби жиҳатлар ўрганилган ва бу муносабатларни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Учинчидан, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолиятида қонунларга риоя этиш устувор бўлмоғи лозим. Зеро, хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса хусусий мулкка асосланган корхоналар мулкнинг шаклланиши, улардан фойдаланиш ва тасарруф этиш, хўжалик фаолиятини юргизишдаги иқтисодий муносабатлар, улар натижаларини баҳолаш ва фойда орттириш каби ишларнинг ҳаммаси қонунлар ва тегишли меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Иқтисодий таҳлил жараёнида ҳар бир корхонанинг хўжалик фаолияти ўрганилганда, унинг ҳолати ва самарали фаолиятига баҳо бериш билан бирга ҳар бир содир этилган хўжалик операцияларининг қонунийлигига, кўрсаткичлар ҳажмининг меъёрий ҳужжатларга тўғри келишини таъминлашга қаратилмоғи ҳам лозим. Бу жараёнларга баҳо бериш ҳам иқтисодий таҳлил орқали амалга оширилади.

Тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистон тараққиётида муҳим ўрин тутди. Бу масала иқтисодий таҳлил жараёнида жуда катта эътиборга олинмоғи лозим. Ҳозирги пайтда кўпгина корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, нодавлат ва хусусий мулк мақомига эга бўлганлар. Албатта, кам таъминланган аҳолини давлат ўз йўли билан ижтимоий ҳимоясини таъминлаб боради. Аммо ижтимоий ҳимоялаш деганда фақат кам

таъминланган аҳоли қатламига моддий ёрдам бериш эмас, балки ҳар бир меҳнат қилаётган кишига муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, уларнинг самарали меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш масалалари ҳам тушунилади. Мамлакатимизда 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили», деб эълон қилиниши ва бу борада катта Дастурнинг ишлаб чиқилганлиги, ушбунинг бажарилишини қаттиқ назоратга олинганлиги ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Иқтисодий таҳлил жараёнида ҳар бир корхонада бу масала қандай йўлга қўйилганлиги, ўз ходимларини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қандай таъсирчан чоралар кўраётганлиги каби масалалар ҳам изчил ўрганилмоғи, бу ишларни такомиллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоғи лозим.

Бешинчидан, бозор муносабатларига эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш тамойили ҳам жамият тараққиётининг муҳим шартларидан биридир. Бу тамойилга ҳар бир корхонада амал қилинмоғи лозим. Буни хусусийлаштиришда ҳам кўриш мумкин. Биринчи галда давлат мулки акциядорлик жамиятларига берилди, жамоавий мулкларга айлантирилди. Улар эса аста-секинлик билан хусусий мулкдорларга берилмоқда. Янги очилаётган корхоналар эса асосан хусусий мулк замирида ташкил қилинмоқда. Булар ҳам кўрсатадики, мулкдорлик ва мулкый муносабатлар аста-секинлик билан такомиллашиб бормоқда.

Кўп фаолият кўрсатаётган давлат тасарруфидаги корхоналар хусусийлаштириш оқибатида мулк шаклини ўзгартирмоқда. Бу дегани, мулк эгалик бўлди, мулкдор нимани хоҳласа шуни қилиши керак дегани эмас, балки ҳар бир ходим билан меҳнат муносабатларини ўрнатишда қонун доирасида эҳтиёткорлик билан иш тутишни, шартномаларни бирданига барбод қилмасдан, иқтисодий алоқаларни бузмасликни, қўшимча ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни қилмасликни талаб қилади. Ҳамма жараёнлар қонунга амал қилган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилиши лозим. Бу жараён ҳам иқтисодий таҳлилда алоҳида ўрганишни тақозо қилади.

Кўриниб турганидек, Ўзбекистон ривожланишининг беш тамойилини ўзида мўжассамлаштирган тараққиётнинг “ўзбек модели” ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ўз аксини топиши иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган муҳим жараёнлардан биридир.

1.3. Хусусий корхоналарда иқтисодий таҳлилнинг мазмунига бош ғоя - озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек узок муддатга мўлжалланган концепциясини сингдириш муаммоси

Инсоният тарихи - ғоялар тарихидир. Инсоният ҳамиша эркинликка, мустақилликка интилиб, ўзига ёт ва бегона бўлган яшаш тарзидан, турли

тазйиқлардан холос бўлишга интилиб яшаган. Бу эса ҳар бир инсонни, миллатни, халқни истиқлолга эришиб яшаш, ўзи танлаган, ўзи истаган йўлдан бориш, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини қўлга киритишга ҳаракат қилиб яшаш ғоясини туғдирган. Кўриниб турибдики, мустақиллик ғояси мустақилликдан олдин туғилган.

Жамиятда ҳеч нарса инсон аралашмасдан содир бўлмайди. Инсон аралашгач жамиятни у ўз манфаатига мос, ғоясига хос қилиб ўзгартиришга ҳаракат қилади. Шундай экан инсон ҳамиша мустақилликка, эркин бўлишга интилиб яшайди. Бундай интилиш натижасида унинг мустақиллик ғояси амалга ошади. Айнан ана шу ғоя натижасида Ўзбекистон мустақилликка эришди. Шундай қилиб, миллий истиқлол ғояси юзага чиқди, намоён бўлди.

Миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти, тамойиллари, функциялари, шакллари, тарихий ва фалсафий илдизлари, асослари ифода этилган янги фан “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани вужудга келди.

Миллий истиқлол ғояси мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий каби соҳалардаги тараққиёт йўлини белгилаш учун асос бўлди. Демак, ҳар қандай фан, хусусан иқтисодий таҳлил фани ҳам, шу миллий истиқлол ғоясига мос, шунга хос ва бевосита боғлиқ равишда ривож топмоғи лозим. Шу туфайли миллий истиқлол ғояси билан иқтисодий таҳлил фанининг бир-бири билан боғлиқлиги нималарда намоён бўлишини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Биринчидан, бизнинг бош ғоямиз озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бунга ҳар бир хўжалик юритувчи субъект, мулк шаклидан қатъий назар, ўзининг ҳиссасини қўшмоғи лозим. Иқтисодий таҳлилда уларнинг хўжалик фаолиятини шу талабдан келиб чиққан ҳолда ўрганишни тақозо қилади.

Иккинчидан, асосий ғояларимиздан бири халқ фаровонлигидир. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект режани бажариш учун эмас, балки халқнинг бир бўлаги бўлган шу меҳнат жамоаси аъзоларининг фаровонлигини таъминловчи фойдага эришиш учун ҳаракат қилмоғи лозим. Иқтисодий таҳлил ҳам олдингидек режанинг бажарилишини ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, балки ҳар бир қилинган ишнинг аҳолига, жамоага, бевосита ходимларга қанча наф келтирганлигини ўрганишга қаратилиши лозим.

Учинчидан, асосий ғояларимиздан бири Ватан равнақи бўлиб, ҳар бир инсон, ҳар бир корхона унга ҳисса қўшишга мажбурдир. Зеро, биз яшаётган Ватан бизга аجدодларимиздан мерос қолди, биз ҳам уни обод ва озод ҳолда авлодларимизга қолдиришимиз лозим. Бизга Ватан яшашимиз учун барча имкониятлар билан тухфа этилган. Биз ҳам авлодларимизнинг эркин ва фаровон яшаши учун шундай Ватанни қолдиришимиз инсоний бурчимиздир. Иқтисодий таҳлил жараёнида бу вазифани ҳар бир хўжалик юритувчи субъект қандай бажараётганлиги, унинг Ватан равнақига қандай ҳисса

қўшаётганлиги ўрганилиши шарт. Шу туфайли мазкур ғоя иқтисодий таҳлилнинг ҳар бир бобида ўз ифодасини топтоғи лозим.

Тўртинчидан, миллий истиқлолнинг муҳим ва асосий ғояларидан бири ижтимоий ҳамкорлик ғоясидир. Ўзбекистон кўп миллатли, кўп укладли, кўп партиявийлик, кўп динлилик ва кўп мулкчиликка асосланган инсонпарвар умумдемократик жамият барпо этиш йўлида тараққий этмоқда. Мамлакат ўзининг пировард мақсадига эришиши учун шу турли фикр, қараш, манфаатларга эга бўлган кишиларни, гуруҳларни бир-бири билан муроса қиладиган ижтимоий ҳамкорликни таъминлаши лозим. Зеро, бу билан жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, тинч ва барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади. Булар эса ўз навбатида иқтисодий ўсишни таъминлайдиган муҳим омиллардир. Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлилнинг асосий эътибори турли мулк шаклига эга бўлган иқтисодиётнинг асосий йўналишига, мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилмоғи лозим. Чунки мулкнинг турли шакллари тенг ҳуқуқлигини таъминлашга эришишнинг йўл-йўриқлари ҳам айнан иқтисодий таҳлил орқали ўрганилади.

Ўзбекистон тараққиётининг бош ғояси, таъкидланганидек, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборатдир. Демак, бугунги фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар, фирма ва компаниялар, хусусий тадбиркорлар, мулк шаклидан қатъий назар, мамлакат тараққиётининг шу бош ғояси, асосий стратегик концепциясининг амалга ошишига ўзларининг баҳоли қудрат ҳиссаларини қўшмоғи лозим. Иқтисодий таҳлил эса, шу таҳлил қилинаётган объектда мазкур жараён қай даражада амалга оширилаётганлигига эътиборни қаратиши мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир корхона, мулк шаклидан қатъи назар, Ватаннинг бир парчаси. Унинг озодлиги ва эркинлигини бош ислохотчи сифатида давлат таъминлайди. Аммо ўзининг ободлигини ва жамоасининг фаровонлигини ҳар бир корхона ўзи таъминлаши лозим.

Обод Ватанга ҳар бир хонадоннинг, корхонанинг, маҳалланинг, туман, вилоят ва бутун мамлакат ободлиги эвазига эришилади. Демак, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолияти таҳлил қилинганда унинг фақат иқтисодий кўрсаткичларни ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, балки ижтимоий кўрсаткичларига, хусусан, унинг том маънода ободлигига ҳам эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Обод корхона (турли мулк шаклида хўжалик юритувчи субъект) деганда, унинг атрофи, ҳовли ва биноси кўркем, чиройли, шу билан бирга, ходимлари ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут барака, иқтисодий кўрсаткичлари яхши бўлган барқарор рухий муҳитга ва тараққиётга эга меҳнат жамоаси тушунилади. Иқтисодий таҳлил жараёнида айнан ана шу жиҳатларга ҳам аҳамият берилиши лозим.

Ҳар бир корхонада фаолият кўрсатаётган ходимлар жамиятнинг бир бўлаги. Бутун халқнинг фаровонлиги, ҳар бир кишининг, ҳар бир жамоанинг

фаровонлигидан таркиб топади. Шундай экан ҳар бир корхона ўзининг ходимлари, яъни меҳнат жамоасининг фаровонлигини таъминлаши лозим. Шу туфайли бу масала ҳам иқтисодий таҳлил томонидан ўрганиладиган муҳим масалалардан бирига айланмоғи лозимдир.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил фанининг мазмунига миллий истиқлол ғоясини, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек узоқ муддатга мўлжалланган концепцияни сингдириш масаласи мазкур фанни Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўлига мослаштириш муаммосини ҳал қилади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш бир томондан корхоналарнинг мустақил фаолияти учун катта имконият яратиб берса, иккинчи томондан, уларнинг масъулиятини ҳам оширади. Корхоналарнинг иқтисодий эркинлиги ва масъулиятининг ошганлиги ўз фаолиятини чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади.

Аммо адабиётларда иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш ўзимизга хос ҳолда етарлича ёритилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур ишда иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш муаммоларига янгидан ёндошилган.

Иқтисодий таҳлил билан боғлиқ муаммолар жуда кўп. Уларни бир қанча гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Мазкур фанни мамлакатимизда шаклланаётган ўзига хос бозор муносабатларига мос равишда унинг назарий ва методологик асосини яратиш муаммоси.
2. Ушбу фаннинг кимга кераклигини асослаш ва мутахассисларни ўқитиш муаммоси.
3. Амалиётда иқтисодий таҳлилни ташкиллаштириш муаммоси.

Ҳар бир муаммонинг мазмун-моҳияти ва уни ҳал қилиш йўлларини кўриб чиқиш бугунги кунда ўта муҳим ҳисобланади. Чунки республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар ўзига хос иқтисодий дастаклар ва шунга мос фанларнинг шаклланишини ҳам тақозо қилади. Бундай фанлардан бири «Иқтисодий таҳлил» фанидир. Ушбу фанда ўрганиладиган барча кўрсаткичлар корхонага, унинг ходимларига ва шу билан бирга давлат ва жамиятга қандай наф келтираётганликларини, унинг озод ва обод Ватан қуришдаги ҳиссасини ҳам ёритиб берадиган бўлишлари лозим.

Албатта, иқтисодий таҳлил олдинги маъмурий буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиёт шароитида ҳам мавжуд эди-ку, уни янгидан шакллантиришга на ҳожат деган саволнинг туғулиши мумкин. Бунга жавобан шуни таъкидлаш жоизки, ушбу фан олдинги режали иқтисодиёт шароитида ҳам ҳақиқатда мавжуд ва унинг назарий ва методологик асоси яхши ривожланган эди. Аммо унинг мақсади ва моҳияти, таъкидланганидек, режали иқтисодиётга мослаштирилган бўлиб, бевосита режанинг шаклланиши ва бажарилишига хизмат қилишга қаратилган эди. Унинг мазмуни эса, маълум даражада, мафкуравийлашган ҳолда, энг аввало, давлат манфаатини ифодалаб келган. Чунки барча мулк, уни тасарруф этиш

бевосита давлатнинг ихтиёрида эди. Эндиликда иқтисодий вазият тубдан ўзгарди. Давлатнинг мулкка ва барча иқтисодий жараёнларга эгаллиги барҳам топиб, кўп мулкчиликка асосланган, бозор муносабатларини ўзида ифода этадиган, мазмун жиҳатидан янги иқтисодиёт шаклланмоқда. Бу эса шунга мос равишда мазмун жиҳатдан янги бўлган «Иқтисодий таҳлил» фанининг шакллантирилишини тақозо қилади.

Эндиги «Иқтисодий таҳлил» фани, энг аввало, ҳеч қандай мафкурага тобе бўлмасдан, давлат манфаатини инкор қилмаган ҳолда турли мулк эгаларининг (иш кучи эгаси, меҳнат жамоаси, корхона ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг) манфаатларини ўзида акс эттирган ҳолда ифода этилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат мазкур фаннинг мақсади, вазифалари, таркиби, унда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини ўзгартиришни тақозо қилади.

1.4. Жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни ривожлантириш ва маънавиятни юксалтиришнинг уйғунлигини таъминлашда иқтисодий таҳлилнинг ролини ошириш муаммолари

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнини бошимиздан кечирмоқдамиз. Бундай шароитда иқтисодиётни ривожлантириш ҳам, маънавиятни юксалтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аммо буларни айри ҳолда ривожлантириб, тараққиётини таъминлаб бўлмайди. Аммо уларнинг уйғунлигини ўрганадиган фан ҳозиргача шаклланган эмас. Бизнинг фикримизча, барча иқтисодиётга оид фанлар жамият равнақини айри қарамасдан иқтисодий юксалишни маънавий юксалиш билан бирга олиб бормоғи, уларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўриб бормоғи лозим.

Шу туфайли ушбу ишнинг мақсади иқтисодиётни ривожлантириш ва маънавиятни юксалтиришнинг уйғунлигини таъминлаш йўллари ишлаб чиқиш, иқтисодиётнинг ривожланишида маънавиятнинг роли ва маънавиятнинг юксалишида иқтисодиётнинг асосий омил эканлигини очиқ бериш, уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги, бирортасини айри ҳолда ривожлантириб бўлмаслиги, агар уларнинг уйғунлиги таъминланмаса ушбу жараёнларнинг тезлашиши қийинлигини аниқ тадқиқотлар ва таҳлиллار натижасида кўрсатиб бериш каби мураккаб муаммоларнинг амалий ечимларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун иқтисодий таҳлилда қуйидагиларни ҳал қилишни тақозо қилинади:

Биринчидан, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тўғри англаш, жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни ривожлантириш ва маънавиятни юксалтиришнинг уйғунлигини таъминлаш учун, энг аввало, биз қандай жамият барпо этмоқчимиз, унинг стратегик мақсади, бош ғояси нима, унга иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қандай эришамиз, бунда қандай тамойилларга асосланамиз, унинг ўзига хос хусусияти нимада, тараққиётнинг миллийлиги ва ундан келиб чиқадиган хусусиятлар нима билан белгиланади ҳамда уларнинг умумбашарий қадриятларга асосланиши нималарда намоён бўлади деган бир қанча саволларга жавоб топишни тақозо қилади.

Иккинчидан, миллий иқтисодиётимизнинг ривожланишида, маънавиятимизнинг юксалишида, улар ўртасидаги уйғунликни таъминлашда мафкура, миллий истиқлол мафкураси, миллий ғоя каби тушунчаларнинг роли, уларнинг шаклланишида қандай муаммоларнинг борлиги, қандай мафкуравий таҳдидлар қуршовида яшаётганлигимиз ва уларнинг миллий маънавиятимизга таъсири нималардан иборат эканлиги, нима учун ядро полигонларидан мафкуравий полигонлар хавфли бўлиб қолганлиги, маънавий муаммоларни ҳал қилмасдан иқтисодий муаммоларнинг ҳал бўлиши қийинлиги ва аксинча, иқтисодий муаммоларнинг ҳал бўлиши маънавий юксалишга омил бўлиб хизмат қилиши, ниҳоят иқтисодиётни ривожлантириш учун маънавиятни юксалтиришнинг уйғунлигини таъминлаш лозимлигини асослаш кабилардан иборатдир.

Мазкур муаммолар доирасида иқтисодий таҳлил жараёнида ечиладиган аниқ илмий-техник масалалар қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

- энг аввало, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган **бош стратегик мақсадимизга** эришиш учун иқтисодиётни ривожлантириш ва маънавиятни юксалтиришда улар ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш йўллари ишлаб чиқиш, булар қандай кўрсаткичлар билан ифодаланишини кўрсатиб бериш;

- Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик каби **асосий ғояларимизни** амалга оширишда нафақат иқтисодий юксалиш масаласи, балки муҳим маънавий муаммоларни ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқиш. Маънавий наф ва зарарни ўлчаш меъзонларини ишлаб чиқиш, изтироб ва қувончларни баҳолаш ҳамда уларнинг иқтисодий тараққиётга таъсирини ҳисоблаш йўллари ишлаб чиқиш каби масалаларни ечиш;

- бу муаммоларни ҳал қилиш ва ғояларни амалга ошириш ўта мураккаблигини инобатга олиб, ушбу масалага ўта нозик дид билан ёндашиб, уларни ҳал қилишда ҳам Ўзбекистоннинг ўзига хос йўли борлиги ва бу ўзига хослик нималардан иборат эканлигини асослаш. Бунда

иқтисодиёт, маънавият ва миллий истиқлол ғояларининг уйғунлигини таъминлайдиган кўрсаткич ва мезонларни ишлаб чиқиш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш каби муҳим вазифаларни бажариш;

- миллий маънавиятимизнинг қайтадан истиқлолга хос тарзда шаклланишида, уни иқтисодиёт билан уйғун ҳолда ривожланишини таъминлашда, уларни халқимиз қалби ва онгига сингдиришда бир қанча муаммоларга, хусусан, маънавий ва мафкуравий муаммоларга дуч келаётганлигимизнинг асосий сабабларининг мазмун-моҳиятини очиб бериш. Бу масалани иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисмига айлантириш ва уни иқтисодий-ижтимоий таҳлил даражасига кўтариш;

- маънавий ва мафкуравий муаммолар инсоният тарихида ҳамиша бўлганлиги ва уларнинг ҳозир ҳам давом этиб келаётганлиги, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш даврида бу масала ҳамиша кескин муаммо бўлиб қолганлиги, аммо бу муаммо бизнинг мамлакатимиз учун ўта жиддий эканлиги, чунки биз, собиқ совет тузумидан эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтаётганлигимиз билан бирга, унутилган тарихимизни, воз кечилган ўзлигимизни, эскилик сарқити деб сингдирилган кадриятларимизни, паймол қилинган шаънимизни тиклаш жараёнини ҳам бирга олиб бораётганлигимизни амалий жиҳатдан асослаш. Буни амалга оширишда ҳам иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланиш масаласини уйғун ҳолда олиб бориш масаласини ёритиш лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Инсоният тарихи иқтисодиётнинг ривожланиши, маънавиятнинг юксалиши ҳамда уларнинг уйғунлигини таъминлаш тарихидир. Тарихдан маълумки, маънавияти юксалган мамлакатнинг иқтисодиёти ривож топган, халқи фаровон яшаган. Маънавияти инқирозга учраган бирорта мамлакат йўқки, унда иқтисодиёт гуркираб ўсган бўлса.

1X-XV асрларда бизнинг мамлакатимиз ҳудудида кескин маънавий юксалиш билан биргаликда иқтисодиёт соҳасида ҳам юксак кўтарилиш рўй берди. Шу даврда фан ва маданият, дунёвий ва диний илмлар, адабиёт ва санъат соҳаларида ҳам юксак ривожланишга эришилди. Асрлар оша ўз кўрки ва тароватини сақлаб келаётган тарихий обидаларимиз ҳам ўша даврларда қурилган, барпо этилган. Тарихимиздан ҳам кўриниб турибдики, жамиятнинг тараққиёти учун иқтисодиётнинг ривожланиши маънавиятнинг юксалиши билан уйғун ҳолда олиб борилиши лозим экан. Бу уйғунликни белгилайдиган, ўлчайдиган фан бўлмаганлиги туфайли, биз уни иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисмига айланиши лозим, деб ҳисобламоқдамиз.

Маънавият иқтисодий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи, ривожлантирувчи муҳим омиллардан ҳисобланса-да, унинг ўзи иқтисодиёт билан узвийликда юқори чўққиларга кўтарилиши мумкин. Иқтисодий тушқинлик даврида маънавият ривожланса-да, унинг ҳақиқий тараққиёти иқтисодиётнинг ўсган даврида юз беради. Зеро, маънавият иқтисоддан узоқлашар экан ёки иқтисодиётни ривожлантириш жараёнида маънавият

унутилар экан мамлакат ҳаётида аста-секинлик билан инқироз юз беради. Чунки жамият ҳаёти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган икки қисмдан, яъни иқтисодиёт ва маънавиятнинг уйғунлигидан иборатдир. Инсон ҳаётининг зоҳирий қисми иқтисодиёт бўлса, ботиний қисми маънавиятир. Маънавий савияси паст одамлар билан юксак иқтисодий ўсишга эришиб бўлмайди. Президентимиз таъкилаганидек, «Маънавиятсиз келажак йўқ».

Бизнинг қалбимиз ва онгимиз узоқ йиллар давомида коммунистик мафкура деб аталувчи сохта мафкура ва шунга мос равишда “миллий маънавият” билан тўлдирилган эди. Аммо у собиқ Иттифокнинг, коммунистик партиянинг якка ҳукумронлиги тугаши билан барҳам топди. Бироқ, одамларимиз онгини бозор муносабатларига мос бўлган янги мафкура ва маънавият билан бирданига тўлдириш имкони йўқ. Натижада шу ўтиш даврида инсонлар онгида **мафкуравий ва маънавий бўшлиқ** пайдо бўлди. Бундай бўшлиқ пайтида манфаатлар инсонни турли ноўрин йўللارга ҳам тортиб кетиши мумкин. Шу туфайли ҳозирги мураккаб шароитда мамлакатимиз иқтисодиёти таркибида хуфиёна иқтисодиётнинг борлиги ҳам бежиз эмас.

Бу бўшлиқни янги мафкура ва маънавият билан тўлдириш, шу бўшлиқ учун кураш муаммоси - мафкуравий, маънавий юксалиш муаммосини ташкил қилмоқда. Бу жараён миллий маънавиятимизнинг асл ҳолида шаклланишига салбий таъсир қилмоқдалар. Бу жараён иқтисодиётга таъсир ўтказмасдан қолмайди. Таъкидланганидек, тарихдан маълумки, маънавиятга дарз кетган пайтларда катта иқтисодий бўҳронлар, қашшоқликларга дуч келинган. Бизда мамлакатимизда ислохотлар изчил амалга оширилиб бораётганлиги туфайли бундай жараён юз берган эмас.

Мустақилликни мустаҳкамлаш учун кураш кетаётган ҳозирги пайтда иқтисодиётни ривожлантириш объектив ва ўта муҳим заруриятга айланди. Аммо бу муаммо фақатгина иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш билан ҳал бўлмайди. Ҳозир мутахассисларнинг таъбири билан айтганда, мамлакатимизда хуфиёна иқтисодиётнинг улуши ўзимизда яратилаётган ЯИМга нисбатан 35 фоизни ташкил қилмоқда.

Бунинг асосий сабабларидан бири, ҳали одамларимиз онгида мустақилликка мос маънавиятнинг етарли даражада шаклланмаганлигида, бир томондан, эски коммунистик мафкурадан қолган сарқитларнинг кишилар онгида сақланиб қолинаётганлиги бўлса, иккинчи томондан эса, бозор муносабатлари шароитида фақат бойлик орттириш ва шу бойликни нопок йўллار билан бўлса-да орттириш лозим деган қашшоқ маънавиятнинг шаклланиб қолаётганлигида, деб биламиз.

Шундай муаммолар пайдо бўлиб турган бир пайтда мамлакатимизнинг иқтисодий ҳолати, маънавий ва мафкуравий манзараси қандайлиги ва улар қандай бўлиш кераклигини очиқ бериш ҳамда ушбу муаммоларнинг ҳал қилиниши нечоғлик иқтисодиётнинг юксалишига таъсир кўрсатишини асослаб бериш бугунги кунда ўта долзарб масалалардан

биридир, деб биламиз. Бундай муаммоларни ҳал қилишда иқтисодий таҳлил маънавият ва маърифатни иқтисодий юксалишнинг омили сифатида қарайди ва уни аниқлаш йўлларини кўрсатиб беради.

Иқтисодий таҳлил жараёнида ўзимиз давлат томонидан ишлаб чиқилган неъматларни ўзлаштираётганлигимизни аниқ ҳисоб-китоб қилиб уларнинг пулини давлатга ўз вақтида ўтказишни ҳам таъминлаш чорасини кўриш лозим бўлади. Биргина мисол, яқинда мамлакатимиздаги хуфиёна иқтисодиётдан гап кетганда, бир суҳбатдошимиз бу иш билан кимлардир ғайриинсоний одамлар шуғулланади. Уларни йўқ қилиш керак деб қолишди. Аммо бу иш билан ҳаммамиз шуғулланаяпмиз деганимда ҳайратини яшираолмади ва қандай қилиб деган саволни ўртага ташлади. Мен тушунтириб бердим. Масалан, бизнинг одамларимиз орасида электр энергиясидан, газ ва сувдан жуда мириқиб фойдалансалар-да, уларга ўз вақтида пулини тўлашдан бош тортади. Текширувчилар келса, улар билан тил бириктириб ярмини давлатга, ярмини текширувчига тўлайди. Ўзига ҳам озгина манфаатдорлик бўлиши мумкин. Бу нима деган гап? Яна бир мисол, ҳозирги пайтда аҳоли ўртасида турли тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар жуда кўп. Аммо ҳаммаси ўзларининг олаётган даромадидан тегишли солиқларни ўз вақтида тўлаяптими. Бу саволга ҳам ижобий жавоб бериб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси иқтисодиётимизнинг юксалишига ўзимиз болта ураётганлигимиздан далолат берувчи далиллардир. Бу ишни кимдир эмас, балки ўзимиз, бизнинг ёнимиздагилар шуғулланаётган хуфиёна иқтисодиётнинг бир кўринишидир. Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда хуфиёна иқтисодиётнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 35 фоизини ташкил қиладиган бўлса, бу мамлакат миқёсида неча сўмлигини ҳисоблаш унча мураккаблик туғдирмайди.

Ҳозирги пайтдаги мамлакатимизда рўй бераётган жараёнлар, уларнинг мафкуравий ва маънавий манзараси, унинг иқтисодий кудратига, юксалишига таъсир кўрсатмай қолмайди. Бироқ, бугунги кунда унинг мафкуравий ва маънавий манзараси қандай эканлигини аниқ ифода этиш лозимдир. Зеро, иқтисодий ўсишнинг айрим жиҳатларига шу ҳолатнинг таъсири муқаррардир. Бу, бизнинг фикримизча, қуйидаги кўринишларда намоён бўлмоқда ва ўз ифодасини топмоқда:

* умрини ўтаб бўлган жамиятнинг мафкураси, ғояси инсонлар онгида ва қалбида сингиб кетган, аммо бу ғоя ва мафкура жамиятга кераксиз бўлиб қолган бир пайтда яшаяпмиз, лекин ундан тезроқ қутилиш йўлларини ахтаришимиз лозим, чунки бу ҳолат миллий тараққиётимизга тўсик бўлаверади;

* янги жамиятнинг янги ғояси ва илғор бунёдкор фикрларнинг вужудга келиши ва шаклланишига халқимизда кучли эҳтиёжнинг мавжудлиги, улар онгига ушбу янги истиқлол ғояларини турли воситалар билан сингдириш йўлларини ишлаб чиқишни тақозо қилади;

* ижтимоий онг ва тафаккурнинг ўзгариши, янги дунёқарашнинг шаклланиши учун вақтнинг зарурлиги, бу эса маълум маънода ўтиш даврининг зарурлигини талаб қилишидан келиб чиқиб, ушбу муаммони ҳал қилишни босқичма-босқич амалга ошириш йўллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишни талаб қилади;

* мафкуравий бўшлиқдан фойдаланиш эвазига жамият ҳаётига ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилаётган бегона ғояларнинг турли усуллар билан инсонлар онги ва қалбини эгаллаш мақсадида кириб келишига йўл қўймаслик чораларини белгилаш ҳам бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида қараш;

* барча маънавий ва мафкуравий муаммоларнинг ҳал бўлиши мамлакат иқтисодиётининг юксалиши учун муҳим омиллардан бири эканлигини асослаш.

Бу манзарага чуқур назар ташланса, уларни бартараф қилиш нечоғлик мураккаб эканлигини англаш қийин эмас.

Иттифоқнинг парчаланиши бир жиҳатдан дунё миқёсидаги иккита катта бир-бирга қарама-қарши тузумларнинг барҳам топишига, совуқ уруш хавфининг йўқолишига олиб келишига қарамасдан, турли давлатлар, гуруҳлар ва мамлакатлар ўртасида ҳозирги замонда глобал масштабда инсон қалби ва онгини забт этиш учун кураш масаласи кун тартибига қўйилган муҳим масалалардан бирига айланиб бормоқда.

Бу учун объектив имконият ва шароитлар яратилди. Буларга:

* мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви;

* геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг бирлашуви;

* бутун дунёнинг мафкуравий манзараси ўзгарганлиги;

* жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар пайдо бўлди;

* Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнларнинг маълум даражада беқарорлиги вужудга келди.

Шу туфайли ҳозирги пайтда мафкуравий полигонлар ядро полигонларига нисбатан ўта хавфли деган стратегик ғоя олдинга сурилди, чунки ядро полигонида ер куррасининг маълум бир кудудини ишғол қилиш мумкин, аммо мафкуравий полигон билан бутун инсонларнинг қалби ва онгини забт этиш орқали дунёни забт этиш мумкин.

Мафкуравий беқарорлик, маънавий бўшлиқ пайтида муайян кишининг қаерда яшашидан кўра қандай ғоя билан яшаши муҳим аҳамиятга эга. Агар у шу ҳудудда яшаб кимнингдир ёт ғояси билан суғорилган бўлса, у ўша ғоя учун курашади. Уни шу ҳудуд аҳолисига сингдиришга ҳаракат қилади. Шу туфайли мафкуравий муаммо чегара билмайдиган, миллат танламайдиган ўта нозик ва қалтис муаммолардан биридир.

Ҳозирги пайтда жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олиш учун кураш кетмоқда. Бунинг замирида ҳам иқтисодий манфаатдорлик асосий ўринни эгаллайди. Буним ким қайси йўллар билан амалга

ошираётганлиги ҳам маълум. Аммо ушбу жараёнларнинг иқтисодиёт билан уйғунлигини таъминлаш масалалари умуман тадқиқ қилинган эмас.

Ҳозирги пайтда жамиятни бўлиб олишнинг бир қанча маънавий, мафкуравий ва сиёсий усуллари ишга солмоқдалар. Буларга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

- буюк давлатчилик гегемонизми асосида;
- диний мансублик асосида;
- этник бирлик асосида;
- собиқ тузумни қўмсаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий бирлик асосида ҳаракат қилаётганлигидир.

Бу ҳаракатларнинг орқасида кимнингдир иқтисодий манфаати, унинг эгаллаш, забт қилиш мақсади ётади, шу туфайли ядро полигони сингари мафкуравий полигон учун ҳам катта маблағ сарф қилган хомийлар талайгина. Улар ҳозирги жамиятимиз ҳаётига жиддий хавф туғдирадиган мафкуравий таҳдидларни, маънавий бўҳронларни вужудга келтирмоқда:

- * ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларини янги империяга билаштиришга қаратилган интилишлар;
- * ёш мустақил давлатларни собиқ иттифоққа бирлаштириш ғояси;
- * тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар;
- * ахлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар;
- * турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можароларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар.

Бу таҳдидларни бартараф қилиш ҳам ўта мураккаб. Буни ҳарбий куруллар билан енгиб бўлмайди. Шу туфайли бизда янги ғоявий кураш усули вужудга келмоғи лозим. Ғоявий курашда фақат маънавияти кучли ва юксак кишиларгина енгиб чиқъан.

Албатта, бу ғоявий курашнинг мазмуни Президентимиз таъкидлаганидек, «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин»⁹ «Эндиги вазифамиз шундан иборатки, миллий истиқлол ғояси тушунчалари асосида кенг жамиятчилик, зиёлиларимиз, илм-фан ва маданият намоёндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий мафкурасини такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамойилларини одамлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтаришлари зарур»¹⁰, «Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч - маърифатдир»¹¹. Ушбу стратегик йўналишлар ҳар бир жамоанинг ва шахснинг бурчи ва вазифаси бўлмоғи лозим.

⁹ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - 417 бет.

¹⁰ Миллий истиқлол ғояси: Кўргазмали воситалар. - Т.: «Маънавият», 2001, - 3 бет.

¹¹ Миллий истиқлол ғояси: Кўргазмали воситалар. - Т.: «Маънавият», 2001, - 429 бет.

Президентимизнинг ушбу стратегик кўргазмаларига амал қилмасдан туриб, уларни амалиётга тадбиқ этмасдан туриб, мамлакатимиздаги мавжуд маънавий бўшлиқни барҳам топдирмасдан туриб, биз кўзлаган иқтисодий ўсишга эришиб бўлмайди. Шу туфайли, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишини, унинг маънавий юксалишисиз амалга ошириш ўта мураккабдир.

Буларнинг ҳаммаси, жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни ривожлантириш ва маънавиятни юксалтиришнинг уйғунлигини таъминлаш йўллари ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Бу муаммоларни ҳал қилишда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг асарлари методологик асос бўлиб хизмат қилади. Президентимиз ўзининг бир қанча асарларида, хусусан, “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш”, «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон буюк келажак сари», «Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз» каби китобларида бу масалаларни чуқур илмий-назарий жиҳатдан асослаб берган.

«Бизнинг бош стратегик мақсадимиз, - юртбошимиз таъкидлаганидек, - қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат»¹² дир.

Бунинг **бош ғояси** - озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишдир. Бу бош ғоя замирида асосий ғоялар ётади. Бу ғояларда нафақат иқтисодий ўсиш масаласи, балки муҳим маънавий юксалиш муаммоларини ҳам ҳал қилиш лозимлигини тақозо қилади.

Бизнинг ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўлимиз дунё тараққиёти тарихида «**Тараққиётнинг ўзбек модели**» деган янги тушунча билан тан олинди. Бу йўлнинг ўзига хослиги шундаки, таъкидланганидек, **бош стратегик мақсад ва ғояга** эришиш учун жамиятни инқилобий тарзда эмас, балки эволюцион-тадрижий равишда ислоҳ этишдан иборатдир.

Аммо бу йўл, яъни тадрижий-эволюцион йўл янги йўл эмас, бу йўл билан жуда кўп мамлакатлар ривожланмоқда. Аммо улардаги тараққиёт тамойилларга нисбатан бизнинг тамойиллар тубдан фарқ қилади. Биз тараққиётнинг бешта тамойилига асосланганлигимиз ҳам унинг ўзига хослигидан далолат бериб турибди.

Тараққиётнинг ўзбек модели ва ундаги ғоялар тизимидаги миллийлик нималардан иборат? Бизнинг фикримизча, у қуйидагиларда намоён бўлади:

¹² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 7 бет.

1. Миллатимиз, унинг халқи ҳамиша **озодлик** учун курашиб келган. Озодлик унинг азалий орзуси бўлган. Бу озодлик нафақат сиёсий ёки иқтисодий жиҳатдан, балки маънавий жиҳатдан ҳам озод бўлишни тақозо қилади.
2. Бизга **Ватанни ардоқлаш, уни обод қилиш** азалий ота-боболаримиздан қолиб келаётган қадрият, урф-одат сифатида танимизга, қонимизга ва онгимизга сингиб кетган. Бунда ҳам маънавият билан бирга иқтисодиёт мужассамдир.
3. **Эркинлик** озодликнинг инъикоси сифатида қаралиб, ўзбек халқи ҳамиша тинчликка интилиб келган, уни таъминлаш учун курашган. Бу қадриятдан келиб чиқиб Юртбошимиз бизнинг йигитларимиз бировни босиб олиш учун эмас, фақат ўз Ватанини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш учун қўлига қурол олади, деган ғояни қайта-қайта таъкидламоқда. Бу бизнинг тараққиётимизда маънавий қадриятларимизга асосланганлигимиздан, эркинлигимизни авайлаб-асраш лозимлигини олға суриш ғоясидан далолатдир.
4. **Фаровон ҳаёт** кечириш ҳам миллатимизнинг азалий қадриятидир. Шу жиҳатдан ўзбек халқи - меҳнаткаш халқ сифатида танилган ва тан олинган. Тараққиётимизнинг ушбу тамойилида ҳам иқтисодиёт билан маънавият уйғун ҳолда ўз ифодасини топган.

Мана бу ҳислатлар бош стратегик ғоянинг ва у билан боғлиқ маънавиятнинг миллийлигини ифода этади. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, бу хусусиятларнинг ҳаммаси умумбашарий ғояларга ҳам бевосита тўғри келади.

Қайси миллат ёки давлат ўз Ватанида тинчликни, ўзининг озодлиги ва ободлигини хоҳламайди. Албатта, хоҳлайди. Шу жиҳатдан ўзбек моделининг ғояси ўзига хос миллий ва умумбашарийдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги шароитда иқтисодий ўсишга маънавий юксалишга нисбатан осонроқ эришиш мумкин. Чунки иқтисодиётнинг глобаллашув жараёни ҳамма мамлакатларда бир хил илғор технологияларни жорий қилиш имконини туғиради. Бироқ, маънавий соҳада ҳар бир миллат, ҳар бир мамлакат ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Лекин маънавиятнинг юксалиши иқтисодиётнинг ривожланишига нисбатан ўта мураккаб ва мушкулдир. Бунинг туб сабаблари, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётни ривожлантириш учун унга чет эл технологиясини киритиш мумкин, лекин миллий маънавиятимизни юксалтириш учун чет эл маънавиятини киритиб, импорт қилиб бўлмайди;
- иқтисодиётимиз ўнгланиб бозоримиз маҳсулотга тўйгунча уларни хориждан импорт қилиб бозоримизни мол билан тўлдиришимиз мумкин, аммо миллий маънавиятимизда бўшлиқ бўлса уни чет эл маънавияти билан тўлдириб бўлмайди;

- жамиятда иқтисодий бўшлиқни бировлардан маҳсулотни сотиб олиш билан тўлдириш мумкин, чунки унинг ўлчами бор, аммо маънавий бўшлиқ пайдо бўлса уни бировларнинг маънавиятини сотиб олиш билан тўлдириб бўлмайди;
- иқтисодий неъматларни бировлардан қарзга олиш ва қарзга бериш мумкин, аммо маънавий неъматларни қарзга олиб ҳам, қарзга бериб ҳам бўлмайди;
- иқтисодий бойликнинг қиймати, ўлчови бор, Шу туфайли, уни давлатлар ўртасида айрибошлаш мумкин. Аммо маънавий неъматнинг ўлчови йўқ, уни давлатлар ўртасида айрибошлаш ҳам мумкин эмас;
- иқтисодиёт тан озиғи, маънавият эса жон озиғидир. Иқтисодий неъматлардан қорин тўйса, маънавий неъматлардан кўнгил тўяди. Иқтисодий неъматлар моддий, уни тақсимлаб бўлиб бериш мумкин, аммо маънавий неъматлар номоддийдир, уни тақсимлаб ҳам, бировга инъом қилиб ҳам бўлмайди;
- иқтисодиётда инқироз бўлиши мумкин, лекин маънавий инқирозга йўл қўйиб бўлмайди. Иқтисодий инқирозни тез ўнглаш мумкин, аммо маънавий инқирозни тез ўнглаб бўлмайди;
- иқтисодий бойликлар хусусийлаштирилади, аммо маънавий бойликларни хусусийлаштириб, аҳолига тенг тақсимлаб бериб бўлмайди;
- иқтисодий бойликни кимдир ўғирлаши мумкин, аммо маънавий бойликларни ўғирлаб, ўзлаштириб бўлмайди;
- моддий жиҳатдан қашшоқ одамни кўлига мулк бериб тезда бойитиш мумкин, аммо маънавий қашшоқ одамга бировнинг маънавиятини бериб, уни маънавий жиҳатдан тезда бойитиб бўлмайди;
- моддий бойлик хайрия қилинади, аммо маънавий бойликни хайрия ҳам қилиб бўлмайди;
- одамнинг моддий эҳтиёжи қондирилади, унинг маълум даражада чегараси бор, аммо маънавий эҳтиёжнинг чегараси йўқ;
- иқтисодий бойликдан фойдаланиш билан уни камайитириш, эскиртириш мумкин, аммо маънавий бойликдан фойдаланиш ва уни ишлатиш билан у камаймайди, аксинча кўпаяди, юксалади, сайқаллашади.

Кўриниб турибдики, маънавий бойлик хориждан импорт қилинмайдиган ва сотилмайдиган, миллий аҳамиятга эга бўлган, ҳар бир миллатнинг ўзига хос ҳолда ривожланадиган, аниқ ўлчови йўқ, ишлаб чиқариш қийматига эга бўлмаган, аммо ўта бебаҳо бўлган бойликдир. Шундай бойликка эга бўлган мамлакатгина иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлади. Фақат буларнинг уйғунлигини таъминлаш лозимдир.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятни иқтисодий жиҳатдан бой қилиш учун, энг аввало, одамларимизнинг маънавиятини юксалтириш лозим экан. Зеро, маънавият йўқ жойда тараққиёт бўлмаганидек, тараққиёт йўқ жойда одамлар иқтисодий, маънавий инқирозлар қуршовига тушиб қолади.

Бундай одамларнинг аҳволи кундан-кунга ёмонлашиб, қашшоқлашиб боради. Қашшоқлик эса фақат кулфат, қарамликка олиб келади. Бундай миллатнинг келажаги бўлмайди. Шу туфайли мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг ривожланиши билан бирга маънавиятнинг юксалишига ҳам катта аҳамият бериш лозим. Уларнинг уйғунлигини таъминлаш муаммоси эса алоҳида диққатга сазовор масалалардан биридир.

Хуллас, ишда эришилиши лозим бўлган илмий хулосалар ва амалий тавсиялар ушбу келтирилган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлиб, бугунги кунда ўта муҳим бўлган масалаларни ўз ичига олади.

1.5. Иқтисодий таҳлилда иқтисодиёт билан маънавиятнинг уйғунлигини таъминлаш ва маънавий омилларни инобатга олиш муаммолари

Маънавият билан иқтисодиёт бир-бири билан шундай боғлиқки, уларни бир-биридан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Маънавият йўқ жойда иқтисодиётнинг ривож топиши, иқтисодиёти начор жойда маънавиятни юксалтириш анча мушкул. Ҳамиша иккаласини бирга қўшиб олиб боришни тақозо қилади. Бунга яққол мисол бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган тадбирлардир. Барча ишларимиз макро даражада бирга қўшиб олиб борилаяпти. Аммо микро даражада, фирма ва компанияларда бу масалага алоҳида эътибор қаратилган эмас. Шу туфайли иқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилганда ўша корхонанинг маънавий муҳитига, руҳий ҳолатига ҳам, одамларнинг ҳалоллиги ва Ватанпарварлигига ҳам аҳамият бериш лозим. Хуллас таҳлил қилинаётган объектнинг маънавий-руҳий муҳитига ҳам алоҳида ташхис қўйиш керак.

Иқтисодиётга қанча эътибор берилса, маънавиятга ҳам шунча эътиборни қаратлаётганлигигага мусақилликнинг барча йилларида амалга оширилаётган ишлар гувоҳлик бериб турибди. Бу, таъкидланганидек, макро даражада мазмунан ва шаклан уйғунлашган. Бир ҳудуда жамиятимизнинг иқтисодий тараққиётини юксалтиришга қаратилган йирик завод қурилаётган бўлса, ўша жойда ёки мамлакатимизнинг бошқа бир гўшасида, мазмун-моҳияти билан ундан кам бўлмаган бир тарихий иншоат, маънавиятимиз гултожларидан бири бўлган алломаларимизнинг мақбаралари ободонлаштирилиб қайта тикланмоқда, реконструкция қилинмоқда. Масалан, Бухора вилоятида, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган Қоровулбозор нефни қайта ишлаш заводи қурилди. Бир пайтнинг ўзида шу вилоятда маънавиятимиз учун катта аҳамият касб этадиган Масжиди Колон қайта тикланди.

Самарқандда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг асосларини белгиловчи йирик СамҚОЧавто заводи (ҳозирда СамАвто, деб юритилади) қурилиши билан бирга жаҳон аҳамиятга эга бўлган маънавиятимизнинг

гултожларидан бири, ислом оламида тан олинган ҳадисшунос аллома Имом ал-Бухорий ҳазратларининг мажмуаси тикланди.

Фарғонада улкан нефни қайта ишлаш заводининг реконструкция қилиниши билан бирга Ал-Фарғоний ҳазратларининг махобатли ҳайкали тикланди. Унинг номи абадийлаштирилди.

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган бундай хайрли ишлардан юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Маънавиятимиз одатда ботиний тарзда намоён бўлади. Аммо бизнинг мамлакатимизда маънавият моддийлашмоқда. Чунки Имом ал-Бухорий бобомизнинг руҳларини шод этиш учун шунчаки дуога қўл очиб фотиҳа қилиб қўйиш билан чекланмаяпмиз. Биз ҳозирги кунда Имом ал-Бухорий деганда кўз ўнгимизга, шарқ меъморчилигини ўзида мужассам этган, махобатли катта ва қудратли бир мажмуа келади. Худди шундай гапларни фақат Самарқанд вилоятида қайта тикланган Имом Мотрудий, Имом ад-Даромий, Махдуми Аъзам Даҳбедий ҳазратлари, Амир Темур мақбараси, Регистон, Биби Хоним, Шохи Зинда мажмуалари хусусида ҳам гапириш мумкин.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда иқтисодий юксалиш маънавиятимиз юксалиши билан бирга ҳамоҳанг тарзда олиб борилмоқда. Энг муҳими, биз ўзлигимизга, дину-диёнатимизга, иймону-эътиқодимизга қайтмоқамиз. Қалбимиз покланмоқда. Қалби пок одам доимо самимий ва рост гапирадилар. Самимият, ростгўйлик, ҳалоллик бор жойда турли алдовлар, қаллобликлар, сахталиқ, ғирромлик, фақат ўз манфаати қуршовидан ўралиб қолишдек бизнинг менталитетимизга ёд бўлган иллатлар бўлмайди. Бундай иллатлар бўлмаган жойда ўмарилиш, хиёнат ҳам бўлмайди. Ўмарилиш ва хиёнатсиз жойда иқтисодиёт ривож топади. Агарда фирма ва компанияларда шундайлар тўпланиб қолса элнинг бахти, давлатнинг омади.

Яқинда пайтахтимизда бир шогирдим билан бўлиб ўтган суҳбатимизни эслашни лозим деб топдим. У каттагина фирманинг молиявий менежери. Суҳбатимиз ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгандан кейин ўз-ўзидан унинг ишларига бориб тақалди. Нима ишлар билан шуғулланаётганлигига, албатта мен бефарқ эмас эдим. У иқтисодий кўрсаткичларини гапирганда жуда юқори самарадорлик билан ишлаётганлигига гувоҳ бўлдим. Фирмасининг солиқ юки қандайлигини сўрадим. Чунки жуда кўп тадбиркорлар унинг оғирлигидан нолийдилар. Лекин шогирим солиқ юкининг оғир ёки енгиллиги хусусида эмас, балки солиқнинг давлатимиз учун аҳамияти хусусида гапириб, биз солиқни қанча бўлса тўлаймиз, чунки уни кимгадир эмас, балки давлатимизга, унинг равнақи учун тўлаяпмиз, деб мени хурсанд қилди.

Бизга шунчалик шароитни яратиб берган Давлатимизга хиёнат қилсак, бизни энг аввало виждон қийнайди, Оллоҳ ҳам, бугунги тарихимиз ҳам кечирмайди, деганда тўлқиланиб кетдим. Биз солиқларимиз билан мамлакат қудратини оширишимиз, уни ҳамма нарсага қодирлигини таъминлашимиз керак, деганда жамиятимизда соғлом фикрлайдиган, ўз манфаатини, Президентимиз таъкидлаганларидек, давлат ва жамият манфаат билан уйғун

тассавур қиладиган тадбиркорларимизнинг шаккланаётганлигига яна бир бор амин бўлдим. Ниҳоят шундай хулосага келдимки, мазкур юқори самамарадорлик билан ишлаётган фирма раҳбарияти ва хоимларининг маънавияти кучли. Уерда юксак самимият, ростгўйлик, ҳалоллик бор. Бундайларни Яратганнинг ўзи ҳам қўллаб қувватлайди. Менимча, унинг корхонаси бежиз шунчалик юқори самарадорлик билан ишламаяпти.

Кўриниб турибдики, иқтисодий юксалишнинг асосий омилларидан бири шу ерда ишлаётган, уларга раҳбарлик қилаётган раҳбарларнинг маънавиятига, руҳиятига катта боғлиқ экан. Шу туфайли иқтисодий таҳлилда бундай омилларни инобатга олмаслик мумкин эмас.

Бозор муносабатлари шароитида кўплаб фирма ва компанияларни кўрамиз. Бугун гуллаб яшнаётган бўлади. Аммо эртага у инқрозга учраётганлиги ҳам сир эмас. Сабабини суриштирсангиз иқтисодий жиҳатдан қудратли, бой бўлган айрим фирма мулкдорининг маънавий савияси пастлигини кўрамиз. У давлатни алдаб солиқни яширган, ҳамкорларини алдаб кредитор қарзларини тўламасдан юрган бўлади. Бир кун унинг ҳамма кирдикорлари фош бўлиб, кечиктирилган ва тўпланиб қолган солиқлари ва дебитор қазларининг устига яна катта жаримани ҳам қўшиб тўлашга мажбур. Оқибатта у бир кунда банкрот, инқирозга учрайди. Кечаги гуллаб-яшнаб турган фирма бугун йўқ. Шундай аҳволга тушиб қолмаслик учун унинг фаолиятини ҳолисона, одилона таҳлил қилиб туриш лозимдир.

Оллоҳ ҳам бандаларига молу-дунёни аёвсиз беришлари мумкин экан. Лекин унга хиёнат ва жиноят аралашса, албатта файзи, баракаси кетади.

Бундан хулоса, ҳар бир шахсда ҳам, жамоада ҳам, жамиятда ҳам маънавият билан иқтисоёт уйғун ҳолда ривож топмоғи лозим. Ҳамма маънавиятли инсонларнинг ишларига Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлади, молу-дунёсини, мартабасини зиёда қилади. Маънавияти паст одамлар улардан ибрат олишлари лозим. Маънавияти юксак меҳнат жамоалари ҳамиша ҳамжиҳат бўлади. Ҳамжиҳатликнинг ўзи иқтисодий тараққиётнинг асосий омилларидан биридир. Бундай ижтимоий ҳодисани иқтисодий таҳлилда инбатга олмаслик мумкин эмас.

2-бoб. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ


2.1. Хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт шароитида иқтисодий назариянинг муҳим таркибий қисмларидан бири тадбиркорлик фаолиятидаги иқтисодий муносабатлар назариясидир. Зеро, тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётнинг барқарорлигини, унинг ўсишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Шу боисдан унинг назарияси ҳам иқтисодий назариянинг таркибий қисми сифатида эътироф этилади. Бундан тадбиркорлик масаласини фақат иқтисодий назария нуқтаи назаридан ўрганиш етарли деган хулоса келиб чиқмайди. Албатта, ушбу жараёни амалий фанларда, хусусан, менежмент, бухгалтерия ҳисоби, статистика, аудит, иқтисодий таҳлил каби фанларда ҳам ўрганишни тақозо қилади. Ҳар бир жараён ҳар томонлама тўлиқ ўрганилсагина, у амалиётда тегишли самарасини беради. Бу ҳолат, бевосита, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳам бевосита тегишлидир.

Тадбиркор эркин фаолият кўрсатувчи, бировнинг кўрсатмаси ва буйруғига муҳтож бўлмайдиган, ўз ташаббуси, ўз жавобгарлиги билан ҳўжалик юритувчи жисмоний ёки ҳуқуқий шахс бўлиши лозим. Бундай фаолиятни амалга оширадиган шароитни фақат бозор муносабатлари тўлиқ шакллланган жамиятгина яратиб бера олади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши эркин иқтисодиётнинг асосий пойдеворини яратадиган, тадбиркорларга кенг йўл очиб берадиган иқтисодий-ижтимоий жараён бўлиб, қуйидаги икки жиҳатни амалга оширишни тақозо қилади. Биринчидан, иқтисодиёт иштирокчилари ўзлари даромад (фойда) олиш йўллари эркин танлайди. Иккинчидан эса, ўзининг маблағини сарф-харажат қилиши ва тақсимотини ҳам эркин равишда, ўз ихтиёри билан амалга оширади. Бу икки жиҳатдан ҳам тадбиркор ўзига қулай, кўпроқ даромад (фойда) олиш йўлини танлайди. Биринчи йўналиш бўйича тадбиркорлик қилиш, ёлланиб ишлаш, бошқа тадбиркорлар билан бирлашиш (кооперациялашиш) каби фаолиятларни эркин танлаш мумкин бўлса, иккинчи йўналиш бўйича ўз маблағини инвестицияга қўйиш, жамғариш, тадбиркорлик объектини сотиб олиш, шахсий истеъмолига ишлатиш каби ҳолатларни ҳам эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Бу жараёнларни амалга ошириш учун иқтисодиётнинг эркинлигини тўла таъминлашни тақозо қилади. Эркин иқтисодиёт шароитида қуйидаги жараёнлар эркин амалга оширилиши лозим (2.1.1-чизма).



2.1.1-Чизма. Эркин иқтисодиёт шароитида эркинлаштирилиши лозим бўлган асосий жараёнлар.

Маълумки, Ўзбекистон иқтисодиёти яқиндагина қаттиқ режа интизомига молик ҳолда, умумдавлат мулки доирасида бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик усулларига асосланган ҳолда шаклланган иқтисодиёт эди. Бу ҳолат юқоридаги эркинликка ўз-ўзидан йўл бермайди. Президент Ислоҳ Каримов хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг аҳамиятига ва унинг иқтисодиётда тутган ўрнига катта аҳамият бериб келмоқда. Президент Ислоҳ Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига, бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида, яъни бундан уч йил муқаддам 2004 йил 7 февралдаги маърузасида таъкидлаган эдики: «Биз Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратар эканмиз, шу орқали учта муҳим масалани ечишни кўзда тутамиз.

Биринчи масала – яқин беш-ўн йил ичида ушбу соҳада ялпи ички маҳсулотнинг 50-60 фоизини ишлаб чиқаришга эришиш;

Иккинчи масала – бу соҳани ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари ўсишининг энг муҳим манбаларидан бирига айланиши лозим.

Доимий диққат марказимизда туриши керак бўлган **учинчи масала** мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлмиш кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат»¹³.

Ушбу масалага яна бир эътиборни қаратиб Президент Ислоҳ Каримов 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида: “Бешинчи энг муҳим устувор масала – бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал қилишдан иборат”¹⁴, деб таъкидлади. Президентимизнинг ушбу кўрсатмаларини бажариш, мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2006 йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қўшимча равишда 290 минг янги иш ўрни яратилди, бу эса мамлакатимизда очилган янги иш ўринларининг 50 фоиздан ортиғини ташкил этади. 2007 йилнинг бошида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

¹³ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустақкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. Президент Ислоҳ Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига, бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2004 йил 7 феврал.

¹⁴ Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқамиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Президент Ислоҳ Каримовнинг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига, бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2004 йил 12 феврал. – Халқ сўзи. 2007 йил 13 феврал.

корхоналарининг сони қарийб 350 мингтага етди ёки 2000 йилга нисбатан 2,3 марта кўпайди. Бугунги кунда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 42,1 фоизни ташкил этмоқда¹⁵.

Президентимиз кўрсатиб берган юксак марраларга эришиш учун «мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини куриш, ...¹⁶» лозимдир. Юқоридаги вазифаларни, айниқса иқтисодиётни батамом эркинлаштириш учун жуда кўп ташкилий тадбирларни бажаришга тўғри келади. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин (2.1.2-чизма).

Ташкилий тадбирлар	Амалга ошириладиган жараёнлар
Хусусийлаштириш	Давлат мулкани хусусий секторга бериш, жамоа, акциядорлик каби нодавлат мулк шаклига айлантириш
Давлат тасарруфидан чиқариш	Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқарувда, уларнинг маҳсулотини (иш, хизматини) ишлаб чиқариш, сотиш, тақсимот қилиш жараёнларига аралашмаслик
Рақобат муҳитини вужудга келтириш	Хўжалик юритувчи субъектларнинг монополист бўлиб қолишига йўл қўймаслик, уларнинг товарини (иш,хизматини) сотишда эркин рақобат муҳитини вужудга келтириш
Тадбиркорлик субъектларини қарор топтириш	Даромад (фойда) олиш мақсадида нодавлат мулкига асосланган эркин фаолиятни амалга оширадиган, барча масъулиятни ўз зиммасига оладиган ишбилармонлар синфининг шаклланиши ва ривожланиши учун кенг шароит яратиб бериш
Бозор инфратузулмасини вужудга келтириш	Эркин иқтисодиётнинг бемалол ривожланиши учун тегишли биржалар, банклар, суғурта идоралари, нодавлат иқтисодиётга хизмат қилувчи муассасаларни вужудга келтириш

¹⁵ Ўша жойда. – 3 бет.

¹⁶ Ўша жойда. – 3 бет.

Эркин баҳо сиёсатини шакллантириш	Бунда давлатнинг аралашувисиз товар (иш, хизмат)ларнинг баҳосини талаб ва таклифга асосан эркин шакллантириш
Мамлакатда ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш	Товар ва иш кучининг мамлакатнинг барча ҳудудларида эркин алмашувини таъминлаш
Хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин ташқи иқти-содий фаолиятини таъминлаш	Мамлакатда валютанинг эркин конвертациясини, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг хорижий фирмалар, компания ва давлатлар билан шартнома асосида эркин муносабатини таъминлаш

2.1.2-Чизма. Бозор муносабатларининг шаклланиши учун Ўзбекистонда амалга ошириладиган ташкилий тадбирлар

Юқоридаги чизмадан кўриниб турибдики, бозор муносабатларини шакллантириш, иқтисодиётни батамом эркинлаштириш учун Ўзбекистонда амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий тадбирлардан бири тадбиркорлик субъектларини қарор топтиришдан иборатдир. Бу жараён бозор муносабатлари шароитида иқтисодий ўсишни таъминлайдиган муҳим омиллардан биридир. Шу туфайли унинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини очиб бериш мазкур масаланинг назарий жиҳатини ҳал қилиш имконини беради. Агар ушбу талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, эркин иқтисодиётга эришиш учун ҳали мамлакатимизда анча ишларни амалга ошириш лозим. Бизнинг фикримизча, барча қилиниши лозим бўлган ишлардан бири - бу ташкилий тадбирлардир. Уларни ҳам ҳали охиригача етказилган деб бўлмайди. Шу туфайли бир иқтисодий тизимдан бошқа иқтисодий тизимга ўтиш жараёни маълум даврни талаб қилади. Бу даврнинг талофатларсиз, кескин узулишларсиз ўтиши учун, бир томондан, давлатимиз тараққиётимиз тамойили бўлган бош ислохотчилик ролини бажараётган бўлса, иккинчи томондан бозор муносабатларига тадрижий тарзда босқичма-босқич ўтиш тамойилига асосланганлигимиздадир. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг тўғрилиги маълум даражада мамлакатимиз ва унинг ҳудудларидаги иқтисодий ўсиш билан белгиланади. Ҳақиқатда бу масалага изчиллик билан эришмоқдамиз.

Буни 2000-2006 йиллардаги иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларидан ҳам кўришимиз мумкин. «2006 йилда иқтисодиётнинг ўсиши, солиштирма нархларга қараганда, 2000 йилга нисбатан 45 фоизни ташкил этди. Бунда саноат ишлаб чиқариши 1,6 марта, қишлоқ хўжалиги 1,5 баробар, ташқи

савдо айланмаси 1,7 марта, экспорт ҳажми 1,9, олтин-валюта захираси 3,7 баробар, реал иш ҳақи эса 4 марта ошганини кўриш мумкин¹⁷.

Иқтисодий ўсиш эса аҳолининг фаровонлигини таъминлайди. 2006 йилда аҳоли бандлигини ошириш, халқимиз турмуш даражасини босқичма-босқич юксалтириш йўлида сезиларли қадамлар қўйилди. Биргина 2006 йилнинг ўзида барча тоифадаги ишчи-хизматчиларнинг реал иш ҳақи 36 фоизга ўсди¹⁸.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятнинг ривожланиши эвазига мамлакатимизда бошқа бир қанча ютуқларга, хусусан янги иш ўринларининг очилиши эвазига ишсизликнинг камайишига ҳам эришилмоқда. 2006 йилда “кичик бизнес ва тадбиркорликни рағбатлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, одамларимизга касаначиликнинг турли шакллари билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратиб бериш, муҳтож оилаларни чорва моллари билан таъминлаш борасида қилинган кўпгина ишлар туфайли мамлакатимизда қарийб 570 мингта иш ўрни яратилди¹⁹.

Янги иш ўринларини яратишда халқимизнинг азалий анъаналаридан бўлган касаначиликнинг тикланиши муҳим аҳамият касб этмоқда. 2006 йилда йирик саноат корхоналари билан кооперациялашиш негизида касаначилик фаол ривожланиб, бунинг натижасида 60 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди. Натижада 60 минг одам, 60 минг оила қўшимча даромадга эга бўлди²⁰. Агар ушбу масаланинг маънавий жиҳатини, ижтимоий самарадорлигини оладиган бўлсак, айтиш мумкинки, шу одамларнинг дунёқараши ўзгарди. “Улар энди ўз оиласи, болалари олдида бошини кўтариб яшайди, эл-юрт, Ватан равнақига ўз ҳиссасини қўшади”²¹.

Натижада аҳолининг пул даромадлари ва харажатларида ҳам тегишли ўзгаришлар рўй беради. Аммо бу борада қилинадиган ишларимиз ҳали кўп. Келажакда Президентимиз таъкидлаганларидек: “Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожини учун мустаҳкам ва барқарор пойдевор яратилганини ҳамда шаклланиб бораётган тенденцияларни инобатга олган ҳолда, биз ўз олдимизга 2007 йилда ўртача иш ҳақини камида учдан бир миқдорда, 2010 йилга бориб эса, яъни яқин уч йил давомида уни 2,5 баробар ошириш вазифасини қўймоқдамиз²²”. Бундай юксак вазифаларни бажариш

¹⁷ Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Президент Ислам Каримовнинг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоқотларни чулурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига, баъишланган Вазирлар Мақкамаси мажлисидаги маърузаси. 2004 йил 12 феврал. – Халқ сўзи. 2007 йил 13 феврал.

¹⁸ Ўша жойда. – 2 бет.

¹⁹ Ўша жойда. – 2 бет.

²⁰ Ўша жойда. – 2 бет.

²¹ Ўша жойда. – 2 бет.

²² Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Президент Ислам Каримовнинг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоқотларни

иқтисодиётни батамом эркинлаштириш билан бирга кичик ва хусусий тадбиркорликни кескин ривожлантиришни талаб қилади. Бу борада қисқа муддатда мисли кўрилмаган натижаларга эришдик. Аммо унинг равнақини тўлиқ таъминлаш учун ҳали кўпгина муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун унинг айрим назарий масалаларини қараб чиқишни тақозо қилади.

Бозор муносабатлари иқтисодиётга янги тушунчалар, категориялар ва фаолиятларнинг кириб келишини тақозо қилмоқда. Булар жумласига “тадбиркор”, “тадбиркорлик”, “бизнес”, “бизнесмен” каби тушунчаларни киритиш мумкин. Бу тушунчалар бир-бирига жуда яқин тушунчалардир. Айниқса, “тадбиркор” ва “бизнесмен” тушунчалари бир-бирига шу даражада яқинки, шу туфайли кундалик ҳаётимизда ҳам, айрим адабиётларда ҳам уларни бир хил тушунчалар деб қарайдилар. Бир киши бир шахсни “тадбиркор” деб атаса, иккинчиси эса айнан уни “бизнесмен” деб аташи мумкин. Худди шундай ҳолат, таъкидланганидек, ўқув ва илмий адабиётларда ҳам учрайди. “Тадбиркорлик” ва “бизнес” тушунчалари хусусида ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин. Зеро, уларни ҳам бир-бири билан алмаштириб кўп ҳолларда бир хил тушунчалар, деб қаралади.

Энг аввало, шуни таъкидлаш жоизки, “тадбиркор” ва “бизнесмен” тушунчалари шахсни англатса, тадбиркорлик субъектлари ва бизнес тушунчалари эса фаолиятни англатади. Уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

“Тадбиркорлик” тушунчаси иқтисодий категория сифатида қадимдан олимлар эътиборида бўлиб келган ва ҳамон ўрганилмоқда. Чунки ҳар қандай жамиятда иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бири - тадбиркорлик бўлган ва шундай бўлиб қолади. Бироқ ушбу тушунча тўғрисида жуда кўп қарашлар мавжуд.

Бу иборани XVIII асрнинг бошларида иқтисодий назарияга биринчи бўлиб Англия иқтисодчиси Р.Кантильон киритган. У тадбиркорни фойда олиши чегараланмаган ва баҳоси аниқ товарларни сотиб оладию, лекин сотиш баҳоси ноаниқ бўлган товар билан шуғулланадиган таваккалчи, таклифни талабга мословчи, деб баҳолайди²³.

Жан Батист Сэй тадбиркорликни воситачи, ишлаб чиқариш омилларининг координатори, тажриба ва билим эгаси, деб таърифлайди. Унинг даромад қисмини, Ж.Б.Сэй, тадбиркорлик қобилятининг баҳоси сифатида қарайди²⁴.

А.Смит тадбиркорликка мулкдор сифатида қараб, уни ишлаб чиқариш ва тақсимот билан чекланиб қолмаслигини, шу билан бирга у мулкдор, шахс

чулурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига, бағишланган Вазирлар Мақкамаси мажлисидаги маърузаси. 2004 йил 12 феврал. – Халқ сўзи. 2007 йил 13 феврал. - 3 бет.

²³ Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.: Ўзбекистон, 1999. - 216 бет

²⁴ Ёша жойда. 216-217 бетлар.

сифатида намоён бўлишини, мустақил фикрлайдиган ва ўзининг жорий истеъмолини таъминлаш билан бирга келгусида шахсий жамғармасини кўпайтиришга интиладиган киши фаолияти сифатида баҳолайди²⁵.

Тадбиркорликка В.Замбарт ҳам ўз фикрини билдириб тадбиркорлик субъектларидаги таваккалчилик фақат саноат, савдодагина бўлмай, бошқа соҳаларга ҳам хос деб, уларни қароқчи ва босқинчилар билан тенглаштиради²⁶.

Булардан фарқли ўлароқ, Й.Шумпетер тадбиркор мулкдор бўлиши шарт эмас, у ёлланувчи бўлиши ва янги комбинацияларни амалга оширувчи шахс бўлиши ҳам мумкин деб, тадбиркорликнинг беш муҳим томонини кўрсатиб беради. Буларга:

- “ ● истеъмолчиларга номаълум янги товарлар ишлаб чиқариши;
- * янги ишлаб чиқаришни қўллаши ва мавжуд товарлар тижорийлигини таъминлаши;
- * янги товарларни ўзлаштириши;
- * янги хом ашёларни ишлатиши;
- * тармоқни такомиллаштириш²⁷лар киради. Бу рўйхатда Й.Шумпетер тадбиркорлик субъектларининг асосий мақсади нималиги хусусида гап юритмайди. Натижада унинг мазмуни тўлиқ очилмасдан қолганлигини кўрамыз.

Бир гуруҳ иқтисодчилар тадбиркорлик субъектлари фаолияти фақат иқтисодий фойда олиш билан чегараланиб қолмасдан, балки социал (ижтимоий) наф келтиришини ҳам уқтириб ытади. Уларнинг (Ю.А.Гранаткин, Д.И.Истамов, Х.Х.Эргашев) фикрича: “Тадбиркорлик (тадбиркорлик фаолияти) - мулкдор ёки у қўйган вакилнинг (фуқаро ва уларнинг бирлашмалари) фойда, даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида товар, маҳсулот ва хизматни аниқлаш, ишлаб чиқариш ва сотишни ўз ташаббусига биноан мустақил фаолиятини ташкиллаштиришдир”²⁸.

Тадбиркорлик категориясини тушунтириш бўйича бошқа бир қанча қарашлар ҳам мавжуд. Хусусан, “Бизнес тили” луғатининг муаллифлари (В.А.Чижен, Ш.Р.Ғафуров, В.И.Гугнин, С.Н.Амановлар) тадбиркорликка қуйидагича таъриф берадилар. Уларнинг фикрича: “Тадбиркорлик субъектлари - ўз олдида қўйилган вазифани ҳал қилиши учун турли манбалардан ресурсларни топиш ва жалб қилиш мақсадида ҳамма имкониятларни, янгиликларни ахтариб топишга қаратилган маъмурий буйруқбозликсиз илғор усуллар билан амалга ошириладиган хўжалик юритишдир”²⁹.

²⁵ Гранаткин Ю.А., Истамов Д.И., Эргашев Х.Х. Основы предпринимательства. Санкт-Петербург, 1993. - 8-9 бетлар.

²⁶ Расулов М. Бозор илътисоди,ти асослари. Т.: Ўзбекистон, 1999. - 217 бет

²⁷ Ёша жойда. 217 бет.

²⁸ Гранаткин Ю.А., Истамов Д.И., Эргашев Х.Х. Основы предпринимательства. Санкт-Петербург, 1993. - 11 бет.

²⁹ Язык бизнеса. Т.: ИПК “Шарль”, 1995, - 413 бет.

Айрим иқтисодчилар тадбиркорликни муҳим ва қийин лойиҳаларни бажариш, деб тушунадилар. Жумладан, С.Жизнин ва В.Курупновлар, тадбиркорлик деганда, “муҳим ва қийин лойиҳаларни жасурлик билан амалга ошириш”дир³⁰, деб таъкидлайди. Яна ўз фикрини давом эттириб, улар тадбиркор деганда, “янги ғояларни амалга ошириш учун ўз ихтиёри билан барча таваккалчиликларни зиммасига олишга тайёрлик”³¹, деб таъкидлайди.

Айрим адабиётларда тадбиркорликка бошқачароқ қаралади. Масалан, олимлардан М.Пардаев ва Г.Шодиевалар “тадбиркор деганда, кўз олдимизга ғайратли, таваккалига иш юритишдан кўрқмайдиган, бозор тизимида мустақил фаолият юритадиган ишбилармон киши тушунилади”³² деб таъкидлайди. “Тадбиркорлик субъектлари, эса - муаллифлар таъкидлашича, - тадбиркорнинг ўз мулки асосида ҳаракат қиладиган эркин фаолиятидир”³³.

С.С.Ғуломов ушбу масалага “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунга асосланиб, қуйидагича таъриф беради. “Тадбиркорлик фуқароларнинг фойда ёки шахсий даромад олишга йўналтирилган мустақил, ташаббускор фаолияти бўлиб, у фуқаронинг ўз номидан, ўзининг таваккалчилиги билан ҳамда ўзининг ёки юридик шахснинг (корхонанинг) мулкӣ жавобгарлиги асосида амалга оширилади”³⁴.

Кўриниб турибдики, тадбиркорлик тушунчасига ҳам турли олимлар турлича ёндошадилар. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида қуйидагича таъриф берилган: “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) - тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият”дир³⁵.

Тадбиркорлик ҳам иқтисодий категория сифатида ўзининг назарий ечимига ва тегишли таърифига эга бўлишни тақозо қиладди. Бу категорияга таъриф бериш учун қуйидаги талабларни инобатга олиш лозим.

Биринчидан, тадбиркорлик - бу тадбиркорлар фаолияти бўлиб, бу фаолият тадбиркорлар ёки тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади.

Иккинчидан, ҳамиша янгиликларни, янги имкониятларни ишга соладиган, уларни ахтариб топишга қаратилган фаолият бўлиб ҳисобланади.

Учинчидан эса, ташаббускорлик ва талабчанлик билан таваккал қилиб, ўз мулкӣ жавобгарлиги асосида жамият эҳтиёжига мос товар (иш,

³⁰ Жизнин С. Крупнов В. Как стать бизнесменом. - Минск: “Предприниматель”, 1990. - 5 бет.

³¹ Ёша жойда. 5 бет.

³² Пардаев М., Шодиева Г. Тадбиркор, тадбиркорлик ва уларнинг ёнуний асослари. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. № 12, 2002. - 44 бет.

³³ Ёша жойда. - 44 бет.

³⁴ Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: “Шаръ” нашри, ти МАК, 2002. - 8 бет.

³⁵ Ўзбекистон республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ёонуни. 3-модда.

хизмат) ишлаб чиқарадиган, сотадиган ва шу йўл билан ўзининг фойда олишини таъминлашга қаратилган фаолият сифатида намоён бўлади.

Агар шу талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, тадбиркорлик категориясига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Тадбиркорлик деганда, тадбиркорлар ва тадбиркорлик субъектларининг бошқа субъектлари томонидан қонун ҳужжатлари доирасида ташаббускорлик билан таваккал қилиб иш кўрадиган мулккий жавобгарлиги асосида жамият эҳтиёжига мос товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш орқали маълум даражада даромад (фойда) олишни таъминлайдиган фаолият тушунилади. Айрим касблар борки, улар ижтимоий характерга эгадир. Бу соҳадаги тадбиркорлик фақат моддий фойда олиш учун эмас, балки ўз тадбиркорлигини обрўсини (репутациясини) орттириш учун ҳам такомиллаштириб боради. Масалан, ўқитувчи ёки шифокор меҳнатини олайлик. Улар ҳам юқори малакали тадбиркор бўлиши мумкин. Аммо у хусусий секторда тадбиркорлик билан эмас, балки давлат ташкилотида ойлик маоши олиб ишлаётган бўлиши мумкин.

Кўриниб турибдики, мазкур таъриф Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда тадбиркорликка берилган таърифдан анча кенгрокдир. Бу эса, мазкур қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо қилади.

Эндиги вазифа тадбиркор кимлиги хусусида назарий фикрларни умумлаштиришдан иборатдир. Тадбиркор категориясига таъриф бериш учун бундай шахс қандай одам бўлишини аниқлаб олиш лозим. Бу жиҳатлар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, тадбиркор ўзи мулкдор бўлиши ва ўз мулкни тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий асоси қилиб олиши мумкин.

Иккинчидан, тадбиркор ўз фаолиятини бошқа кишининг мулки асосида ҳам амалга ошириши мумкин.

Учинчидан, тадбиркор ташаббускорлик ва таваккалчилик билан иш кўрадиган, кимдан қачон ва қанча харид қилишни ва кимга қачон, қанча, неча пулга сотишни ўзи ҳал қиладиган бўлиши лозим.

Тўртинчидан, тадбиркор барча фаолиятини қонун доирасида, унга қаттиқ риоя қилган ҳолда амалга оширадиган бўлиши керак.

Бешинчидан, тадбиркор ўз фаолиятини фойда олиш мақсадида эркин амалга оширадиган, жамият манфаатига мос келадиган тадбирларни амалга оширадиган бўлиши лозим.

Агар шу жиҳатларни инобатга оладиган бўлсак, тадбиркорга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Тадбиркор деганда, фаолиятини ташаббускорлик ва таваккалчилик асосида мустақил равишда ўз мулкidan ёки бошқалар мулкдан фойдаланиш йўли билан жамиятга нафи тегадиган ва ўзига

маълум даража даромад (фойда) олишни таъминлайдиган, қонун доирасида мустақил фаолият кўрсатадиган ғайратли, ишбилармон шахс тушунилади.

“Бизнес” ва “бизнесмен” тушунчаларининг талқини бўйича ҳам турли фикрлар, қарашлар мавжуд. Юқорида таъкидланганидек, айрим олимлар тадбиркорлик ва бизнесни бир хил фаолият деб қараб тадбиркор ва бизнесменларни ҳам бир хил шахслар сифатида талқин қиладилар. Булар жумласига М.Расулов³⁶, Ю.А.Гранаткин, Д.И.Истамов, Х.Х.Эргашев³⁷ кабиларни киритиш мумкин. Улар ушбу тушунчаларни сўзлар синоними, яъни ҳар бир тушунчага, ҳатто бир хил иқтисодий категория сифатида қарайдилар.

Иқтисодчилардан Ю.А.Гранаткин, Д.И.Истамов ва Х.Х.Эргашевлар “Тадбиркорлик асослари” китобининг “Тадбиркорликнинг моҳияти ва турлари” номли 2-параграфида “тадбиркорлик” сўзининг олдида “бизнес” сўзини қавсда беради. Тадбиркорлик масаласини назарий жиҳатдан таҳлил қила туриб, унинг таърифи сифатида бизнес тушунчасига таъриф беради³⁸.

Таъкидлаганимиздек, айрим иқтисодчи олимлар эса бизнес ва тадбиркорлик тушунчаларини бир хил тушунчалар, деб қарайдилар. Булар жумласига М.Расуловни киритиш мумкин. “Бизнес моҳияти, тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари бир хил. Бизнес бирон бир иш фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабат, ишбилармонликдан келиб чиқадиган муносабатдир. Бизнес билан боғлиқ шахс бизнесмен дейилади. Бу сўз инглизчадан олинган, бизнес-иш, мен-одам деган маънони англатади. Бизнес - тадбиркорлик субъектлари иқтисодий категория бўлиб, хўжалик юритиш усули, иқтисодий фикрлашиш туридир³⁹. Ушбу қарашда М.Расулов бизнес ва тадбиркорликка бир хил категория сифатида қарайди.

Бундан ташқари бир қанча қарашлар борки, бизнесни тадбиркорликка нисбатан алоҳида тушунча ва иқтисодий категория сифатида қарайдилар.

Иқтисодчи олимлар А.Н.Жабриев ва И.Р.Зугуровлар “Менежмент асослари” номли луғат-қўлланмасида бизнес сўзига қуйидагича изоҳ беради. “Бизнес - фойда келтирувчи иқтисодий фаолият, даромад ёки бошқа шахсий фойда келтирувчи фаолиятнинг ҳар қандай тури”⁴⁰.

Бизнес тушунчасига С.С.Ғуломов бутунлай бошқача қарайди. Жумладан, муаллиф: “Умумий кўринишда бизнес - бу кишининг бозор муносабатлари тизимидаги ишчанлик фаоллигидир”⁴¹, деб таъкидлайди.

³⁶ Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.: Ўзбекистон, 1999. - 217 бет

³⁷ Гранаткин Ю.А., Истамов Д.Ш., Эргашев Х.Х. Основы предпринимательства. Санкт-Петербург, 1993. - 7 бет.

³⁸ Ўша жойда. 7-бет.

³⁹ Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.: Ўзбекистон, 1999. - 217 бет.

⁴⁰ Жабриев А.Н., Зугуров И.Р. Менежмент асослари. Самарқанд, СамКИ, 2001. - 12 бет.

⁴¹ Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: “Шаръ” нашриёти. - МАКБТ, 2002 - 8 бет.

Яна бир адабиётда (С.Жизнин, В.Крупнов) “бизнес” сўзини “тижорат, савдо, тармоқ, фирма, фаол ишчанлик”⁴² сўзларининг синонимидир, деб таъкидлайди.

Айрим олимлар (В.А.Чжен, Ш.Р.Ғофуров, В.И.Гугнин, С.Н.Аманов) бизнес тушунчасига кенгрок ёндошади ва бу борада қуйидаги хулосага келадилар: Булар “Бизнес - хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини (қишлоқ хўжалиги, савдо, банк бизнеси) ифодаловчи умумиктисодий атама бўлиб, унинг иктисодий манфаатини, фаолиятининг ҳажми ва кўламини (кичик, ўрта, йирик бизнес) ҳамда иктисодий фаолият асосидан ташқари (масалан, нопок бизнес) бўлган хўжалик субъектларининг айрим фаолиятларини ифодалайди”⁴³, деб таъкидладилар.

“Бизнес” ва “безнесмен” атамалари хусусида олимлар фикрини яна истаганча давом эттириш мумкин эди. Лекин ўйлаймизки, бу иктисодий тушунча ва категориялар хусусида хали олимларимиз бир тўхтамга келмаганликлари хусусида хулоса қилиш учун ушбу далиллар ҳам етарлидир.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, мазкур тушунчалар бўйича тадқиқотларимиз натижасида килинган хулосаларимиз доирасида фикр юритмоқчимиз.

“Бизнес” тушунчаси иктисодий категория бўлиб, шу фаолият билан шуғулланувчи шахснинг (бизнесменнинг) даромад (фойда) олишига қаратилган фаолиятини ифодалайди. Агар ушбу категорияга шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, у қуйидаги талабларга жавоб бermoғи лозим.

Биринчидан, бизнес барча иктисодий фаолиятни ўз ичига олмайди, балки даромад (фойда) олишга қаратилган фаолият бўлиши табиий.

Иккинчидан, фойда турли найранглар, алдов ва қаллоблик йўли билан эмас, балки қонунга асосланган фаолият юритиш йўли билан эришилган бўлиши лозим.

Учинчидан, бизнес билан маълум рухсатга эга бўлган (давлат рўйхатидан ўтган) шахсларгагина шуғулланишига йўл қўйилади.

Тўртинчидан, бизнес фаолияти ва унинг натижаси ҳисобга олиниши лозим. Акс ҳолда, у яширин иктисодиётга, қонун йўли билан қарайдиган бўлсак, жинойтга дахлдор бўлади. Жинойт йўли билан топилган даромадни (фойдани) ва у билан боғлиқ фаолиятни бизнес деб бўлмайди. Уни ўзининг номи билан иктисодий жинойт, деб баҳолаш лозим. Аммо айрим иктисодчилар (В.А.Чжен, Ш.Р.Ғофуров, В.И.Гугнин, С.Н.Амановлар). “Нопок бизнесни” ҳам бизнес деб атайдилар⁴⁴. Булар бизнесга ҳамма фойда келтирувчи фаолиятни қўшадилар. Бу, бизнинг фикримизча, ноўрин, чунки уларнинг бир қисмини ҳисобга олиш мумкин, бир қисми яширин ҳолатда сақланиб қолаверади.

⁴² Жизнин С., Крупнов В. Как стать бизнесменом. - Минск “Предприниматель”, 1990. - 5 бет.

⁴³ Язык бизнеса. Т.: ИПК “Шарль” 1995. - 55 бет.

⁴⁴ Язык бизнеса. Т.: ИПК “Шарль” 1995. - 55 бет.

Жамиятимиз бизнесни ривожлантириш масаласини қўймоқда. Бу дегани қонунга асосланган, ҳалол-поқ бизнесни ривожлантиришдир. Агар биз “нопоқ бизнесни” ҳам бизнес дейдиган бўлсак, жамиятда бундай турдаги бизнес ҳам ривожланаверади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ўтиш иқтисодиёти шароитида уларнинг айримлари сақланиб қолиши мумкин. Лекин жамият тараққиёти, ўз-ўзини бошқаришнинг қарор топиши, кучли жамиятнинг вужудга келиши бу иллатларни аста-секинлик билан кундалик ҳаётимиздан сиқиб чиқарадилар. Бундан ташқари кундан-кунга ва йилдан-йилга қонунларимиз ҳам такомиллашиб жамият қусурларининг пойини қирқаверади.

Ушбу хулосалардан келиб чиқиб, “бизнес” категориясига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Бизнес деганда, бизнес субъектлари томонидан даромад (фойда) олишга қаратилган, қонунга асосланган фаолият тури тушунилади.

Ана шундай фаолият билан шуғулланувчи шахс бизнесмен (бизнесчи) деб аталади. Бизнес деганда фаолиятнинг фойда олишга қаратилган тури тушунилади. Фойда эса, аксарият ҳолда, товар (иш, хизмат)лар сотилгандан сўнг намоён бўлади. Шу туфайли, бизнес деганда, одамлар кўз олдида, бевосита, олди-сотди жараёни келади. Лекин бизнес фаолияти фақат шу жараён билан чекланиб қолмайди, балки барча даромад (фойда) келтирувчи фаолиятдир.

Бизнесмен сўзига “Бизнес тили” номли изоҳли луғатда “бизнес билан шуғулланувчи одам”⁴⁵ деб таъриф берилган. Қавс ичида (ишбилармон, тадбиркор, тижоратчи) деб ҳам кўрсатилган. “Словарь иностранных слов”да бизнесмен сўзига капиталистик мамлакатлардаги ишбилармон, тижоратчи, тадбиркор, деб изоҳ бериш билан бирга “умуман олганда, фойдали иш қиладиган одам”⁴⁶ деган тушунчани ҳам киритган. Бошқа адабиётларда ҳам бизнесмен сўзи шу мазмунда изоҳланади, талқин қилинади.

Булардан келиб чиқиб бизнесмен тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Бизнесмен деганда, даромад (фойда) олиш мақсадида қонун доирасида бизнес билан шуғулланувчи, мулкый жавобгарликни ўз зиммасига олган таваккалчилик ва ташаббускорлик билан иш юритувчи шахс тушунилади.** Бу ерда ҳам шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай даромад (фойда) олувчи шахс бизнесмен эмас, фақат қонун доирасида фаолият кўрсатиб ишлайдиган, бизнес билан шуғулланадиган шахс бизнесмендир.

Шуни эътироф этиш керакки, тадбиркор бир қанча фаолият билан, ҳатто ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, фойда келтирмайдиган фаолиятлар (таълим, ижтимоий таъминот, тиббиёт, маданият, экология каби соҳаларда) билан ҳам шуғулланиши мумкин. Аммо бизнесмен тадбиркордан асосан даромад (фойда) келтирадиган фаолият билан шуғулланиши билан ажралиб

⁴⁵ Ёша жойда, 55 бет

⁴⁶ Словарь иностранных слов. М.: Русский язык, 1979. - 80 бет.

туради. Кўриниб турибдики, бизнесмен билан тадбиркорни, бизнес билан тадбиркорлик субъектларини бир хил сўзлар, синонимлар, деб қараб бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси бир-бири билан узвий боғлиқ, аммо алоҳида мазмунга эга бўлган иқтисодий категориялар экан.

2.2. Тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш тенденцияси ва унинг ҳудудлар ва соҳалар бўйича таҳлили

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши бевосита хусусий мулкдорлар синфининг вужудга келиши ва шаклланиши билан боғлиқ бўлмоқда. Чунки давлат тасарруфидаги мулк хусусийлаштирилди ва бу жараён давом этмоқда, янги яратилаётган хўжалик юритувчи субъектлар эса, асосан хусусий мулк замирида шаклланиб ривож топмоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётининг асосини хусусий мулк замирида фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик субъектлари ташкил қилмоқда. Шу туфайли ушбу соҳани ўрганишга бир қанча адабиётлар, илмий мақолалар бағишланган⁴⁷.

Хусусий мулкка асосланган тадбиркорлик субъектлари асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шаклида намоён бўлмоқда. Аммо бу соҳани ривожлантириш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бу муаммо Ўзбекистон учун янада мураккаб, чунки мазкур соҳани ривожлантириш учун, биринчидан, замонавий тадбиркорлар синфи шаклланган эмас эди, иккинчидан, бу соҳада етарли даражада тажриба ҳам тўпланмаган, учинчидан эса, энг муҳими, уларни ривожлантириш учун тегишли технология ва молиявий маблағлар ҳам етарли эмас эди.

Бироқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантирмасдан туриб, бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётни ривожлантириб бўлмайди. Шу боисдан ушбу соҳани ривожлантириш мамлакатимизнинг келажагини белгилайдиган асосий соҳалардан бирига айланмоқда. Чунки бу соҳа янги иш ўринларини очиш билан бирга, истеъмол бозорини товар ва маҳсулотлар билан тўлдиради, турли хизматлар тизимини яратади, мамлакатнинг ЯИМда тегишли улушга эга бўлади. Бундай муҳим истиқболли соҳани ривожлантириш учун унинг ҳолатини, ривожланиш йўллари, унинг тараққиётига тўсиқ бўлаётган омилларни атрофлича ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан таҳлил қилишни тақозо қилади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари етакчи роль ўйнайдиган кўп укладли иқтисодиётнинг жадал шаклланаётгани туфайли, 2002 йилда 38

⁴⁷ Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меънат, 2000; Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меънат, 1997; Отахонов Ф., Эрназаров У. Хусусий тадбиркорлик. Т.: Адолат, 1995; Фуломос С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: Шаръ, 2002.; Тухлиев Н., Ёлмасов А. Ишбилармонлар луғати. Т.: Ёлмуслар Бош тақририяти, 1993.; Хўжаев Э. ва бошлалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. Самаръанд, 1997. ва ё.к.

мингга яқин микрофирма, кичик ва ўрта корхона тузилиб, уларнинг умумий сони 240 мингга етди»⁴⁸. Бу тенденция 2003-2006 йилларда ҳам сақланиб қолмоқда. Уларнинг сони 2007 йилнинг бошида қарийб 350 мингга етди. Б кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 2,3 марта кўпдир⁴⁹. Янги иш ўринларининг кўпайиши, асосан, (50 % дан ортиқ) шу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тўғри келмоқда (2.2.1-жадвал).

2.2.1 - Жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда унда банд бўлганлар сонининг мустақиллик йилларида (1992-2005 йиллар) ўзгариши

Йиллар (йил бошида)	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари		Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида банд бўлганлар	
	Минг- та	Ўтган йилга нисбатан физда	Минг киши	Ўтган йилга нисбатан фоизда
1992	52,8	177	3728,4	112,2
1993	74,4	140,9	4661,2	125,0
1994	98,5	132,3	5462,9	117,2
1995	142,0	144,1	6577,4	120,4
1996	171,0	1204	7004,9	106,5
1997	146,7	85,8	3873,7	55,3
1997	146,7	85,8	3873,7	55,3
1998	165,6	112,9	3548,3	91,6
1999	159,7	96,4	4152,5	117,0
2000	183,0	114,5	4483,8	108,0
2001	201,9	110,3	4842,5	108,0
2002	240,0	118,9	5212,5	107,6
2003	250,0	104,2	5390,0	103,4
2004	263,8	105,5	5500,0	102,0
2005	308,7	117,0	6679,0	121,4
2005 йилда 1992 йилга нисбатан, %		584,7		179,1

Манба: Макроиқтисодий ва статистика вазирлигининг тегишли йиллар бўйича чоп қилган маълумотлари асосида тузилган.

⁴⁸ Каримов И.А. Ислоқотлар стратегияси - мамлакатимиз илтисодий салоқиятини юксалтиришдир. «Халъ сўзи», 2003 йил 18 феврал. - 2 бет

⁴⁹ Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш — асосий вазифамиздир. Президент Ислом Каримовнинг 2006 йилда ижтимоий-илтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда илтисодий ислоқотларни чулурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига, бағишланган Вазирлар Мақкамаси мажлисидаги маърузаси. 2004 йил 12 феврал. — Халқ сўзи. 2007 йил 13 феврал.-3 бет.

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, мустақиллик йилларида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 2005 йилда 1992 йилга нисбатан 584,7 % га ўсган. Аммо унда банд бўлганлар сони 179,1 %га кўпайган. Олдин (1992 й.) ҳар бир корхонада ўртача 70,6 киши (3728,4:52,8) банд бўлган бўлса, 2005 йилга келиб – 11,4 киши (6679,0:584,7) банд бўлган. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг гигантоманиядан воз кечиб, майдалашиб ҳақиқий кичик бизнес мақомига эга бўлиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг биринчи кунларида кичик ва ўрта бизнес асосан шаҳарларда ривожланган бўлса, эндиликда у қишлоққа кўчди. Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатининг жадал ривожланиши оқибатида кичик бизнесга асосланган қайта ишловчи юқори илғор технологиялар билан жиҳозланган корхоналар ҳам пайдо бўлмоқда. Бу қишлоққа саноатни олиб кириш масаласини ҳам ҳал қилиб бормоқда. Лекин ҳамма рўйхатдан ўтган корхоналар ўз фаолиятини тўлиқ таъминлаб иш юритиш имкониятига эга бўлмаяпти (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар бўйича рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий корхоналар сони ва улушининг 2000-2005 йиллардаги ўзгариши

Ҳудудлар	Рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий корхоналар сони, та		Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий корхоналар сони, та		Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий корхоналар улуши, %	
	01.01. 2000 й.	01.01. 2005	01.01. 2000 й.	01.01. 2005 й.	01.01. 2000 й.	01.01. 2005 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	7,8	15,3	4,6	14,2	58,6	92,9
Андижон	14,4	20,0	11,4	16,0	79,2	79,9
Бухоро	9,4	22,7	8,1	20,2	86,1	89,1
Жиззах	6,8	18,8	6,3	15,7	92,7	83,6
Қашқадарё	10,5	57,9	9,2	54,5	87,5	94,2
Навоий	4,4	10,7	3,3	9,5	74,0	89,3
Наманган	11,3	17,0	9,2	14,0	81,3	82,5
Самарқанд	16,8	22,8	11,4	20,9	67,8	91,9

Сурхондарё	8,8	16,9	7,4	14,0	84,0	82,5
Сирдарё	4,6	12,7	3,6	10,5	77,3	83,0
Тошкент	12,3	20,7	10,8	18,2	88,2	87,9
Фарғона	14,4	26,1	11,1	23,0	77,0	88,2
Хоразм	8,5	21,8	7,0	18,7	82,1	85,5
Тошкент ш.	29,7	25,3	22,2	19,1	75,0	75,3
Ўзбекистон Республикаси	159,7	308,7	125,6	268,6	78,6	87,0

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Эслатма: Мазкур кўрсаткичнинг 1999-2005 йиллардаги таҳлилий маълумотлари 24-иловада келтирилган.

Мазкур жадвал маълумотларининг гувоҳлик беришича, республикаимиз бўйича рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 2000 йилда 78,6 %, 2005 йилда 87,0 % фаолият кўрсатган бўлса, бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида жуда пастлигича қолмоқда. Унинг улуши, мос равишда, 75,6 ва 75,3%ни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич бўйича кескин ўзгариш Самарқанд вилоятида содир бўлган. 2000 йилда 67,8 % рўйхатдан ўтган корхоналар ишлаётган бўлса, 2005 йилга келиб уларнинг улуши 91,9 %га кўпайди. Мамлакатимизда рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатаётганлари Жиззах вилоятида (мос равишда, 92,7 ва 83,6 %), Қорақалпоғистон Республикасида (58,6 ва 92,9%), Сирдарё вилоятида (77,3 ва 83,0 %), Фарғона вилоятида (77,0 ва 88,2 %), Қашқадарё вилоятида (87,5 ва 94,2 %) республиканинг ўртача кўрсаткичига нисбатан анча юқори. Аммо айрим вилоятларда бу кўрсаткич республиканинг ўртача кўрсаткичидан пастлигича қолмоқда. Масалан, Андижон вилоятида барча рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатаётганлари 2000 йилда 79,7 % ни ташкил қилган бўлса, 2005 йилга келиб 79,9 % ни ташкил қилган. Худди шундай аҳвол Сурхондарё вилоятида (84,0 ва 82,5 %), Наманган вилоятида (81,3 ва 82,5 %), Хоразм вилоятларида (82,1 ва 82,5 %) ҳам кузатилмоқда.

Мазкур таҳлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, хусусий тадбиркорликка асосланган кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда ҳали муаммолар жуда кўп. Тўғри, ҳозирги пайтда мамлакатимизда бу соҳани ривожлантириш учун тегишли қонуний асослар ва тадбиркорлик муҳити яратилди. Аммо тадбиркорларимиз ҳали янги шароитга кўникма ҳосил қилиб, рақобат шароитида бемалол фаолият кўрсатиш учун тажрибаси камлик қилмоқда. Ҳали бу соҳанинг ривожланишига жуда кўп сунъий тўсиқлар ҳам бутунлай барҳам топган эмас. Шу туфайли Президентимиз иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш

масаласини бежиз устувор қилиб белгилаган эмас. Тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши учун, энг аввало, уларнинг эркинлигини таъминлаш лозимлиги уқтирилмоқда. Эркинликни таъминлаш учун эса, унга тўсиқ бўлаётган салбий омиллари таҳлил қилиб, уларни бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқиш лозим.

Тадбиркорлик субъектлари билан шуғулланиш, бир тарафдан, ўз манфаати учун иш кўрсада, жамиятнинг оғир юки унинг елкасида, машаққатли меҳнат зиммасида бўлади. Бу эса ўз-ўзидан бир қонуниятни юзага келтиради. Оддий одамлар фақат ўзлари ва оиласи манфаати ҳақида ўйласа, тадбиркор бутун халқ манфаатини ўйлайди. Шу туфайли одамлар ўзлари билан ўзлари овора бўлса, тадбиркор уларнинг барчаси билан овора, уларнинг нимага эҳтиёжи борлигини, даромадининг ҳажмини, харид қувватини, қандай товарларга, иш ва хизматларга қизиқиши каби ҳолатларни аниқлаш ва ўзининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини шуларга мослаштириш билан овора.

Оддий одамнинг борадиган жойи ўзига энг яқин бўлган бозор. У мазкур бозордан ўзи ва оиласи учун ўз эҳтиёжига мос нарсаларни харид қилади. Тадбиркор эса шу харидорга унинг дидига мос нарсаларни ишлаб чиқаради ёки қаерлардандир, ҳатто узоқ хорижий мамлакатлардан ахтариб топиб сотиб олиб келади.

Одамлар дам олишни хоҳлайди. Бу шароитни ҳам тадбиркор муҳайё қилишга интилади. Кўриниб турибдики, тадбиркор одамларнинг оғирини енгил қилади, ўзи меҳнат қилиб одамларни дам олдиради, уларнинг кам-кўстини тўғрилашга ҳаракат қилади. Бу жараёнда у ўз-ўзидан халқни ўйлайдиган, унинг ташвишлари билан яшайдиган халқпарвар инсонга айланиб боради. Ҳақиқий тадбиркор халқпарвар, халқпарвар инсон эса тадбиркор бўлади. Бу ҳолат унинг ижтимоий портретини белгилайди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, унинг эркинликларини таъминлаш учун кенг йўл очиб берилган. Уларнинг фаолиятини тартибга солувчи тегишли қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тизими ишлаб чиқилди ва улар амал қилмоқда.

Аммо, шуни эътироф этиш керакки, тадбиркорлик билан шуғулланиш, бу ўта мураккаб фаолият. Бу бўйича бир хил андоза ёки тажриба дунё миқёсида ҳам шаклланган эмас.

Дунё амалиётида ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишнинг турли йўллари бор. Масалан, америкалик кишилар тадбиркорликни бино ахтаришдан бошлар экан. Немислар эса, энг аввало, замонавий илғор технологиялар билан танишишдан бошлайди. Японлар ўз тадбиркорлигини корхонанинг бўлғуси ходимларини ўқитишдан бошлар экан⁵⁰. Ҳақиқатда ҳам инсон салоҳиятини оширишга қаратилган маблағлар энг самарали сармоя ҳисобланади. Ўзбекистонда тадбиркорликни аксарият ҳолда маблағ

⁵⁰ «Халъ сьзи», 2003 йил 30 январ - 2 бет.

ахтаришдан бошлайди. Чунки бизда, кўп ҳолларда, маблағ етишмаслик муаммоси хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Бундан ташқари ҳали бизда маркетинг хизмати яхши йўлга қўйилган эмас. Натижада жуда кўп ишлаб чиқарилган, аммо аҳоли учун жуда зарур бўлган товарлар, кўпгина омборларда сотилмасдан турмоқда. Бу ҳолат ҳам хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига тўсқинлик қиладиган омиллардандир.

Биргина мисол. “2002 йилда республикамиз бўйича сотилмай ётган тайёр маҳсулотнинг умумий қиймати 3 миллиард 800 миллион сўмдан зиёдни ташкил этди”⁵¹. 2006 йилга келиб бу кўрсаткич бирмунча камайсада ҳамон тўлиқ барҳам топган эмас. Бу рақамлар кўрсатиб турибдики, катта ҳажмдаги моддий бойликлар ишлатилмасдан ҳаракатсиз ётибди, кўплаб турдаги хом ашё ва материаллар, шунингдек, айланма маблағларнинг беҳуда сарф этилишига йўл қўйилмоқда.

Таҳлиллар кўрсатдики, хусусий тадбиркорлик субъектларининг тез ривожланиб кетишига тўсиқ бўлаётган омиллардан яна бири улар ҳажмининг кичиклиги, ташқи омиллар таъсирига тез берилувчанлиги, бозорининг торлиги, молиявий имкониятининг чекланганлигидир.

Булардан ташқари, олдиндан ишлаб келаётган кўплаб корхоналаримиз бозор муносабатлари шароитига ва талабларига ўта секинлик билан мослашаётганлигидир. Ишлаб чиқариш йўлга қўйилган корхоналарда, таъкидланганидек, маҳсулотни сотиш қийин кечмоқда. Бу эса иқтисодий-иқтисодий ривожига салбий таъсир қилмоқда, корхоналар фаолиятига ҳам катта тўсиқ бўлмоқда.

Бундай ҳолат жуда кўп корхоналарда ҳам мавжуддир. Бу ҳам кўрсатадики, мамлакатимизда иқтисодий ривожлантириш учун янги йўналиш бўлган маркетинг хизматини йўлга қўйиш лозим.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, ислохотлар аграр секторда ҳам жадал амалга оширилмоқда. Бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган қонунчилик ва ҳуқуқий асос яратилди, қишлоқда асосий ишлаб чиқариш воситалари, яъни мулк хусусийлаштирилиб, нодавлат сектори вужудга келди, иқтисодий ва аграр муносабатларнинг мутлақо янги шакллари жорий қилинди, шартнома асосида ишлаш тизимига ўтилди, кўплаб фермер ва деҳқон хўжаликлари вужудга келди. Хуллас, қишлоқ аҳолисининг мулкка эгалик қилишини таъминлаш учун анча тадбирлар амалга оширилди.

Аммо бу борада ҳали камчиликлар, қилинадиган ишлар жуда кўп. Президентимиз Ислон Каримов 2007 йил 12 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига

⁵¹ Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. «Халъ сўзи», 2003 йил 18 феврал. - 2 бет

бағишланган мажлисида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш учун уни янада эркинлаштириш лозимлигини кўрсатиб қуйидагиларни таъкидлади: “... айтилган пайтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарасини ошириш, мулкчилик муносабатлари ва шакллари тубдан ислох қилиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва мустақамлаш, қишлоқларимизни обод этиш асосида қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш вазифалари доимий эътибор марказида туриши шарт.

Шу мақсадга эришишда қишлоқ жойларда ихчам, замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар қуриш, кичик бизнес ва тадбиркорлик, касаначиликнинг турли шакллари ривожлантириш ўта муҳим аҳамият касб этади»⁵².

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигини ислох қилишда муваффақиятни таъминлайдиган бош омил - бу ишлаб чиқарувчига кўпроқ эркинлик бериш, унинг қўл-оёғини боғлаб, фаолиятига монелик қилаётган барча тўсиқларни бартараф этишдан иборатдир»⁵³. Бундай фикрни 2004 йил 7 февралдаги маърузасида ҳам устувор йўналишларимиздан бири «Ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш»дан иборатдир⁵⁴, деб алоҳида таъкидлаган эди. Булардан ҳам кўриниб турибдики, Ўзбекистонда аграр секторда тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш мамлакат иқтисодиёти учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки охириги ўн беш йил давомида (1990-2005 йиллар) мамлакат аҳолиси 126,4 % ўсган бир пайтда, қишлоқ аҳолиси 131,2 % ўсди. Шулардан меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўсиши шу даврда 132,9 % ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич қишлоқда 141,9 % га тенг бўлди. Аҳолининг бандлиги эса шу даврда 116,1 % ўсган бир пайтда, қишлоқ аҳолисининг бандлиги 103,9 % ни ташкил қилди. Ҳозирги пайтда янги иш ўринларининг 4/5 қисмининг очилиши тадбиркорлик субъектлари, айтилган кичик ва ўрта бизнесга тўғри келишини инобатга оладиган бўлсак, қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш нақадар муҳимлиги аён бўлади.

Бунинг учун Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: “Биз ўзимизда ишлаб чиқарилиши мумкин ва зарур бўлган товарлар ва маҳсулотларни ўз ҳудудимизда ишлаб чиқаришни ташкил этишимиз ва

⁵² Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Президент Ислам Каримовнинг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига, бағишланган Вазирлар Мақкамаси мажлисидаги маърузаси. 2004 йил 12 феврал. – Халқ сўзи. 2007 йил 13 феврал. -3 бет.

⁵³ Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. «Халқ сўзи», 2003 йил 18 феврал. - 2 бет

⁵⁴ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустақамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. Президент Ислам Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига, бағишланган Вазирлар Мақкамаси мажлисидаги маърузаси. 2004 йил 7 феврал.

бунинг учун барча керакли шароитни яратишимиз керак. Бу бизнинг энг муҳим ва энг долзарб вазифамизга айланиши шарт.”⁵⁵.

Бу вазифа қишлоқ хўжалиги учун янада долзарб, чунки мамлакат аҳолисининг 60 % дан кўпроғи қишлоқда яшаши билан бирга, у ерда меҳнатга қобилиятли аҳолининг сони, таъкидланганидек, тез суръатлар билан ўсмоқда. Бунинг устига, ўзимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг аксарият қисми ҳамон хом ашё сифатида сотилмоқда. Буларни тайёр маҳсулотга айлантириш учун юртимизда жуда кенг имкониятлар мавжуд. Энг муҳими, хом ашё бор, малакали ишчи кучи мавжуд. Лекин, таҳлилларимиз кўрсатмоқдаки, бизнинг тадбиркорларда ташаббускорлик, фидойилик етишмаяпти. Янги илғор технологияларнинг ярмаркаларини ташкил қилинишларига қарамасдан уларни ишлаб чиқаришга жалб қилишда ҳам анчагина сусткашликларга йўл қўйилмоқда. Тармоқлар бўйича тадбиркорликнинг таркиби ҳам йилдан-йилга ўзгариб турмоқда (2.2.3-жадвал).

2.2.3 - Жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг соҳалар бўйича 2000-2005 йиллардаги ўзгариши

Тармоқлар	2000 йил		2002 йил		2005 йил		2005 йилда 2000 йилга нисба- тан
	сони, минг	улуши, %	сони, минг	улуши, %	сони, минг	улуши, %	
Саноат	20,1	11,0	21,6	9,0	27,0	8,8	134,3
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	56,5	30,9	112,8	47,0	182, 0	58,9	322,1
Транспорт ва алоқа	1,5	0,8	2,2	0,9	3,3	1,1	220,0
Қурилиш	12,1	6,6	12,0	5,0	15,8	5,1	130,6
Савдо ва умумий овқатланиш	60,9	33,3	52,8	22,0	59,6	19,3	97,9
Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	4,8	2,7	9,6	4,0	9,0	2,9	187,5
Ишлаб чиқариш тармоқлари	155,9	85,3	211,0	87,9	296, 7	96,1	190,3
Соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия	3,3	1,8	4,5	1,9	4,4	1,4	133,3
Таълим ва маданият	2,1	1,1	3,1	1,3	1,1	0,8	52,4
Илм-фан ва илмий хизмат	1,1	0,6	1,2	0,5	0,6	0,2	54,5

⁵⁵ Каримов И.А. Ислоқотлар стратегияси - мамлакатимиз илтисодий салоқиятини юксалтиришдир. «Халъ сўзи», 2003 йил 18 феврал. - 2 бет

Бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	20,5	11,2	21,5	9,4	4,6	1,5	22,4
Ноишлаб чиқариш тармоқлари	27,1	14,7	30,3	13,1	8,4	3,9	31,0
Жами	183,0	100,0	241,3	100,0	305,1	100,0	166,7

Манба: Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг тегишли йиллар бўйича чоп қилган маълумотлари асосида тузилган.

Изоҳ: 2005 йилда ноишлаб чиқаришга оид маиший хизмат “Бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари”га қўшилди, таълим маданият ва санъат қўшиб олинди ва “Таълим ва маданият” қаторига ёзилди.

Жадвал маълумотлари кўрсатмоқдаки, кичик ва ўрта бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш соҳасининг улуши ортиб бормоқда. 2000 йилда унинг улуши 85,3 % ни ташкил қилган бўлса, 2002 йилга келиб 87,9 % га етди. 2005 йилда эса ушбу кўрсаткич 96,1 % гача кўтарилди. Қишлоқ хўжалигида бу 56,5 % дан 2000 йилда, то 58,9 % гача кўтарилди.

Агар қишлоқда ҳам тадбиркорлик субъектларини тез ривожлантириш чора-тадбирларини кўриб, улар олдидаги ғовни олиб ташлайдиган бўлсак, Президентимиз таъкидлаганидек: “Фақат шунинг ҳисобидан одамларни иш билан таъминлаш ва биз учун мураккаб бўлиб турган ишсизлик муаммосини ҳал этиш мумкин.”⁵⁶. Кўриниб турибдики, тадбиркорлик субъектлари нафақат иқтисодий ўсишни, балки ижтимоий барқарорликни таъминлашда ҳам муҳим омил экан. Шу туфайли ҳозир мамлакатимизда 2004-2006 йилларда тадбиркорликнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Таҳлиллар кўрсатдики, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига асосий тўсиқ бўлиб турган нарсалардан яна бири, уни бозор муносабатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, бошқариш тизимининг етарли даражада яратилмаганлигида, деб биламиз. Аммо бу муаммо эндиликда юқорида таъкидланган Дастурни амалга ошириш жараёнида барҳам топади. Зеро, ҳамон Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ва туманлар ҳокимликлари ва қуйидаги хўжаликлар, яъни маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжаликлар нимага жавоб бериши қонунларимизда аниқ белгиланган эмас эди. Марказдан туриб бошқарув тизими сақланиб қолинмоқда эди. Энди бу ҳам аста-секинлик билан барҳам топади. Натижада, энг асосий бўғин бўлган, маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжаликлар эркинлигининг таъминланиши учун кенг йўл очилади. Чунки эндиликда Президентимиз таъкидлаганидек, “...қуйи бошқарув бўғинларининг ишига тепадан туриб, ноқонуний аралашув ҳолатларига асло йўл қўймаслик

⁵⁶ Каримов И.А. Ислоқотлар стратегияси - мамлакатимиз илтисодий салоқиятини юксалтиришдир. «Халъ сёзи», 2003 йил 18 феврал. - 1 бет

даркор”⁵⁷. Бу ғояни юртбошимиз 2007 йил 12 февралдаги маърузасида яна бир бор таъкидлади.

Бундан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида ҳар бир бўғин раҳбарлари, айниқса, маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг, бу ерда фаолият кўрсатадиган тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажарадиган вазифаларини қонуний жиҳатдан аниқ белгилаб қўйишни тақозо қилади.

Тадбиркорда, таъкидланганидек, халқнинг юки зиммасида. Бу юкни кўтариш учун у бошқалардан фарқли ўлароқ, ўзига хос хислатларга эга бўлиши керак.

Тадбиркорнинг шахсий хусусиятлари тўғрисида ҳам турли қарашлар мавжуд. Олимлардан М.Р.Расулов тадбиркорнинг шахсий хусусиятлари тўғрисида қуйидагиларни таъкидлайди: “Тадбиркорликнинг учинчи омили - унинг шахсий хусусиятидир. Тадбиркор бўлиш учун ташқи ҳолатдан ташқари фақат шахсан ўзига боғлиқ томонлари борки, сармоя бу ҳуқуқий муҳит тўла мавжуд бўлганда ҳам бусиз у ҳақиқий тадбиркор бўла олмайди. Бу унинг **ишбилармонлик, тижорий қобилиятларидир**”⁵⁸. Бу қобилиятлар тадбиркорнинг жуда кўп хусусият ва хислатларида намоён бўлади. Шу туфайли ушбу хусусиятларни кенгайтириб қуйидаги ҳолатларни ифода этади: мустақиллик, эркин фаолият, иқтисодий манфаатдорлик, ишбилармонлик, хатарлилик, халқпарварлик⁵⁹. Тадбиркорнинг ушбу хислатлари инсонларда мужассам бўлсагина уни муваффақиятларга элтувчи омил бўлиб хизмат қилади.

С.Жизнин ва В.Крупновлар тадбиркорликнинг хислатларини (сифатларини) қуйидаги еттига кўрсаткич орқали аниқлашни тавсия қилади. Булар жумласига ташаббускорлик, бошқаларга муносабат, етакчилик, масъулиятлилик, ташкилотчилик, қатъиятлилик, мақсадга эришишлик⁶⁰. Бу хислатлар тадбиркорлик субъектларининг муҳим хислатлари ҳисобланади.

Аммо улардан фарқли ўлароқ, С.С.Ғуломов тадбиркорлик субъектлари хислатларига қуйидаги сифатларни киритади: ҳаракатчанлик, жўшқинлик, мослашувчанлик, янгиликка интилувчанлик, замонавий хўжалик юритиш усуллари амалга оширувчилик⁶¹ кабилар.

Кўриниб турибдики, тадбиркорнинг шахсий хусусиятларига ҳам турли ёндошувлар мавжуд.

Тадбиркорликка оид муаммоларни атрофлича таҳлил қилиб, ундаги хислатларга қуйидагиларни киритиш мумкинлиги асосланди: ташаббускорлик, изланувчанлик, етакчилик, масъулиятлилик, ташкилотчилик, таваккалчилик, мақсадга эришиш учун курашувчанлик,

⁵⁷ Каримов И.А. Ислоқотлар стратегияси - мамлакатимиз илтиқодий салоқиятини юксалтиришди. «Халъ сўзи», 2003 йил 18 феврал. - 2 бет


⁵⁸ Расулов М. Бозор илтиқоди, ти асослари. - Т.: Ўзбекистон, 1999 - 255 бет

⁵⁹ Ёша жойда. - 257 бет

⁶⁰ Жизнин С., Крупнов В. Как стать бизнесменом. Минск: Предприниматель, 1990. - 7 бет.

⁶¹ Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: «Шарль», МАК, 2002. - 43 бет.

ишни охирига етказмасдан хотиржамликка берилмаслик, қатъиятлилик, изчиллик, ватанпарварлик, халқпарварлик кабилар. Булар қуйидаги чизмада ўз аксини топган (2.2.3-чизма).



2.2.3.-Чизма. Тадбиркорнинг шахсий хислатлари

Ушбу чизмада келтирилган тадбиркорликка хос бўлган хислатлар таҳлиliga атрофлича тўхталишга ҳожат йўқ деб ўйлаймиз.

Кўриниб турибдики, тадбиркорлик субъектлари фаолияти иқтисодий таҳлилнинг муҳим объектига айланиши лозим экан, чунки ушбу фаолиятнинг истиқболини белгилаш, унинг олдидаги тўсиқларни олиб ташлаш йўллари ишлаб чиқиш каби тадбирларга фақат иқтисодий таҳлил орқали эришиш мумкиндир. Бу объектив зарурият тадбиркорлик субъектлари фаолиятини таҳлил қилиш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишни, уларни аниқлаш йўллари кўрсатиб беришни ва тегишли ахборот манбаларини тадқиқ қилишни тақозо қилади.

2.3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг ахборот манбалари ва таҳлил қилиш вазифалари

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий таҳлилин амалга ошириш учун, энг аввало, уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш лозим. Иқтисодий таҳлилга оид адабиётларда бу масала

атрофлича ёритилган⁶². Аммо тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар иқтисодий адабиётларда етарли даражада ёритилган эмас. Чунки тадбиркорлик субъектлари соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга. Бу эса ўз навбатида уни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳам, таҳлил усуллари ҳам ўзига хос тарзда ёритишни тақозо қилади. Шу туфайли тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалиётга тавсия қилиш ҳозирги шароитда, муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотлар кўрсатдики, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни икки гуруҳга бўлиш мумкин.

- бошқарув таҳлилида қўлланиладиган кўрсаткичлар;
- молиявий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар.

Буларнинг аниқ туркумлари, биз тавсия қилган қуйидаги чизмада ўз аксини топган (2.3.1-чизма).



⁶² Абдукаримов И.Т. ва бошлалар. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Т.: Ўлитувчи, 1989. Курс экономического анализа. Под ред. М.И.Баканова, А.Д.Шеремета. М.: Финансы и статистика, 1984. Барингольц С.Б. Экономический анализ деятельности предприятий и объединений. М.: Финансы, 1975. Кравченко Л.И. Анализ хозяйственной деятельности в торговле. Мн.: Высшая школа, 1995. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Мн.: ООО «Новое знание», 2000. Ергешев Е. Ильтисодий ва молиявий таҳлил. Т.: Молия, 2000. Абдуллаев Ё., Иброқимов А., Рақимов М. Ильтисодий таҳлил. Т.: Меънат, 2001. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. М.: ИНФРА-М, 2002. Пардаев М.Ў., Исроилов Б.И. Ильтисодий таҳлил I-II-қисмлар. Т.: «Ильтисодиёт ва қўлбул дунёси» нашриёт уйи, 2002. Вохобов А., Иброқимов А. Молиявий таҳлил. Т.: Шаръ, 2002. ва қ.қ.

Меҳнат ресурсларининг ҳолати, таркиби ва иш ҳақи билан боғлиқ кўрсаткичлар
Товар маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар
Харажатларни ифодаловчи кўрсаткичлар
Фойданинг шаклланиши ва тақсимланиши билан боғлиқ кўрсаткичлар
Фойдалилик нуқтасини ва маржинал фойдани аниқлаш билан боғлиқ кўрсаткичлар
Рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар

Меҳнат ресурсларининг умумий ҳажми ва самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар
Ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар
Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар
Иш натижасининг ҳажм кўрсаткичлари
Тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлик билан боғлиқ кўрсаткичлар
Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий мустаҳкамлиги, ночорлиги ва банкротлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар
Иш ва бозор фаоллиги билан боғлиқ кўрсаткичлар
Молиявий натижаларнинг умумий ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар

2.3.1 – Чизма. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

Ушбу чизмада келтирилган кўрсаткичлар гуруҳи, ўз навбатида, яна бир қанча кўрсаткичларни ўз ичига олади. Масалан, асосий воситалар амортизацияси ва самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар гуруҳини олайлик. Ушбу гуруҳга асосий воситаларнинг умумий ҳажми, қўлланилаётган амортизация нормаси, амортизацияланганлик даражаси, асосий воситаларнинг таркибий тузилиши, 100 сўм асосий воситаларга тўғри келадиган сотилган маҳсулот, фойда, меҳнатнинг қуроолланганлик даражаси каби кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларга айланма маблағларнинг таркибий тузилиши, турлари бўйича меъёрий кўрсаткичлари ҳажми, манбаларининг шаклланиши, айланма маблағларда ўз маблағларининг улуши, айланма маблағларнинг айланиш тезлиги, айланувчанлик коэффиценти каби кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Худди шу ҳолатда бошқарув таҳлилида қўлланиладиган барча кўрсаткичлар гуруҳи бўйича ҳам алоҳида гуруҳларни ишлаб чиқиш мумкин. Чунки молиявий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими тегишли

адабиётларда⁶³ ишлаб чиқилган. Шу туфайли биз фақат бошқарув таҳлилида қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимига тўхталамиз, холос (2.3.1-жадвал).

2.3.1 - Жадвал

Бошқарув таҳлилида қўлланиладиган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари

Т/ Р	Кўрсаткичлар гуруҳи	Кўрсаткичларнинг номи	Ахборот манбалари ёки аниқланиш йўллари
1	2	3	4
1.	Асосий воситаларнинг (Ав) амортизацияси ва самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар	Асосий воситаларнинг умумий ҳажми.	Молиявий ҳисобот (МХ)нинг 1 ва 3 шаклларида олинади
		Қўлланилаётган амортизация нормаси	Меъёрий ҳужжатлар, режа ва ҳисоб сиёсатидан олинади
		Амортизацияланганлик даражаси	Ав.ам/Ав Ав.ам – асосий воситалар амортизациясининг умумий суммаси
		Асосий воситаларнинг таркибий тузилиши.	Ав _і /Ав Ав _і – алоҳида асосий воситаларнинг қиймати
		100 сўм Ав.га тўғри келадиган сотилган маҳсулот (Ас) ҳажми.	Qс/Ав.ўр : Ав.ўр-Ав.нинг ўртача қиймати
		100 сўм Ав.га тўғри келадиган соф фойда(Фс)	Фс / Ав.ўр
		Меҳнатнинг куролланганлик даражаси.	Ав.акт./Хс Ав.акт – Ав.нинг актив қисми Хс – ходимларнинг ўртача сони
2.	Айланма маблағларнинг ҳолати ва	Айланма маблағларнинг (Айм) таркибий тузилиши	Айм _і / Айм

⁶³ Пардаев М.Ў., Исроилов Б.И. Молиявий тақлил. Т.: «Иљтисодиёт ва қўлў дунёси» нашриёт уйи, 1999.
Пардаев М.Ў., Исроилов Б.И. Иљтисодий тақлил. I-II-љисмлар. Т.: «Иљтисодиёт ва қўлў дунёси» нашриёт уйи, 2001 ва қ.к.

	самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар	Айм.нинг умумий ҳажми ва турлари бўйича меъёр	Тадбиркорнинг ҳисоб-китоби асосида аниқланади.
		Айм. манбаларининг таркибий тузилиши	Ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағларнинг Айм.га нисбати
		Айм.нинг айланиш тезлиги, кунларда	Айм.ўр x Кун / Qc
		Айм.нинг айланувчанлик коэффиценти	Qc / Айм.
3.	Номоддий активларнинг амортизацияси ва самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар	Номоддий активларнинг (На) умумий ҳажми	МХ.нинг 1-шаклидан олинади
		На.га қўлланилаётган амортизация нормаси	Меъёрий хужжатлар, режа ва ҳисоб сиёсатидан олинади
		На.нинг амортизацияланганлик даражаси	На.ам / На; На.ам – На.нинг амортизацияси суммаси
		На.нинг таркибий тузилиши	Наi / На
		100 сўм На.га тўғри келадиган сотилган маҳсулот	Qc / На.ўр
		100 сўм На.га тўғри келадиган соф фойда	Сф / На . ўр
4.	Меҳнат ресурсларининг ҳолати, самарадорлиги ва иш ҳақи билан боғлиқ кўрсаткичлар	Ходимлар(Х)нинг умумий сони (Хус)	МХ.нинг 2б-шаклидан олинади
		Х.нинг таркибий тузилиши	Хi / Хус
		Х.нинг қўнимсизлиги	Хсмик / Хус Хсмик – Х.нинг салбий мотив билан ишдан кетиши
		Меҳнат унумдорлиги	Qc / Хўс . ўр
		Асосий ходимларнинг (Хас) меҳнат унумдорлиги	Qc / Хас . ўр
		Ўртача иш ҳақи (Их)	Их / Хўс
		Иш ҳақи даражаси	Их . 100 / Qc

5.	Товар маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар	Ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти (Тм)	МХ 2-шаклидан ва статис-тик ҳисоботдан олинади
		Ишлаб чиқилган ялпи маҳсулот (Ям)	Статистик ҳисоботдан олинади
		Сотилган маҳсулот (Qc)	МХ 2-шаклидан ва статис-тик ҳисоботдан олинади
		Ям, Тм, Qc.ларнинг таркибий тузилишлари	Qc_i / Qc ; $Ям_i / Ям$; $Тм_i / Тм$
6.	Харажатларни ифодаловчи кўрсаткичлар	Харажатларнинг умумий ҳажми (Хар)	Смета, бухгалтерия ҳисоби, тезкор ҳисоб ва ҳисоботлардан олинади.
		Харажатларнинг таркиби	$Хар.i / Хар$
		100 сўм Хар.га тўғри кела-диган сотилган маҳсулот	$Qc / Хар$
		100 сўм Хар.га тўғри келадиган соф фойда	$Фс / Хар$
		Хар.нинг режага нисбатан ўзгариши (мутлоқ, нисбий)	$Хар.х / Хар.p = Нис$ $Хар.х - Хар.p = Мут$
		1 та сотилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг таннарни	$Хар / Qc$
7.	Фойданинг шаклланиши ва тақсимланиши билан боғлиқ кўрсаткичлар	Сотишдан олинган ялпи фойда (Фяс)	МХ 2-шаклидан олинади
		Асосий фаолиятдан олинган фойда (Фаф)	МХ 2-шаклидан олинади
		Молиявий фаолиятдан олинган фойда (Фмф)	МХ 2-шаклидан олинади
		Тасодифий фойда(Фтас)	МХ 2-шаклидан олинади
		Солиқ тўланганга қадарги фойда (Фст)	МХ 2-шаклидан олинади
		Соф фойда (Фс)	МХ 2-шаклидан олинади
		Тақсимланмаган фойда (Фтм)	МХ 2-шаклидан олинади
		Фойданинг таркибий тузилиши	$Ф_i / Фяс$

8.	Фойдалилик нуқтасини аниқлаш билан боғлиқ кўрсаткичлар	Ўзгарувчи харажатлар (Хўз)	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи асосида ҳисоб- китоб қилинади
		Ўзгармас харажатлар (Хўм)	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи асосида ҳисоб- китоб қилинади
		Давлат бюджетига тўловлар (Бт)	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи асосида ҳисоб- китоб қилинади
		Барча харажатни қоплай-диган даромадлар (Дхк)	$Дхк = Хўз + Хўм + Бт$
		Соф фойда (Фс)	МХ 2-шаклидан олинади
		Фойдани таъминлайдиган даромадлар (Дф)	$Дхк + Фс$; Дхк-харажат- ларни қоплайдиган даромадлар
		Мувофиқлик коэффициенти (Км)	$Км = Хўз + Бт / Qс$
		Даромаднинг «Тенглик нуқтаси» (Дтн)	$Дтн = (Хўз \cdot Км) + Хўм$
9.	Рақобатбардош- ликни ифодаловчи кўрсаткичлар	Тадбиркорнинг битта товарининг рақобатбардошлиги (q)	$P / P100$ P – бир товарга тегишли кўрсаткич P100 – шу товар бўйича эҳтиёжни қондиришга мўлжалланган меъёр
		Бир гуруҳ товарларнинг рақобатбардошлиги (G)	$\Sigma (Ka_i \cdot q_i)$ Ka_i - гуруҳга кирувчи ҳар бир товарнинг салмоқлилик коэффициенти
		Рақобатбардошликнинг умумлашган кўрсаткичи (J)	$Gт / Gиқ$ Gт-товарларнинг техник йўналиши; Gиқ-товарларнинг иқтисодий йўналиши

Бозор муносабатлари шароитида амал қиладиган битта қонуниятни доим инобатга олиш лозим. Бу тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш имкониятининг чегараланганлиги, аммо харидор, яъни истеъмолчи эҳтиёжи ва талабининг чегараланмаганлиги, унинг ҳамиша ўсиб бориши. Агар шу қонуниятга амал қилинса, уни тўғри англаб тегишли тадбир билан фаолият

кўрсатса, ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат) ҳеч маҳал омборларда ётиб қолмайди.

Буни инобатга олиб, тадбиркор асосий эътиборини ҳамиша шундай товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқаришга қаратиши лозимки, унинг сотилиши олдиндан аниқ бўлсин. Шу туфайли ҳозирги кунда тадбиркор корхонада ўз ходимларини шакллантирганда, ишлаб чиқарувчи муҳандис ходимлар билан бирга бозорни ўрганувчи, товарни сотишга иштирок этадиган, маркетинг билан шуғулланувчи иқтисодчи ходимларни ҳам етарли даражада ишга қабул қилиши лозим бўлади.

Зеро, товарни (иш, хизматни) ишлаб чиқаришни режалаштирган пайтдаёқ, ўша товарнинг қанчаси қаерда, қачон ва қанчадан сотилиши мумкин, у тадбиркорга фойда келтирадими ёки йўқми олдиндан билиши лозим. Акс ҳолда, ишлаб чиқариш, ҳозирги пайтдаги кўплаб корхоналар сингари фақат омбор учун бўлиб қолиши мумкин. Шу туфайли, корхонанинг маркетингларидан ташкил топган маркетинг хизмати мазкур товарга қанча талаб борлигини, бозорнинг салоҳиятини, бу товарни сотишдаги рақобат муҳитини, нархнинг рақобатбардошлигини, бозорга қараб нарх сиёсатини белгилашни, у ҳолда тадбиркорнинг зарар кўрмаслигини аниқ билиб олишлари лозим. Бу жараёнга кетган харажатлар, албатта, ишлаб чиқариш харажатларига эмас, балки давр харажатларига киради. Баҳо сиёсатини аниқлашда бу харажатларга ҳам алоҳида аҳамият берилиши лозим.

Шундай қилиб, корхонанинг маркетинг хизмати, уни тўғри ташкил қилиш, ходимларни тўғри танлаш каби омиллар ҳам тадбиркорларнинг охириги молиявий-хўжалик фаолияти натижасига ижобий таъсир қиладики, уларни ҳам таҳлил жараёнида тўғри баҳолаш ва тегишли хулосалар чиқариш учун асос бўлишини таъминлаш лозим.

Бу эса иқтисодий таҳлил олдига муҳим вазифаларни юклайди. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- * тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва уларни иқтисодий мазмунига қараб таснифлаш;
- * тадбиркор фаолиятининг молиявий ҳолатига, барқарорлигига, ликвидлилиги ва мустаҳкамлигига тўғри ва тезкор баҳо бериш;
- * унинг иш ва бозор фаоллигини аниқлаш, ушбу жараёни жадаллаштириш усулларини ишлаб чиқиш;
- * тадбиркорнинг бизнес-режасининг бажарилишини назорат қилиш ва иш ҳажмининг фойдалилик нуқтасидан пасайтирмаслик чораларини ишлаб чиқиш;
- * тадбиркорнинг иш услубининг самарадорлигини, солиқ тизимининг қулайлигини, бошқарувнинг одиллигини таъминлаш йўллари кўрсатиб бериш;
- * тадбиркор фаолиятига таъсир қилувчи барча омилларни, айниқса салбий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

* ишлаб чиқариладиган товарга (иш, хизматга) талабнинг ҳажмини, харидорларнинг тўлов қобилиятини, истеъмолчиларнинг таркибини ўрганиш;

* бозор сегментини ўрганиш, харидорларнинг касбий, миллий, жинсий, ёши жиҳатидан таркибини аниқ белгилаш;

* маҳсулотнинг рақобатбардошлигини сифати, нархи ва ҳажми жиҳатидан аниқлаш;

* маҳсулотни сотишни кенгайтириш учун қўшимча бозорларни ахтариб топиш ва унинг салоҳиятини белгилаш усуллари кўрсатиш;

* маҳсулотни сотиш ҳажмига таъсир қилувчи барча омилларни аниқлаш ва уларни ҳисоблаб топиб тегишли хулосалар чиқариш ҳамда сотиш ҳажмини кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Таҳлилнинг ушбу вазифалари тадбиркорлик субъектлари фаолиятига дахлдор бўлган асосий вазифалардир. Уларни ҳал қилиш тадбиркорлар фаолияти самарадорлигининг ошиши учун муҳим тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар аниқ бўлгач, унинг фаолиятини атрофлича таҳлил қилиш мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими кўриб чиққанимиздек жуда кўп. Аммо ишнинг ҳажми чегараланганлиги туфайли барча кўрсаткичлар таҳлилин кўриб чиқиш имкони йўқ. Шу туфайли биз тадбиркорлик субъектлари учун муҳим бўлган айрим кўрсаткичларгагина (ҳажм кўрсаткичлари, молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар, рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар каби) тўхталдик холос.

3-Боб. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

3.1. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи ҳажм кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг методологик жиҳатлари

Корхоналар фаолиятини ифодаловчи ҳажм кўрсаткичлари таҳлили иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Деярли барча иқтисодий таҳлилга бағишланган дарсликларда ушбу масалага у ёки бу даражада тўхталиб ўтилган. Бу борада самарали ижод қилган И.Т.Абдукаримов⁶⁴, М.И.Баканов⁶⁵, М.С.Барнгольц⁶⁶, Л.И.Кравченко⁶⁷, Г.В.Савицкая⁶⁸, Е.Ергешев⁶⁹, Ё.Абдуллаев, А.Иброҳимов, М.Раҳимов⁷⁰, А.Д.Шеремет⁷¹, М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроилов⁷², А.Х.Шоалимов⁷³ каби йирик олимларнинг номларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Аммо бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодиётнинг эркинлашуви, кўп мулкчиликка асосланган иқтисодий тизимда кичик бизнесга асосланган хусусий сектор корхоналарининг вужудга келиши бу соҳага янгича ёндошишни, иқтисодий таҳлилнинг ўзига хос усуллариини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Айниқса, иқтисодиётнинг ҳозирги босқичида таҳлил қилиш учун эмас, балки корхонани бевосита оқилона бошқариш учун зарур бўлмоқда. Шу туфайли иқтисодий таҳлилга талаб ва уни амалга ошириш зарурати янада кучайди. Боз устига ҳозирги иқтисодий вазият ички имкониятларни ахтариб топишни тақозо қилмоқда. Бу эса бевосита омилли таҳлил усуллариини ҳам кенг миқёсда қўллашни талаб қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хусусий корхоналарда ҳажм кўрсаткичлари ичида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ўзига хос хусусиятларга эга. Кичик ҳажмга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарида ушбу кўрсаткичларга таъсир қилувчи омиллар ҳам ўзгаради. Бу эса уларни таҳлил қилиш усуллариига ҳам ўзига хос тарзда ёндошувни тақозо қилади. Аммо юқорида номлари зикр этилган шу соҳанинг етакчи олимлари адабиётларида айнан, хусусий мулкка асосланган кичик бизнес

⁶⁴ Абдукаримов И.Т. ва бошлалар. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Т.: Њўлитувчи, 1989.

⁶⁵ Курс экономического анализа. Под ред. М.И.Баканова, А.Д.Шеремета. М.: Финансы и статистика, 1984.

⁶⁶ Барингольц С.Б. Экономический анализ деятельности предприятий и объединений. М.: Финансы, 1975.

⁶⁷ Кравченко Л.И. Анализ хозяйственной деятельности в торговле. Мн.: Высшая школа, 1995.

⁶⁸ Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Мн.: ООО «Новое знание», 2000.

⁶⁹ Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий тақлил. Т.: Молия, 2000.

⁷⁰ Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Раҳимов М. Иқтисодий тақлил. Т.: Меқнат, 2001.

⁷¹ Шеремет А.Д. Комплексный экономический анализ деятельности предприятия (вопросы методологии). М.: Экономика, 1974.

⁷² Пардаев М.Љ., Исроилов Б.И. Иқтисодий тақлил I-II-ўисмлар. Т.: «Иқтисодиёт ва қўль дунёси» нашриёт уйи, 2002.; Пардаев М.Љ. ва бошлалар. Иқтисодий тақлил. Т.: Меқнат, 2004.

⁷³ Шоалимов А.Х. Саноат корхоналари фаолиятининг тақлили. Т.: Меқнат, 1992.

корхоналарига хос таҳлил усуллари, айниқса омилли таҳлил етарли даражада ёритилмаган. Шуларни инобатга олиб, мазкур корхоналарда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, таннарх, фойда каби натижавий кўрсаткичлар ҳамда рентабеллик, рақобатбардошлик каби нисбий кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни ҳисоблаш йўллари кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, бозор муносабатлари шароитида товарни ишлаб чиқариш билан бирга уни сотиш муҳим аҳамият касб этади. Лекин товарни сотиш қанчалик муҳим бўлмасин, олдин уни ишлаб чиқариш лозим. Ишлаб чиқариш бўлмаса, табиийки, сотиш бўлмайди. Аммо ишлаб чиқариш, олдингидек, фақат ишлаб чиқариш учун эмас, балки сотишга қаратилган, товар эса истеъмолчининг талабига жавоб берадиган бўлиши лозим.

Бу жараёнлар ўз-ўзидан ушбу кўрсаткичлар таҳлилига ҳам алоҳида, бугунги замон нуқтаи назари билан ёндошишни талаб қилади. Ушбу талабдан келиб чиқиб маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилиш учун қуйидаги умумлашган жадвални тузишни тавсия қиламиз (3.1.1-жадвал).

3.1.1 - Жадвал

«Турон» кўп тармоқли масъулияти чекланган жамиятда 2006 йилда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш режасининг бажарилиши ва уларнинг ўзгаришини аниқлаш ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўт-ган йил-да	Ҳисобот йилида		Фарқи (+,-)		Ўзгариш суръати	
		режа-да	ҳақи-қатда	режага нисба-тан	ўтган йилга нисба-тан	режага нисба-тан	ўтган йилга нисба-тан
1. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, шартли банка	41040	43646	44025	+379	+2985	100,9	107,3
2. Сотилган маҳсулот ҳажми, шартли банка	40237	42815	43811	+996	+3574	102,3	108,9
3. Сотилган маҳсулотнинг улуши, %	98,05	98,11	99,51	+1,40	+1,46	X	X

Манба: Корхонанинг йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича ҳисобот йилида режани 100,9 %, сотиш ҳажми бўйича эса 102,3 % га бажарган. Ўтган йилга нисбатан ўзгариш суръати ҳам маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича 107,3 % ни ташкил қилган бўлса, сотиш бўйича эса, 108,9 % ни ташкил қилган. Сотиш ҳажмининг тез ўсиши сотилмай қолган товарнинг камайишидан, барча ишлаб чиқарилган

маҳсулотнинг ўз харидорини топаётганидан далолат беради. Ўтган йилда барча ишлаб чиқарилган товарларнинг 98,05 % сотилган бўлса, ҳисобот йилида бу кўрсаткичнинг миқдори 99,51 % га етган. Бу ҳам сотилган маҳсулот бўйича ижобий натижага эришилганлигидан далолатдир.

Ушбу жадвал маълумотлари ишлаб чиқарилган ва сотилган товарлар ҳақида умумий хулоса қилишга асос бўлади. Аммо кўпинча шундай ҳолатлар бўладикки, бу умумий муваффақиятларнинг ичида айрим камчиликлар, ҳали ишга солинмаган имкониятлар (резервлар) яшириниб ётган бўлиши мумкин. Буларни аниқлаш учун ушбу умумий ҳажмни алоҳида товар гуруҳлари бўйича ҳам ўрганишни тақозо қилади. Бу учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (3.1.2-жадвал).

3.1.2 - Жадвал

«Турон» КМЧЖда 2006 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини алоҳида товар гуруҳлари бўйича режа бажарилишининг ҳисоб-китоби
(натурал миқдорда)

Кўрсаткичлар	Ўт-ган йил-да	Ҳисобот йилида		Фарқи (+,-)		Ўзгариш суръати	
		Режа-да	ҳақи-катда	режа-га нисба-тан	ўтган йилга нисба-тан	режа-га нисба-тан	ўтган йилга нисба-тан
1. Олма шарбати	6253	6640	6711	+71	+458	101,1	107,3
2. Ўрик шарбати	7360	7818	5350	-2468	-2010	68,4	72,7
3. Узум шарбати	4130	4400	6205	+1805	+2075	140,7	150,2
4. Помидор шарбати	4815	5119	4912	-207	+97	96,0	102,0
5. Гилос шарбати	6252	6641	7881	+1240	+1629	118,7	126,1
6. Сабзи шарбати	7258	7717	7548	-169	+290	97,8	104,0
7. Беҳи шарбати	4972	5311	5418	+107	+446	102,0	109,0
Жами:	41040	43646	44025	+379	+2985	100,9	107,3

Манба: Корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари асосида тузилди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ҳисобот йилида умумий ҳажми бўйича 100,9 % бажарилган. Уларни алоҳида товар гуруҳлари бўйича таҳлил қилганда, шу аниқ бўлдики, ишлаб чиқариш режаси умуман бажарилганлиги билан айрим маҳсулот турлари бўйича ҳақиқий миқдор режага нисбатан анча кам бўлган. Хусусан, ўрик шарбати бўйича режа атиги 68,4 % бажарилган, помидор шарбати ишлаб чиқариш бўйича режа бажарилиши 96,0 % ни ташкил қилган бўлса, сабзи шарбати бўйича 97,8 % га тенг бўлган. Кўриниб турибдики, етти хил маҳсулотнинг тўрттаси бўйича режа бажарилган бўлса, учтаси бўйича бажарилмаган. Агар шу маҳсулотлар бўйича режа бажарилганда эди, ҳақиқий

натижа яна 2844 шартли банкага (2468+207+169) ошган бўлар эди. У ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг ҳақиқий ҳажми 44025 шартли банка эмас, балки 46869 шартли банкага (44025+2844) тенг бўлар эди. Агар ушбу ички имкониятдан тўлиқ фойдаланилганда, маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 100,9 % эмас, балки 107,4 % ни $(46869:43646 \cdot 100)$ ташкил қилган бўлар эди.

Худди шундай хулосани ўтган йилги маълумотлар билан солиштириб ҳам чиқариш мумкин. Ўтган йилга нисбатан ҳам ўрик шарбатини ишлаб чиқариш 2010 шартли банкага ёки 27,3 % га $(100,0-72,7)$ кам бажарилган. Бу ҳам корхонанинг ички имконияти мавжудлигидан далолат беради.

Албатта, шуни инобатга олиш лозимки, шу охирги икки йил мобайнида ўрикзорларнинг ҳосилдорлиги Самарқанд вилоятида, айниқса, шу кичик корхона жойлашган Оқдарё туманида яхши бўлмади. Аммо бу масаланинг олдини олиш, яъни ўрикни яқин Навоий ва Жиззах вилояти туманларидан, ҳосилдорлик яхши бўлган жойлардан тайёрлаб олиб келиш мумкин эди. Бундан ташқари мазкур корхона ўрик шарбати етиштириб бериш бўйича охирги икки йилда тузган шартнома шартларини ҳам тўлиқ бажармади. Демак, бундай сусткашлик оқибати нафақат битта корхонага, балки уларнинг ҳамкорлари фаолияти натижаларига ҳам салбий таъсир қилди.

Маҳсулот ҳажмининг натурал миқдори бўйича умумий ўзгаришига ҳам бир қанча омиллар таъсир қилади. Уларнинг айримларини кўриб чиқамиз. Биринчиси, маҳсулот умумий натурал миқдорининг бажарилиш коэффициенти ва иккинчиси, маҳсулот ассортиментининг таркибий ўзгариши. Таҳлил жараёнида шу икки омилнинг ҳам таъсирини аниқлаш лозим. Буларни аниқлаш учун бир қанча ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилади.

Энг аввало, барча маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича натурал миқдорининг умумий бажарилиш коэффициентини ($K_{\text{нм}}$) аниқлаб олиш лозим. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\begin{array}{l} \text{Умумий маҳсулот нату-} \\ \text{рал миқдори} \\ \text{режасининг бажарилиш} \\ \text{коэффициенти (} K_{\text{нм}} \text{)} \end{array} = \frac{\text{Ҳақиқий} \\ \text{бажарилгани} \\ \text{Режада кўзда} \\ \text{тутилгани}}{\frac{44025}{43646}} = 1,00868$$

Ушбу коэффициент аниқлангач мазкур омилнинг маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсирини ($\Delta Q_{\text{кнм}}$) ҳисоблаш мумкин. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Q_{\text{кнм}} = (Q_{\text{р}} \cdot K_{\text{нм}}) - Q_{\text{р}}$$

Бунда: $Q_{\text{р}}$ – ҳақиқий товар маҳсулотининг режадаги миқдори ва режадаги баҳода ифодаланиши;

$K_{\text{нм}}$ - маҳсулот натурал миқдори режасининг умумий бажарилиш коэффициенти;

Агар ушбу формулани кенгайтириб ёзадиган бўлсак, қуйидаги формулага эга бўлиш мумкин:

$$\Delta Q_{\text{кнм}} = (q^p \cdot p^p) \cdot K_{\text{нм}} - (q^p \cdot p^p);$$

Ушбу формуланинг биринчи қисмини яна бошқача кўринишда ҳам ифодалаш мумкин:

Режадаги баҳо ва режадаги таркибдаги ҳақиқий товар маҳсулотининг миқдори	=	Ҳақиқий товар маҳсулотининг режадаги миқдори ва режадаги баҳодаги ҳажми	х	K_{нм};
---	----------	--	----------	------------------------

Ушбу омилларнинг таъсирини ҳисоблаш учун маҳсулот ҳажмининг қиймати аниқланади ва ушбу жадвални тузиш тавсия қилинади (3.1.3-жадвалга қаралсин).

У ҳолда олма шарбати бўйича режа баҳосидаги товар маҳсулоти ҳақиқатдаги режадаги таркибда $K_{\text{нм}}$ ни қўллаб, қуйидагича ҳисобланади:

$$2363,8 \times 1,00868 = 2384,3 \text{ минг сўм}$$

Худди шу тарзда бошқа маҳсулотлар бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин (6-устун). Товар маҳсулоти ҳажмининг иккинчи омили, яъни товар гуруҳларининг таркибий тузилиши ўзгариши эвазига ўзгарганлигини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Q_{\text{тг}} = (q^x \cdot p^p) - (q^p \cdot p^p) \cdot K_{\text{нм}};$$

Бунда: $\Delta Q_{\text{тг}}$ - маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига уларнинг таркибий тузилиши ўзгаришининг таъсири;

q^x - маҳсулотнинг ҳақиқатдаги натурал миқдори;

q^p - маҳсулотнинг режадаги натурал миқдори;

p^p - 1 шартли банка маҳсулотнинг режадаги баҳоси.

Ушбу формуланинг биринчи қисмини яна қуйидагича ҳам ифодалаш мумкин:

Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг режадаги баҳоси	=	Ҳақиқатда иш-лаб чиқарилган маҳсулот ҳажми	х	Маҳсулотнинг режадаги баҳоси ;
---	----------	---	----------	---------------------------------------

Ушбу кўрсаткични 2.3-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда аниқланганда олма шарбати бўйича ҳақиқатдаги маҳсулот қиймати режадаги баҳода қуйидагича бўлади:

$$6711 \times 356 = 2389,1 \text{ минг сўм}$$

Худди шу кўрсаткич ўрик шарбати бўйича:

$$5350 \times 741 = 3964,4 \text{ минг сўм ва ҳ.к.}$$

Агар ушбу омилларни маҳсулотнинг умумий ҳажми бўйича аниқлаш лозим бўлса, шу товар ассортиментлари бўйича ҳисобланган омилларни жамлаш мумкин. Бу учун қуйидаги иккита формула тавсия қилинади:

3.1.3 - Жадвал

«Турон» КМЧЖда 2003 йилда ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар ҳисоб-китоби

Маҳсулотларнинг номи	Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, шартли банкада			1 шарт-ли банка Маҳсу-лоти-нинг режада ги баҳоси	Режа баҳосидаги товар маҳсулоти			Фарқи		
	режада	ҳақи-қатда	фарқи (+,-)		режада	ҳақи-қатда, режа-даги тар-кибда	ҳақи-қатда	Жами	Шу жумладан	
									умумий миқ-дори ўзга-риши эвазига	тар-киби ўзга-риши эвазига
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1. Олма шарбати	6640	6711	+71	356	2363,8	2384,3	2389,1	+25,3	+20,5	+4,8
2. Ўрик шарбати	7818	5350	-2468	741	5793,1	5843,4	3964,4	-1828,7	+50,3	-1879,0
3. Узум шарбати	4411	6205	+1794	652	2876,1	2901,1	4045,7	+1169,6	+25,0	+1144,6
4. Помидор шарбати	5119	4912	-202	231	1181,3	1191,6	1135,7	-45,6	+10,3	-55,9
5. Гилос шарбати	6641	7881	+1240	852	5658,1	5707,2	6714,6	+1056,5	+49,1	+1007,4
6. Сабзи шарбати	7717	7548	-163	456	3516,2	3546,7	3441,9	-74,3	+30,5	-104,8
7. Беҳи шарбати	5311	5418	+107	584	3101,5	3128,5	3164,1	+62,5	+26,9	+35,6
Жами:	43646	44025	+379	X	24490,1	24702,8	24855,5	+365,4	+212,7	+152,7

Манба: 2.2-жадвал маълумотлари асосида тавсия қилинган усулни қўллаган ҳолда ҳисоб-китоб қилинди.

Биринчи омил учун: $\Delta Q_{\text{КНМ}} = \Sigma (q^p \cdot p^p) \cdot K_{\text{НМ}} - \Sigma(q^p \cdot p^p)$;

Иккинчи омил учун: $\Delta Q_{\text{ТТ}} = \Sigma (q^x \cdot p^p) - \Sigma(q^p \cdot p^p) \cdot K_{\text{НМ}}$;

Шу икки омилнинг амалиётда қўлланилишини кўриб чиқиш ушбу назарий тавсияларнинг амалий қимматини оширади. Бу учун яна 2.3-жадвалдан фойдаланиш тавсия қилинади.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг ҳақиқий ҳажми режа баҳосида 365,4 минг сўмга (24855,5-24490,1) кўпайган. Бу ўзгаришга иккита омил таъсир қилганлигини кўрамиз.

Биринчидан, товар маҳсулотининг ўзгаришига маҳсулот натурал миқдорининг кўпайиши таъсир қилган. Мазкур кўрсаткич режаси бажарилиш коэффицентининг 0,87 фоиз бандга ошганлиги товар маҳсулоти ҳажмини 212,7 минг сўмга кўпайтирган:

$$24702,8 - 24490,1 = + 212,7 \text{ минг сўм}$$

Иккинчидан, товар маҳсулотининг ўзгаришига уларнинг таркибий тузилишидаги ўзгариши таъсир қилган. Уни аниқлаш учун ҳақиқатдаги товар маҳсулотининг режадаги баҳосидаги миқдоридан унинг режадаги таркибдаги миқдори айрилади, у ҳолда натижа қуйидагича бўлади.

$$24855,5 - 24702,8 = - 152,7 \text{ минг сўм.}$$

Шу икки омилнинг таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқиға тенг:

$$212,7 + 152,7 = + 365,4 \text{ минг сўм.}$$

Товар маҳсулоти ўзгаришига ушбу омиллардан ташқари яна бир қанча омиллар ҳам таъсир қилишини инобатга оладиган бўлсак, мазкур ҳисоб-китобларни давом эттириш мумкин. Умуман олганда, товар маҳсулоти қийматининг ўзгаришига юқорида кўрсатилганлар билан бирга яна бир қанча омиллар таъсир қилади. Булар жумласига:

- * товар маҳсулотининг натурал миқдори;
- * товар маҳсулотининг таркибий тузилишидаги ўзгаришлар;
- * товар маҳсулотининг таннари;
- * товар маҳсулотининг баҳоси

каби омиллар киради. Уларнинг таъсирини ҳисоблаш учун бир қанча ҳисоб-китобларни амалга оширишни тавсия қиламиз.

1. Корхонада товар маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг натурал миқдори ошганлигининг умумий қийматига таъсирини ($\Delta T_{\text{М.НМ}}$) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta T_{\text{М.НМ}} = \sum_{i=1}^n [T_{\text{М}i}^p \cdot (T_{\text{М.Н}i}^x / T_{\text{М.Н}i}^p)] - \sum_{i=1}^n T_{\text{М}i}^p ;$$

Бунда: $T_{\text{М}i}^p$ - i - товар гуруҳи бўйича товар маҳсулотининг режадаги қиймати;

$T_{\text{М.Н}i}^x$ - i -товар гуруҳи бўйича товар маҳсулотининг натурал миқдори, ҳақиқатда;

$T_{m.n}i^p$ - i товар гуруҳи бўйича товар маҳсулотининг натурал миқдори, режада;

i - товар гуруҳларининг тартиб рақами ($i=\underline{1},n$)

n - товар гуруҳларининг умумий сони.

2. Товар маҳсулотининг ўзгаришига унинг таркибий тузилишидаги ўзгариш ($\Delta T_{m.тг}$) ҳам сезиларли даражада таъсир қилади. Уни аниқлаш учун ҳақиқатдаги товар маҳсулотининг режадаги баҳоси билан ҳисобланган миқдоридан ($\sum_{i=1}^n T_{m.p}bi^x$) ҳақиқатдаги товар маҳсулотининг режадаги таркибдаги миқдори ($\sum_{i=1}^n T_{m.i}^p \cdot K_{nm}i$) айрилади. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta T_{m.тг} = \sum_{i=1}^n T_{m.p}bi^x - \left(\sum_{i=1}^n T_{m.i}^p \cdot K_{nm}i \right);$$

3. Товар маҳсулоти қийматининг ўзгаришига баҳонинг ўзгариши ҳам алоҳида таъсир қилади. Ушбу кўрсаткични ($\Delta T_{m.б}$) аниқлаш учун ҳақиқий товар маҳсулотининг режадаги таннархи билан ҳисобланган ҳажмидан ($\sum_{i=1}^n T_{m.p}tn^x$) ҳақиқий товар маҳсулотининг режадаги баҳосида ҳисобланган ҳажмини ($\sum_{i=1}^n T_{m.p}bi^x$) айириб ташланади. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta T_{m.б} = \sum_{i=1}^n T_{m.p}tn^x - \sum_{i=1}^n T_{m.p}bi^x;$$

4. Товар маҳсулоти ҳажмининг ўзгариши бевосита унинг таннархидаги ўзгаришларга ҳам боғлиқ. Агар таннархи қанча паст бўлса, бир хил баҳода кўп фойда олиш мумкин ва аксинча. Агар маҳсулотнинг таннаrxини камайтирсак, тенг ҳолда, унинг наrxини пасайтириб ҳам фойда олишга эришишимиз мумкин. Шу туфайли маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таннаrxнинг таъсири ҳам ҳисобланиши лозим. Ушбу омилнинг таъсирини ($\Delta T_{m.тн}$) аниқлаш учун товар маҳсулотининг ҳақиқий миқдоридан ($\sum_{i=1}^n T_{m.x}$) унинг режадаги таннаrx билан ҳисобланган миқдори айрилади ($\sum_{i=1}^n T_{m.p}tn^x$). Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta T_{m.тн} = \sum_{i=1}^n T_{m.x} - \sum_{i=1}^n T_{m.p}tn^x;$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta T_{m.} = \Delta T_{m.нм} \pm \Delta T_{m.тг} \pm \Delta T_{m.б} \pm \Delta T_{m.тн};$$

Ушбу формулаларга аниқ маълумотларни қўлаб ечиш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (3.1.4-жадвал).

3.1.4. - Жадвал

«Турон» КМЧЖда 2006 йилда товар маҳсулоти ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирининг ҳисоб-китоби

Маҳсулотнинг номи	Товар маҳсулоти (минг сўм)				Ҳақиқатдаги таркиб, таннарх баҳода	фарқи (+,-)
	режада	Ҳақиқатда				
		режадаги таркибда	режадаги таннархда	режадаги баҳода		
А	1	2	3	4	5	6
1. Олма шарбати	2363,8	2384,3	2389,1	2134,1	2496,5	+132,7
2. Ўрик шарбати	5793,1	5843,4	3964,4	3761,1	4215,8	-1577,3
3. Узум шарбати	2876,0	2901,1	4045,7	3859,5	4300,1	+1424,1
4.Помидор шарбати	1181,3	1191,6	1135,7	992,2	1286,9	+105,6
5. Гилос шарбати	5658,1	5707,2	6714,6	6391,5	7132,3	+1474,2
6. Сабзи шарбати	3516,2	3546,7	3441,9	3049,4	3781,5	+265,3
7. Беҳи шарбати	3101,6	3128,5	3164,1	2958,2	3472,9	+371,3
Жами:	24490,1	24702,8	24855,5	23145,7	26686,0	+2195,9

Манба: Корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари ҳамда 2.2. ва 2.3-жадваллар маълумотлари асосида ҳисобланди. Уларнинг тўлиқ ҳисоб-китоби 5-иловада келтирилган.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг ҳажми ҳисобот даврида 2195,9 минг сўмга ёки 9,0 % га $(26686,0 : 24490,1 \cdot 100)$ кўпайган. Ушбу ўзгаришга бир қанча омиллар таъсир қилган. Улар қуйидагилардан иборат.

1. Ушбу корхонада товар маҳсулотининг натурал миқдори 379 шартли банкага кўпайиши унинг қийматини 212,7 минг сўмга оширган.

$$24702,8 - 24490,1 = +212,7 \text{ минг сўм}$$

2. Товар маҳсулоти таркибида нархи қиммат бўлган товарларнинг улуши кўпайганлиги унинг умумий қийматининг ошиб кетишига сабаб бўлган. Бунинг натижаси бизнинг мисолимизда 152,7 минг сўмга тенг:

$$24855,5 - 24702,8 = +152,7 \text{ минг сўм}$$

3. Мазкур корхона ишлаб чиқарган товар маҳсулотини таннархи ҳажмида сотганда эди, унинг умумий ҳажми 1709,8 минг сўмга кам бўлар эди. Кўриниб турибдики, корхона ўз маҳсулотини қимматроқ баҳода сотиб анча фойда олишга эришган. Ушбу ҳисоб-китоб бизнинг мисолимизда қуйидагича аниқланган:

$$23145,7 - 24855,5 = -1709,8 \text{ минг сўм}$$

4. Маҳсулот баҳосининг ошганлиги товар маҳсулоти ҳажмини 3540,3 минг сўмга кўпайтирган. Бу бизнинг мисолимизда қуйидагича аниқланади:

$$26686,0 - 23145,7 = +3540,3 \text{ минг сўм}$$

Барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг:

$$212,7 + 152,7 - 1709,8 + 3540,3 = +2195,9 \text{ минг сўм}$$

Кўриниб турибдики, товар маҳсулотининг ҳажмининг ўзгаришига тўртта омилдан учтаси ижобий, биттаси эса салбий таъсир қилган. Келгусида салбий таъсир қилган омилларга асосий эътиборни қаратиш лозим бўлади.

3.2. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи омиллар, уларнинг таснифи ва таҳлили

Ҳар қандай иқтисодий жараён тўғри ва оқилона бошқарилиши учун уни тўғри таҳлил қилиш, унинг самарадорлигини оширади. Бу бевосита тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳам дахлдордир. Чунки бозор муносабатлари шароитида товарларни ишлаб чиқариш тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг бир жиҳати бўлса, уларни сотиш эса унинг муҳим жиҳатидир.

Узоқ йиллар Ўзбекистон иқтисодиётидаги асосий фаолият товар ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, уни сотиш борасида ҳеч ким бош қотирган эмас эди, чунки бизнинг мамлакатимизда, асосан, хом ашё ишлаб чиқарилиб у режа асосида кўзда тутилган собиқ Иттифоқнинг белгиланган жойига етказиб берилар эди.

Энди вазият тубдан ўзгарди. Биринчидан, иқтисодиётимизда хом ашё ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш устувор соҳага айланмоқда. Экспорт ҳиссасида тайёр маҳсулотнинг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу эса хом ашё экспортини йилдан-йилга камайтириш имконини бермоқда. Мустақилликнинг биринчи йилларида пахта толаси умумий экспорт ҳажмининг 50 % дан кўпроғини ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 20 % дан ортмайди⁷⁴.

Иккинчидан, давлат мулки барҳам топиб, кўп укладли турли мулк шаклида фаолият кўрсатаётган нодавлат сектори вужудга келди ва у ривож топмоқда. Биргина 2003 йилда давлат мулкани хусусийлаштириш негизида 980 дан зиёд хусусий корхона ва мулкчилик шакли давлатга тегишли бўлмаган 400 та бошқа турдаги корхоналар ташкил этилди⁷⁵.

⁷⁴ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустақкамлаб, ислоқотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. Президент Ислон Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-ильтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2004 йилда ильтисодий ислоқотларни чульурлаштиришнинг асосий йўналишларига, бағишланган Вазирлар Мақамаси мажлисидаги маърузаси. 2004 йил 7 феврал. /// «Халъ съзи», 2004 йил 8 феврал.

⁷⁵ Ёша жойда. /// «Халъ съзи», 2004 йил 8 феврал.

Учинчидан, маъмурий буйруқбозлик билан қатъий режа асосида эмас, балки бозор муносабатлари қонуниятлари асосида бошқариш тамойилларига, эркин рақобат шароитида ишлаш асосига ўтилди ва ўтилмоқда. Мамлакатимизда маъмурий ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Бу борада ЎзР Президенти Ислон Каримовнинг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 22 декабрдаги «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари эълон қилинди ва улар ҳаётга изчиллик билан тадбиқ қилинмоқда.

Тўртинчидан, иқтисодиётимизда ишлаб чиқарувчи соҳанинг таркиби ошиб бормоқда. 1999 йилда бу соҳанинг улуши 47,5 % ни ташкил қилган бўлса, 2002 йилга келиб бу кўрсаткич 65,9 % га етди⁷⁶. Саноатнинг ривожланиши «гигантлар» ҳисобига эмас, балки кичик ва ўрта бизнес корхоналари, қўшма корхоналар эвазига ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 250 мингга яқин кичик бизнес корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бу соҳада 5,5 млн. киши ёки иш билан банд бўлган одамларнинг 57 % меҳнат қилмоқда⁷⁷.

Бешинчидан, саноатлашув фақат йирик шаҳарлардагина эмас, балки кичик шаҳарчаларда, айниқса, қишлоқ жойларида содир бўлишига катта аҳамият берилмоқда.

Олтинчидан, ўз мулки, ўз иш кучи, ташаббуси ва таваккалига асосланган хусусий сектор, унинг асосида кичик ва ўрта бизнес корхоналари, яъни тадбиркорлик субъектлари фаолияти вужудга келди ва ривожланмоқда. Биргина 2003 йилда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 375 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилди⁷⁸.

Буларнинг ҳаммаси иқтисодиётга, уни бошқариш дастакларига янгича қарашни, унинг назарий ва амалий йўл-йўриқларини замон талабига мос ҳолда ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Ҳозирги пайтда тадбиркорликка асосланган кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки улар бозор шароитидаги ўзгаришларга, бозор конъюктурасига, талабнинг ўзгаришига тез мослашадиган бўлади. Уларнинг бу жиҳати хўжалик фаолиятини, айниқса маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилишда ўта зийракликни, аниқ ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилади.

Эндиги иқтисодиёт, айниқса бозор муносабатлари шароитида ҳукм сураётган эркин рақобат, корхоналарнинг ишлаб чиқаришга асосий

⁷⁶ 3.1-жадвал маълумотларида келтирилган.

⁷⁷ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустақкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. Президент Ислон Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига, бағишланган Вазирлар Мақамаси мажлисидаги маърузаси. 2004 йил 7 феврал. /// «Халъ сўзи», 2004 йил 8 феврал.

⁷⁸ Ёша жойда. /// «Халъ сўзи». 2004 йил 8 феврал

этиборни қаратишга эмас, балки олдин нимани ва қанча сотишни аниқлашни талаб қилади. Корхоналар асосан сотиладиган товарларни ишлаб чиқарса, ёки ишлаб чиқарган товарлари (иш, хизматлари) ўз вақтида сотилсагина, уларнинг молиявий аҳволи яхши бўлади, иқтисодий қудрати юксала боради, шу йўл билан тадбиркорлар ўзларининг яшовчанлигини таъминлайди.


Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи омиллар жуда кўпдир. Чунки, бозорда турли кутилмаган вазиятлар вужудга келиб қолиши натижасида, тадбиркорнинг тузган режаси, унинг кўзда тутган амаллари бузилиб кетиши мумкин. Шу туфайли тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи барча омилларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: ижобий таъсир қилувчи омиллар, салбий таъсир қилувчи омиллар.

Ижобий таъсир қилувчи омиллар, албатта жуда муҳим омиллар. Шу туфайли ушбу омиллар таҳлили иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Тадбиркорни касодга учратадиган, унинг аҳволини оғирлаштирадиган омиллар бу салбий таъсир қиладиган омиллардир. Аммо бундай омиллар иқтисодий адабиётларда кам тадқиқ қилинган. Шу туфайли бундай омилларга алоҳида этиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.


Ўз навбатида салбий омиллар таъсир доираси бўйича икки гуруҳга бўлинади: ички омиллар; ташқи омиллар (3.2.1.-чизма).

Таъминлашга алоҳида аҳамият бериш лозим. Агар тадбиркор товари (иш, хизмати) ўтмай қолса, уни яхшилаш зарар келтирадиган бўлса, бундай товарларни ишлаб чиқариш ёки харид қилишни зудлик билан тўхтатиш ва уларнинг ўрнини алмаштириш лозим. Ўтмай, сотилмай қолган товарлар корхона учун тўлиқ зарардир. Бунинг ҳажми ҳаддан ташқари кўп бўлмаслиги учун, унинг бир қисмини шу товарларни арзон нархда сотиб бўлсада, қоплаш лозим. Бу ҳолатга тушмаслик учун корхонада, таъкидланганидек, маркетинг хизмати ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиши лозим.

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлар томонидан товарларни сотишни ташкил қилишнинг ҳам жуда кўп усуллари мавжуд. Бизнинг таҳлил ва тадқиқотлар кўрсатдики, товарларни сотиш, ҳозирги пайтда, қуйидаги усулларда амалга оширилмоқда: ишлаб чиқарилган жойидаги омбордан сотиш; товар-хом ашё биржалари ва ярмаркалар орқали сотиш; истеъмол бозорига олиб бориб улгуржи сотиш; истеъмол бозорига олиб бориб чакана сотиш; бевосита харидорга (истеъмолчига) етказиб бериш (3.2.2.-чизма).



3.2.1. - Чизма. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи салбий омилларнинг таснифи



3.2.2-Чизма. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида товарларни сотишни ташкил қилиш усуллари

Булар ҳам яна бир бор хулоса қилишга олиб келадики, тадбиркорлар бозор шароитида бозорни тўғри ва тўлиқ ўрганиши лозим экан.

Иқтисодий жараёнлар натижаси кўрсаткичларда ифодаланади. Таҳлил қилишда уларни қиёслашга тўғри келади. Бунинг учун уларни ўлчам, мазмуни ва ҳажми жиҳатидан таққосланадиган ҳолатга келтириб олиш лозим. Буларни аниқлашда амалиётда келтириш коэффициентидан кенг фойдаланилади.

Ушбу коэффициентнинг моҳияти шундаки, турли ҳажмдаги, ўлчам ва оғирликдаги турли хил маҳсулотларни қиёслайдиган ҳолатга келтириш имконини беради. Масалан, бирорта маҳсулотни ишлаб чиқариш режаси бир хил навда белгиланади. Аммо амалиётда айнан шундай бўлиб чиқмаслиги табиий. Бундай ҳолда турли навда ишлаб чиқарилган бир хилдаги маҳсулотни қиёсланадиган ҳолатга келтириб олиш учун уни режада кўрсатилган навда ифодалаб олишни тақозо қилади.

Мазкур усулни амалиётда қўллаш учун амалий маълумотлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш йўлини кўриб чиқиш лозим. Бу учун Каттақўрғон ёғ-мой акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш соҳасининг бир тури, яъни совун ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасини олампиз (3.2.5-жадвал).

3.2.5 – Жадвал

Каттақўрғон ёғ-мой акциядорлик жамиятида совун ва кир ювиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича 2006 йил IV-чорақ маълумоти

Маҳсулот тури	Ёғлилик даражаси, %	Режада	Ҳақиқатда	Фарқи	
				Миқдори (+,-)	%
Хўжалик совуни, минг кг.	40	42,0	10,0	-32,0	29,8
Хўжалик совуни, минг кг.	60	X	7,3	+7,3	x
Хўжалик совуни, минг кг.	65	X	7,4	+7,4	x
Хўжалик совуни, минг кг.	72	X	6,5	+6,5	x
Атир совун, минг кг.	80	X	3,2	+3,2	x
Кир ювиш кукуни (по-рошоги), минг кг	10	X	14,3	+14,3	x
Жами:	X	42,0	48,7	+6,7	116,0

Манба: Каттақўрғон ёғ-мой акциядорлик жамияти бухгалтерия ва статистик ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мазкур корхона 2006 йил IV-чорақда 42,0 минг кг. ёғлилик даражаси 40 % бўлган кир совун ишлаб чиқаришни режалаштирган. Аммо натижа бутунлай бошқача бўлиб чиқди, яъни ёғлилик даражаси 40% лик 42,0 минг кг. кир совун ўрнига турли совунлар ва кир ювиш материалларидан 48,7 минг кг. ишлаб чиқди. Агар ушбу ҳолатда хулоса қилинса, мазкур корхона совун ишлаб чиқариб

сотиш бўйича режани 116,0% бажарган (48,7/42,0x100). Бирок, ёғлилик даражаси 40% лик кир совуни бўйича режа атиги 23,8% га бажарилган холос. Қолган маҳсулотлар режада кўзда тутилмаган. Аммо ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотга тўғри баҳо бериш учун уларни ҳам шу 40% лик ёғлилик даражасига эга бўлган совун ҳажмидаги шартли миқдорини топишимиз лозим. Бу билан ёғлилик даражаси турли бўлган совун ва бошқа кир ювиш материаллари бир хил ўлчамга, яъни таққосланадиган ҳолатга келтирилиб олинади.

Таққослаш учун келтириш коэффициентидан фойдаланилади. Бу учун одатда ёғлилик даражаси 40% бўлган кир совун бир деб қабул қилинади ва қолганларини шунга мос равишда табақаланиш даражаси ҳисобланади.

Бундай келтириш коэффициенти куйидаги формуладан фойдаланган ҳолда амалга оширишни тавсия қиламиз:

$$\text{Келтириш коэффи-циенти} = \frac{\text{Келтириш коэффициенти аниқланадиган кир совуннинг ёғлилик даражаси}}{\text{Меъёрдаги кир совуннинг ёғлилик даражаси}}$$

Мисолимизда келтирилган ёғлилик даражаси 60% бўлган кир совуннинг келтириш коэффициенти 1,5 га тенг бўлади:

$$K_{60\%} = \frac{60}{40} = 1,5$$

65% лик ёғлилик даражасига эга бўлган кир совуннинг келтириш коэффициенти 1,625 га тенг:

$$K_{65\%} = \frac{65}{40} = 1,625 \text{ ва ҳ.к.}$$

Ҳисоб-китоблар натижаси куйидаги жадвалда ўз ифодасини топган (3.2.6-жадвал).

3.2.6 - жадвал

Каттақўрғон ёғ-мой акциядорлик жамиятида совун ва кир ювиш маҳсулотларининг 2006 йил IV-чорақдаги ҳақиқий миқдорини таққосланадиган ҳолатга келтириш коэффициенти ва миқдори

№	Маҳсулотнинг тури	Маҳсулотнинг ҳақиқий миқдори, минг кг.	Келтириш коэффициенти	Таққосланадиган миқдори, минг кг.
1	Хўжалик совуни 40% ёғлиликда	10,0	1,0	10,0

2	Хўжалик совуни 60% ёғлиликда	7,3	1,5	13,95
3	Хўжалик совуни 65% ёғлиликда	7,4	1,625	12,025
4	Хўжалик совуни 72% ёғлиликда	6,5	1,8	11,7
5	Атир совун 80% ёғлиликда	3,2	2,0	6,4
6	Кир ювиш кукуни (поро-шоги) 10 % ёғлиликда	14,3	0,25	3,575
	Жами:	48,7	х	54,65

Манба: 2.5-жадвал асосида ҳисобланди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, келтириш коэффициентини инобатга олиб, ишлаб чиқариб сотилган кир ювиш маҳсулотининг миқдори ҳақиқатда 48,7 минг кг. эмас, балки 54,65 минг кг.ни ташкил қилар экан. Режанинг бажарилиши олдингидек 116,0% эмас, балки 130,1 %ни ташкил қилар экан ($54,65/42,0 \times 100$).

Ушбу кўрсаткични аниқлаш эркин иқтисодиёт шароитида, қайсики режанинг бажарилиши юқори ташкилотлар томонидан текширилмайдиган пайтда кимга ва нимага керак, деган савол ҳам туғилиши мумкин. Бунга жавобан шуни таъкидламоқчимизки, ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот навининг ўзгариши корхона фойдасига нечоғлик ижобий ёки салбий таъсир қилганлигини билиш мумкин. Бу бевосита мулкдорга ҳам, меҳнат жамоасига ҳам ва уни бошқарувчиларга ҳам керак. Чунки буларнинг ҳаммаси корхонанинг иш натижасидан, хусусан, оладиган фойдасидан манфаатдор.

Бунинг нималарда ва қандай намоён бўлишини ушбу мисолда ҳам кўриш мумкин. Фараз қиламиз, мазкур корхона кир совуннинг 40% лик ёғлилик даражаси билан бир кг.ни (бу 4 та совун бўлади) 800 сўмдан сотишга режалаштирилган эди. Ҳақиқатда нарх ўзгармасдан қолди. Аммо турли ёғлилик даражасига эга бўлган совунлар турлича нарх билан сотилиши ҳам табиий. Бу ҳолда натижа қуйидагича бўлиши мумкин.

Режада $42,0 \times 800 = 33,6$ млн сўм.

Ҳақиқатда

(қиёсланмайдиган) $48,7 \times 800 = 39,0$ млн. сўм

Қиёсланган ҳолатга

келтирилганда $54,65 \times 800 = 43,7$ млн. сўм.

Мазкур ҳисоб-китобдан кўриниб турибдики, Каттақўрғон ёғ-мой АЖ режа бўйича 33,6 млн сўм маҳсулот ишлаб чиқиши лозим эди. Ҳақиқатда эса қиёсланадиган ҳажмда 43,7 млн сўм ёки 10,1 млн сўм кўп ишлаб чиқарилиши лозим эди. Аммо мазкур корхона ҳақиқатда 41,3 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб сотди.

Кўриниб турибдики, маҳсулотнинг ҳақиқий қиймати билан бажарилиши лозим бўлган қиймат ўртасида 2,4 млн сўм (43,7-41,3) фарқ бор. Бу фарқ маҳсулот навлилигининг ўзгариши эвазига содир бўлган фарқдир. Агар мазкур корхона фақат ёғлилик даражаси 40% бўлган кир совундан 54,65 минг кг. сотганда эди, ундан тушган пул тушуми, нарх ўзгармаган ҳолда, 43,7 млн. сўмни ташкил қилган бўлар эди. Аммо ушбу корхона турли навда шунча маҳсулот ишлаб чиқди. Оқибатда, маҳсулот навининг ўзгарганлиги эвазига корхона 2,4 млн. сўм (43,7-41,3) зарар кўрган. Маҳсулотнинг ёғлилик даражаси ва сифати ошгани билан у шу сифатига нисбатан паст нархда сотилган.

Демак, маҳсулот навининг ўзгариши ҳам корхона маҳсулоти умумий ҳажми ва шу орқали унинг фойдасига бевосита таъсир қилар экан.

Қиёсий таҳлилда шуни ҳам инобатга олиш жоизки, баъзи маҳсулотлар фақат бир ёки бошқа бирорта навда режалаштирилади. Ҳақиқатда эса айнан шу навга тўғри келмаслиги мумкин. У ҳолда қолган навлар шу белгиланган навга қайта ҳисобланиб олинади.

Бундай ҳолатни мол терисини тайёрлашда кўриш мумкин. Ушбу хом ашё 1-нав ҳолатида ҳисоб-китоб қилинади. Қолган навлар эса шу 1 нав ҳолатига келтириб олинади. Бу учун куйидаги келтириш коэффициентларидан фойдаланилади: 1-нав - 1, 2-нав - 0,87, 3-нав - 0,66, 4-нав - 0,46. Кичик моллар ва чўчка териси учун мос равишда 1 - 1,0; 2 - 0,85; 3 - 0,6; 4 - 0,4 коэффициентлар қўлланилади⁷⁹. Бу ҳолатни аниқлаш учун куйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (3.2.7-жадвал).

3.2.7 - Жадвал

«Турон» КМЧЖда мол терисини тайёрлашнинг 2006 йилдаги ҳажмини қиёсланадиган ҳолатга келтириш

(дона)

Нави	Режа кўрсаткичи	Ҳақиқатда тайёрланди	Қайта ҳисоблаш коэффициенти	1-навга қайта ҳисобланган кўрсаткич	Фарқи (+,-)
1	5400	1614	1,0	1614	х
2	-	1202	0,87	1046	х
3	-	1493	0,66	985	х
4	-	1224	0,46	563	х
Жами	5400	5533	Х	4208	-1192

Манба: Мазкур корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи асосида ҳисобланди.

⁷⁹ Абдукаримов И.Т ва бошлалар. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. - Т.: Нълитувчи, 1989. - 156 бет. Кудрявцев А.А. Анализ хозяйственной деятельности кооперативных организаций. - М.: Экономика, 1977, - 183-184 бетлар.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳақиқатда тайёрланган терининг миқдори режага нисбатан 1533 донага ёки 102,5 % га $(5533:5400 \times 100)$ кўп. Аммо уни қиёсланадиган ҳолатда, яъни ҳаммасини 1-нав миқдорида ҳисоблаганда, режанинг 1192 донага кам бажарилганлигини ёки унинг режага нисбатан бор-йўғи 77,9 % ни $(4208:5400 \times 100)$ ташкил қилганлигини кўрамиз. Бу ерда мол терисининг навлилик коэффиценти 76,1 % га $(4208:5533 \times 100)$ тенг бўлганлигини кўрамиз.

Қиёсий таҳлил аҳволнинг аниқ ҳолатидан далолат беради. Агар унинг тайёрланган ҳақиқий миқдори бўйича хулоса қилинганда эди, мазкур корхонада аҳвол яхши деган хулосага келиш мумкин эди. Аммо у маҳсулотни сотганда харидор, албатта, унинг навига қараб пул тўлайди. Оқибатда жисмонан кўп тери тайёрладинг-у, нима учун кам пул тушуми тушди, деган жумбоқни ечиш қийин эди. Ушбу ҳолатлар кўрсатиб турибдики, эркин иқтисодиёт шароитида бу каби қиёсий таҳлил усулларида кенг фойдаланиш ҳаётий заруратдир.

Шундай қилиб, товарларнинг сотилишини бошқаришда қўлланиладиган товар гуруҳлари, уларни сотиш усуллари ва товарнинг бозорда сотилиш босқичларини ва қиёслаш усуллари инобатга олмасдан туриб, ҳозирги бозор муносабатлари шароитида, тадбиркорларнинг самарали фаолият кўрсатиши қийин. Шу туфайли ҳозирги вазият эндиги тадбиркорларнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўта саводхон, зийрак ва жасур бўлишларини тақозо қилади.

3.3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи омиллар таҳлилини такомиллаштириш

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири сотилган товар ҳажмидир. Тадбиркор учун аниқ фойда фақат товарни (иш, хизматни) сотгандан кейингина ҳосил бўлади. Албатта, бир қарашда сотиш иккинчи даражали жараёндек туюлади. Чунки энг аввало, товарни (иш, хизматни) ишлаб чиқариш лозим. Лекин бозор муносабатлари барча ишлаб чиқарилган товарларни ўзига «казм» қила олмайди. Шу туфайли миллионлаб ишлаб чиқарилган товарлар сотилмасдан ишлаб чиқарувчининг омборида қолиб кетаверади. Бу эса тадбиркорни бирор товарни ишлаб чиқаришдан олдин унинг сотилиши ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Маҳсулотни сотишни таҳлил қилишда уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Сотилган маҳсулотни таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлар таркибига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, уларнинг сифати, сотилиш ҳажми, маромийлиги кабилар киради. Чунки сотилган маҳсулот ҳажми шу кўрсаткичларга бевосита боғлиқдир.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири сотилган товар ҳажми бўлганлиги туфайли, унинг фаолиятига таъсир қилувчи омиллар таҳлилини такомиллаштиришни мазкур кўрсаткич мисолида кўриб чиқишни тавсия қиламиз.

Товарларни сотиш ҳажмига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Уларни бир қанча гуруҳларга бўлиш мумкинлиги ҳақида юқорида ҳам таъкидланди. Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим жиҳати, таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш йўллари аниқлаб, таҳлил қилинаётган кўрсаткич тўғрисида аниқ хулосага келиш ва уни яхшилаш бўйича амалий тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омилларни иқтисодий мазмуни жиҳатидан гуруҳлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Зеро, ушбу омилларни ҳисоблаш учун бухгалтерия ва статистик ҳисоби ва ҳисоботларида аниқ маълумотлар ҳам келтирилган.

Сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар иқтисодий мазмуни жиҳатидан тўрт гуруҳга бўлинади:


- * меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар;
- * асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар;
- * айланма маблағлар билан боғлиқ омиллар;
- * номоддий активлар билан боғлиқ омиллар.

Ушбу омиллар таъсир қилиш даражасига қараб икки гуруҳга бўлинади: интенсив омиллар ва экстенсив омиллар. Уларнинг бир-бирига боғлиқлигини қуйидагича ифодалашни тавсия қиламиз (3.3.1-чизма).

Ушбу чизмада келтирилган омиллар ҳақидаги маълумотлар, таъкидланганидек, корхонанинг ҳисоботларида ўз аксини топган. Улардан фойдаланиб ҳар бирининг сотиш ҳажмига таъсирини топиш мумкин. Бу омиллар таъсирини топишнинг бир қанча усуллари олимларимиз томонидан ишлаб чиқарилган ва улар тегишли иқтисодий таҳлилга оид адабиётларда⁸⁰ чоп этилган.

Сотилган маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи барча омиллар бир-бири билан узвий боғлиқликда ва алоқада. Уларнинг бирорта кўрсаткич ўзгаришига таъсирини ҳисоблаганда, албатта, ҳаммасини бирданига ҳисоблаб олиш лозим. Чунки алоҳида-алоҳида ҳисоблаб олганда омилли таҳлил тўлиқ бўлмасдан қолади.

⁸⁰ Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск: ООО «Новое знание», 2000. - 460-467 бетлар; Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. М.: Финансы и статистика, 1994. - 60-75 бетлар; Абдукаримов И.Т. ва бошлалар. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Т.: Ўлитувчи, 1989. - 32-53 бетлар; Пардаев М.Ў. Иқтисодий тақлил назарияси. Самарлянд: Зарафшон, 2001. - 87-126 бетлар; Пардаев М.Ў., Исроилов Б.И. Иқтисодий тақлил. I-қисм. Тошкент: «Иқтисодиёт ва қуль дунёси» нашриёт уйи, 2001. - 31-72 бетлар ва қ.қ.



3.3.1-Чизма. Сотиш ҳажмига таъсир қилувчи интенсив ва экстенсив омиллар

Ушбу омилларнинг ҳаммаси корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ташкил қилади⁸¹. Корхона иқтисодий салоҳиятининг натижа кўрсаткичи ўзгаришига таъсирини алоҳида-алоҳида қараб бўлмайди. Зеро, натижанинг ўзгаришига ушбу омиллар бирданига таъсир қилади.

Бу ҳолатларни инобатга олиб, сотилган маҳсулот ҳажмига корхона иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ бўлган омилларнинг таъсирини бири-бири билан боғлиқ ҳолда ҳисоблаш методологияси ишлаб чиқилди. Бу учун, энг аввало, қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (3.3.1-жадвал).

⁸¹ Пардаев М.Ў., Исроилов Б.И. Иљтисодий таљлил. Ўљув лўљланма. Т.: «Меќнат» 2004. – 104-138 бетлар; Абдукаримов И.Т., Пардаев М.Ў., Исроилов Б.И. Корхонанинг иљтисодий салоќияти таљлили. Монография. Т.: «Иљтисодиёт ва ќуљуљ дунёси» нашриёт уйи, 2003 – 256 бет.

3.3.1 – Жадвал

«Турон» кўп тармоқли масъулияти чекланган жамиятда сотилган маҳсулот ва унга таъсир қилувчи омилларнинг 2001-2003 йиллардаги динамикаси

КЎРСАТКИЧЛАР	Йиллар			2006 йилда ўзгариши	
	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2004 йилга нисбатан	2005 йилга нисбатан
1. Сотилган маҳсулот ҳажми, млн. сўм	120,4	138,5	157,2	130,6	113,5
2. Ходимлар сони, киши	198	214	241	121,7	112,6
3. Меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1қ:2қ)	608,1	647,2	652,2	107,3	100,8
4. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм	98,6	108,5	116,3	118,0	107,2
5. Асосий воситалар самарадорлиги, сўм (1қ:4қ)	1,221	1,276	1,352	110,7	106,0
6. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, млн.сўм	52,3	58,3	64,8	123,9	111,1
7. Айланма маблағлар самарадорлиги, сўм (1қ:6қ)	2,302	2,376	2,426	105,4	102,1
8. Номоддий активларнинг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм	8,2	9,6	10,4	126,8	108,3
9. Номоддий активларнинг самарадорлиги, сўм (1қ:8қ)	14,683	14,427	15,115	102,9	104,8

Манба: Мазкур корхонанинг тегишли йиллардаги бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида ҳисобланди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2006 йилда 2004 йилга ва 2005 йилларга нисбатан барча кўрсаткичлар бўйича ўсишга эришилган. Сотилган маҳсулот ҳажми 2006 йилда 2004 йилга нисбатан 130,6 % ўсган бўлса, 2005 йилга нисбатан 113,5 % ўсган. Ушбу ўсиш, албатта, ўз-ўзидан содир бўлган эмас. Унга бир қанча омиллар таъсир

кўрсатган. Ушбу жадвалда келтирилганича, барча омиларда ўсиш рўй берган. Масалан, ходимлар сони 2006 йилда 2004 йилга нисбатан 21,7 % ўсган бўлса, 2005 йилга нисбатан эса 12,6 % ўсган. Аммо меҳнат унумдорлиги мос равишда 7,3 ва 0,8 фоиз ўсишга эришилган. Кўриниб турибдики, бу ҳолатда экстенсив омилнинг ўсиш суръати интенсив омилга нисбатан юқори. Бу эса, ўз навбатида, натижа кўрсаткичига ҳам шу тарзда таъсир қилади.

Асосий воситалар, айланма маблағлар ва номоддий активлар бўйича ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин. Жумладан, асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати 2006 йилда 2004 йилга нисбатан 18 % ўсган бўлса, 2005 йилга нисбатан 7,2 % ўсган. Асосий воситаларнинг самарадорлиги эса мос равишда 10,7 ва 6,0 % ни ташкил қилади. Кўриниб турибдики, бу ҳолатда ҳам экстенсив омилларнинг ўсиш суръати интенсив омиллар ўсиш суръатига нисбатан юқори. Айланма маблағларнинг ўсиш суръати, мос равишда, 23,9 ва 11,1 % ни ташкил қилса, уларнинг самарадорлиги 5,4 ва 2,1 % ни ташкил қилади. Номоддий активларнинг ўсиш суръати 26,8 ва 8,3 % ни ташкил қилган бир пайтда, уларнинг самарадорлиги 2,9 ва 4,8 % ўсган, холос. Бундай ҳолат «Янгикўрғон консерва» хусусий корхонасида ҳамда «Тони» Тайлоқ туман хусусий корхонасида ҳам кузатилди.

Иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири ушбу омилларнинг натижа кўрсаткичи ўзгаришига таъсирини аниқлашдан иборатдир.

Сотилган маҳсулот ўзгаришига таъсир қилувчи барча омиллар одатдаги амалиётда қўлланилаётган усулда ҳисобланадиган бўлса, уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидагича аниқланади:

$$\Delta Q_{\text{со}} = \left[\left(\frac{\Delta x \cdot 100}{\Delta Q} \right) + \left(100 - \frac{\Delta x \cdot 100}{\Delta Q} \right) \right] + \left[\left(\frac{\Delta A_{\text{в}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) + \left(100 - \frac{\Delta A_{\text{в}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \right] + \\ + \left[\left(\frac{\Delta A_{\text{йм}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) + \left(100 - \frac{\Delta A_{\text{йм}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \right] + \left[\left(\frac{\Delta H_{\text{а}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) + \left(100 - \frac{\Delta H_{\text{а}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \right];$$

Бунда: $\Delta Q_{\text{со}}$ - натижа кўрсаткичининг барча омиллар таъсирида ўзгарганлиги;

$\Delta X\%$ - ходимлар сони;

$\Delta Q\%$ – сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши;

$\Delta A_{\text{в}}\%$ - асосий воситалар ўртача қийматининг ўзгариши;

$\Delta A_{\text{йм}}\%$ - айланма маблағлар ўртача қийматининг ўзгариши;

$\Delta H_{\text{а}}\%$ - номоддий активлар ўртача қийматининг ўзгариши;

Агар шу усул билан ҳисоблайдиган бўлсак сотилган маҳсулот ҳажмининг 2003 йилдаги миқдори 2001 йилга нисбатан ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар қуйидагича бўлади:

$$\Delta Q_{\text{оо}} = \left[\left(\frac{21,7 \cdot 100}{30,6} \right) + \left(100 - \frac{21,7 \cdot 100}{30,6} \right) \right] + \left[\left(\frac{18,0 \cdot 100}{30,6} \right) + \left(100 - \frac{18,0 \cdot 100}{30,6} \right) \right] +$$

$$+ \left[\left(\frac{23,9 \cdot 100}{30,6} \right) + \left(100 - \frac{23,9 \cdot 100}{30,6} \right) \right] + \left[\left(\frac{26,8 \cdot 100}{30,6} \right) + \left(100 - \frac{26,8 \cdot 100}{30,6} \right) \right] =$$

$$= (70,9 + 29,1) + (58,8 + 41,2) + (78,1 + 21,9) + (87,6 + 12,4) = 400 \%$$

$$= 100,0 + 100,0 + 100,0 + 100,0 = 400,0 \%$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 2003 йилда 2002 йилга нисбатан қуйидаги ҳолатга эга бўлади:

$$\Delta Q_{\text{оо}} = \left[\left(\frac{12,6 \cdot 100}{13,5} \right) + \left(100 - \frac{12,6 \cdot 100}{13,5} \right) \right] + \left[\left(\frac{7,2 \cdot 100}{13,5} \right) + \left(100 - \frac{7,2 \cdot 100}{13,5} \right) \right] +$$

$$+ \left[\left(\frac{11,1 \cdot 100}{13,5} \right) + \left(100 - \frac{11,1 \cdot 100}{13,5} \right) \right] + \left[\left(\frac{8,3 \cdot 100}{13,5} \right) + \left(100 - \frac{8,3 \cdot 100}{13,5} \right) \right] =$$

$$= (93,3 + 6,7) + (53,3 + 46,7) + (82,2 + 17,8) + (61,5 + 38,5) = 400 \%$$

$$= 100,0 + 100,0 + 100,0 + 100,0 = 400,0 \%$$

Кўриниб турибдики, барча омилларнинг таъсири 400,0 фоизни ташкил қилади. Натижа кўрсаткичи атиги 100,0 фоиз ўсган бир пайтда, омиллар таъсири 400,0 фоиз ўсган бўлиши мумкин эмас. Аммо, чоп қилинган адабиётларда⁸² ва амалиётда шу усул қўлланилиб келинмоқда.

Ушбу адабиётларда келтирилган усулларга асосланган ҳолда, уларни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Хусусан, чоп қилинган адабиётларда ҳар бир гуруҳ омилларини ҳисоблаганда, айнан шу омиллар эътиборга олиниб, бошқа омилларни эса, шу жараёнга таъсир қилмаган деб фараз қилинади. Натижада, ҳар бир гуруҳ омиллар таъсирининг умумий миқдори таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг умумий фарқини 100 фоиз қоплайди. Юқоридаги чизмада омиллар тўрт гуруҳга бўлинади. Амалдаги усуллар билан ҳисоб-китоб қилинса, натижа кўрсаткичининг ўзгаришига тўрт гуруҳ омилларнинг таъсири 400 фоизни ташкил қилади. Чунки бу ҳолатларда «такрорий ҳисоб»га йўл қўйилади.

Амалдаги усулларнинг бундай камчилигини бартараф қилиш учун ҳар бир гуруҳ омилни алоҳида қарамасдан, уларни бир-бири билан узвий боғлиқликда ва алоқада деб қараймиз ва ҳар бир гуруҳга, тегишли равишда салмоқлилик коэффицентини жорий қилишни тавсия қиламиз.

⁸² Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск: ООО «Новое знание», 2000. - 460-467 бетлар; Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. М.: Финансы и статистика, 1994. - 60-75 бетлар; Абдукаримов И.Т. ва бошлалар. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Т.: Ўлитувчи, 1989. - 32-53 бетлар; Пардаев М.Ў. Иљтисодий тақлил назарияси. Самарљанд: Зарафшон, 2001. - 87-126 бетлар; Пардаев М.Ў., Исроилов Б.И. Иљтисодий тақлил. I-љисм. Тошкент: «Иљтисодиёт ва қуљуљ дунёси» нашриёт уйи, 2001. - 31-72 бетлар ва қ.қ.

Тадқиқотлар кўрсатдики, сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омилларнинг салмоқлилик коэффициентини, тахминан, қуйидагича деб белгилаш мумкин:

- * меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар - 0,40;
- * асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар - 0,30;
- * айланма маблағлар билан боғлиқ омиллар - 0,20;
- * номоддий активлар билан боғлиқ омиллар - 0,10.

Ушбу салмоқлилик коэффициентини аниқлашда мантикий-эвристик таҳлил усулларида фойдаланилди. Одатда, бундай коэффициентлар эксперт йўли билан аниқланади. Биз методологик асос бўлиш учун ушбу кўрсаткични аниқлашда шу оддий мантикий-эвристик усулни қўллаш билан чекландик.

Агар омилларнинг ушбу салмоқлилик коэффициентини қўллаб ҳисоблайдиган бўлсак, барча омиллар таъсири 100 фоизга тенг бўлади. Бу учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$\Delta Q_{\text{до}} = \left[\left(\frac{\Delta x \cdot 100}{\Delta Q} \right) \cdot K_{\text{смп}} + \left(100 - \frac{\Delta x \cdot 100}{\Delta Q} \right) \cdot K_{\text{смп}} \right] + \left[\left(\frac{\Delta \text{ав} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \cdot K_{\text{сав}} + \left(100 - \frac{\Delta \text{ав} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \cdot K_{\text{сав}} \right] + \left[\left(\frac{\Delta \text{айм} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \cdot K_{\text{сайм}} + \left(100 - \frac{\Delta \text{айм} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \cdot K_{\text{сайм}} \right] + \left[\left(\frac{\Delta \text{на} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \cdot K_{\text{сна}} + \left(100 - \frac{\Delta \text{на} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \cdot K_{\text{сна}} \right];$$

Бунда: $K_{\text{смп}}$ - меҳнат ресурслари билан боғлиқ омилларнинг салмоқлилик коэффициенти;

$K_{\text{сав}}$ - асосий воситалар билан боғлиқ омилларнинг салмоқлилик коэффициенти

$K_{\text{сайм}}$ - айланма маблағлар билан боғлиқ омилларнинг салмоқлилик коэффициенти;

$K_{\text{сна}}$ - номоддий активлар билан боғлиқ омилларнинг салмоқлилик коэффициенти.

Агар ушбу формулага асосан жадвал маълумотларини қўллаб ечадиган бўлсак, у ҳолда 2003 йилнинг 2001 йилга нисбатан ўзгариши бўйича қуйидаги маълумотларга эга бўламиз:

$$\begin{aligned} \Delta Q_{\text{до}} &= \left[\left(\frac{12,6 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,4 + \left(100 - \frac{12,6 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,4 \right] + \\ &+ \left[\left(\frac{7,2 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,3 + \left(100 - \frac{7,2 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,3 \right] + \left[\left(\frac{11,1 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,2 + \left(100 - \frac{11,1 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,2 \right] + \\ &+ \left[\left(\frac{8,3 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,1 + \left(100 - \frac{8,3 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,1 \right] = \\ &= [(70,9 \cdot 0,4) + (29,1 \cdot 0,4)] + [(58,8 \cdot 0,3) + (41,2 \cdot 0,3)] + [(78,1 \cdot 0,2) + (21,9 \cdot 0,2)] + \end{aligned}$$

$$+[(87,6 \cdot 0,1)+(12,4 \cdot 0,1)]=(28,4+11,6)+(17,6+12,4)+(15,6+4,4)+(8,8+1,2)=100,0 \%$$

2003 йилнинг 2001 йилга нисбатан ўзгариши бўйича ҳам худди шундай ҳолатда ҳисобланиши мумкин:

$$\Delta Q_{60} = \left[\left(\frac{12,6 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,4 + \left(100 - \frac{12,6 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,4 \right] +$$

$$+ \left[\left(\frac{7,2 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,3 + \left(100 - \frac{7,2 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,3 \right] + \left[\left(\frac{11,1 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,2 + \left(100 - \frac{11,1 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,2 \right] +$$

$$+ \left[\left(\frac{8,3 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,1 + \left(100 - \frac{8,3 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,1 \right] =$$

$$\Delta Q_{60} = [(93,3 \cdot 0,4)+(6,7 \cdot 0,4)]+[(53,3 \cdot 0,3)+(46,7 \cdot 0,3)]+ \\ +[(82,2 \cdot 0,2)+(17,8 \cdot 0,2)]+[(61,5 \cdot 0,1)+(38,5 \cdot 0,1)]=(37,3+2,7)+ \\ +(16,0+14,0)+(16,4+3,6)+(6,2+3,8)=100,0 \%$$

Ушбу маълумотлар асосида қуйидагича таҳлилий жадвал тузишни тавсия қиламиз (3.1.2-жадвал).

3.1.2 - Жадвал

«Турон» кўп тармоқли масъулияти чекланган жамиятда сотилган маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи омилларнинг ҳисоб-китоби

Омилларнинг номи	2006 йил ўзгариши одатдаги усулда		2006 йил ўзгариши биз тавсия қилган усулда		Омилларнинг салмоқлилик коэффициенти
	2004 йилга нисбатан	2005 йилга нисбатан	2004 йилга нисбатан	2005 йилга нисбатан	
1	2	3	4	5	6
1. Сотилган маҳсулот ўзгариши:			(2 _{yc} х6 _{yc})	(3 _{yc} х6 _{yc})	
2. Ходимлар сони эвазига, %	70,9	93,3	28,4	37,3	0,4
3. Меҳнат унумдорлиги эвазига, %	29,1	6,7	11,6	2,7	
4. Асосий воситалар эвазига, %	58,8	53,3	17,6	16,0	0,3
5. Асосий воситалар самарадорлиги эвазига	41,2	46,7	12,4	14,0	
6. Айланма маблағлар эвазига, %	78,1	82,2	15,6	16,4	0,2

7. Айланма маблағлар самарадорлиги эвазига, %	21,9	17,8	4,4	3,6	
8. Номоддий активлар эвазига, %	87,6	61,5	8,8	6,2	0,1
9. Номоддий активлар самарадорлиги эвазига, %	12,4	38,5	1,2	3,8	
Жами омиллар таъсири	400,0	400,0	100,0	100,0	1,0

Манба: 3.1.2-жадвал асосида қилинган ҳисоб-китоб натижасида олинди.

Ушбу жадвал маълумотларидан яққол кўриш мумкинки, амалдаги усул билан ҳисоблаганда, барча омиллар таъсири 400,0 % ни ташкил қилди. Агар омиллар гуруҳи бешта бўлганда эди, уларнинг умумий таъсири 500,0 % бўлган бўлар эди. Агар учта бўлса 300,0 % ва ҳ.к. Биз тавсия қилган усул билан ҳисобланса, омилларнинг гуруҳи ва умумий сонидан қатъий назар, бир хил натижага, яъни 100 % лик миқдорга эришиш мумкин.

Кўриниб турибдики, бизнинг тавсиямиз натижа ўзгаришига бир қанча омиллар таъсирини бир вақтнинг ўзида бирданига ҳисоблаш мумкин бўлади. Агар ушбу тавсиямиз амалиётга қўлланилса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўғри баҳо бериш, уни одилona бошқариш имконини беради.

4-БОБ. ЭРКИН РАҚОБАТ ШАРОИТИДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

4.1. Рақобат ва рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилишнинг назарий ва методологик муаммолари*

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида рақобатбардошликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиётни эркинлаштириш ислохотларнинг биринчи босқичида мулкни давлат тасарруфидан чиқариб кўп мулкчиликка асосланган иқтисодиётни шакллантириш бўлса, ундан кейинги босқичларида давлатнинг хусусий тадбиркорлар фаолиятига аралашмаслик масаласи долзарб бўлди. Бугунги кунда Президентимиз таъкидлаганларидек: “Содда қилиб айтадиган бўлсак, эркинлаштириш дегани - бу қўл оёғимизни кишан каби боғлаб турган ҳар қандай тўсиқлардан бутунлай халос бўлиш дегани”⁸³. Агар ҳар қандай тўсиқлардан бутунлай халос бўлсак, биз эркин рақобат асосида ривожланидиган иқтисодиётни шакллантирган бўламиз. Бу эса, ўз навбатида, рақобат ва рақобатбардошликнинг назарий ва методологик муаммоларини тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Рақобатбардошликни назарий жиҳатдан таҳлил қилишдан олдин «рақобат» атамасининг мазмунини очиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Аслида рақобат сўзи латинча – “concurrentia” сўзидан келиб чиққан бўлиб, тўқнашмоқни англатади. Аммо рақобатнинг таърифи ҳақида олимларимиз ҳамон бир фикрга кела олган эмас. Бу борада айрим олимларнинг қарашларига тўхталишни мақсага мувофиқ, деб топдик. Жумладан, А.Н.Азрилиян раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси рақобатга қуйидагича таъриф беради: “Товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги капитал, хомашё ва бозорни таъминлаш учун қулай соҳани эгаллашга қаратилган мусобақа”⁸⁴. А.М.Румянцев раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси эса “Товар ишлаб чиқаришга хос, хусусий мулкчиликка асосланган бўлиб, хусусий товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида товарни ишлаб чиқариш ва сотишда қулай шароит учун муросасиз кураш жараёни.”⁸⁵ – деб таъкидлайдилар. Айрим олимлар эса, рақобатни бозордаги кураш тарзида идрок қилади. Хусусан, А.Г.Грязнова раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси рақобатни “Истеъмолчиларнинг чегараланган талабини қондириш учун турли фирмалар ўртасида ўзларига

* Ушбу параграфни ёзишда И.Р.Пардаев иштирок этди.

⁸³ Каримов И.А. Янги қаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди./// Халқ сўзи. 2005 й. 17 – февраль. – 2 бет

⁸⁴ Большой экономический словарь. М.: Институт новой экономики. 1999. – 375 бет.

² Экономическая энциклопедия. Политическая экономия. М.: СЭ. 1975. – 214-215 бетлар

мақбул бўлган бозордаги кураши”⁸⁶ – деб кўрсатадилар. Шунга яқин фикрларни яна бир гуруҳ олимлар ҳам таъкидлашадилар. В.И.Видяпин ва Г.П.Журавлёвалар раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси рақобатни “Бозор муносабатлари иштирокчиларининг товарни ишлаб чиқариш ва сотишда қулай шароитга эга бўлиши учун кураш жараёни”⁸⁷ – сифатида қарайдилар. Бироқ, айрим олимлар ушбу масалага бошқачароқ ёндашадилар. Масалан, Н.Грегори Монкью “Бозор рақобати – кўп сотувчи ва кўп харидорга эга бўлган бозор бўлиб, уларнинг ҳар бирининг бозор баҳосига маълум миқдорда таъсир этишидир”⁸⁸ – деб уқтиради. Булардан кўриниб турибдики, ҳали олимларимиз олдида рақобат тушунчасига назарий ва амалий жихатдан асосланган таърифини ишлаб чиқиш муаммоси долзарблигича қолмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир янги жараённи амалиётга жорий қилиш учун олдин унинг назарияси ишлаб чиқилиши лозим. Аммо Ўзбекистонда рақобат муҳитини яратиш, эркин рақобат шароитида ҳар бир хўжалик субъектининг табиати қандай бўлиши хусусида ўзимизга хос назарий концепция яратилган эмас. Биз эркин рақобатни бозор муносабатлари тараққий этган мамлакатларда қандай бўлса шундай тушунмоқдамиз. Бироқ, Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлига, ўзига хос менталитетига, қадриятига, урф-одатларига эгаки, булар эркин рақобатни ҳам ўзига хос бўлишини тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, эркин рақобатнинг Ўзбекистонга хос назарий асосини яратиш заруриятини туғдиради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хослиги, унинг эркин рақобат муҳитига таъсири, бизнинг фикримизча, қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, мамлакатимизда эркин рақобат субъектларининг шаклланиши асосан хусусий мулк негизида эмас, балки давлат мулкани хусусийлаштириш эвазига амалга оширилганлигидир. Бу корхоналар қаттиқ режа асосида фаолият кўрсатишга мослашган корхоналар эди. Уларни бозор шароитига кўниктириш, албатта, унчалик осон иш эмас. Шу туфайли уларнинг кўпи инқирозга учраб синиб бормоқда.

Иккинчидан, корхоналар хом ашё, ускуналарни катъий фонд асосида олишга одатланган бўлиб, ишлаб чиқарган товарларини давлат буюртмаси асосида тақсимлар эди. Унда эркин сотиш, харидорни топиш, маркетинг хизмати каби бозор муносабатлари тамойилларига асосланмас эди. Бу тамойилларнинг жорий қилиниши ҳам кўплаб корхоналарнинг ўз ўрнини топиб кетиши учун катта қийинчиликлар туғдирмоқда.

Учинчидан, олдин товар олишда олдиндан тўлаш усули кам қўлланилар эди. Ишлаб чиқарувчи корхоналарга савдо корхоналари

⁸⁶ Микроэкономика. Теория и Российская практика. М.: ИТД КноРус., 1999. – 248 бет.

⁸⁷ Общая экономическая теория. Учебник. М.: Промо-Медиа., 1995. – 117 бет.

⁸⁸ Принципы экономикс. Санкт-Петербург. Питер., 1999. – 88 бет.

томонидан товарни сотиб пулини тўлашдек савдо хизмати кўрсатилар эди. Энди эса, ҳар қандай товар учун олдин пули тўланиб, кейин сотиб олинган бўлди. Бу жараён ҳам бозор тизимидаги барча хўжалик юритувчи субъектларни молиявий жиҳатдан барқарор ва мустаҳкам бўлишини тақозо қилмоқда.

Тўртинчидан, ўзимиз ишлаб чиқарган товарлар омборларда қолиб, четдан жуда кўп сифатсиз товарлар кириб келди ва улар ўзимизнинг товаримизни касодга учратди. Бу жараён товаримизнинг сифатсизлигидан ёки харидор талабидан ортиқчалигидан эмас, балки бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатиш сир-асрорларини билмаслик оқибатида келиб чиқмоқда.

Бешинчидан, бу юқорида қайд қилинган омиллар натижасида, ўзимизда ишлаб чиқарилган товарларнинг сотилмаслиги оқибатида жуда кўп ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган тадбиркорлар, корхона ва фирмалар ўз фаолиятини тухтатишга мажбур бўлдилар. Бу эса, жуда кўп корхоналарнинг рақобатда бой берганлигидан эмас, балки бозор муносабатларига мослаша олмаганлиги натижасида инқирозга учраб, синиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бу ҳолатлардан кўриниб турибдики, бозор муносабатларининг тўлиқ амал қилиши учун эркин рақобатни таъминловчи жуда кўп тадбирларни амалга ошириш лозим экан.

Корхоналар фаолиятида иқтисодий эркинликнинг таъминланиши эркин рақобат муҳитини шакллантиради. Бу учун эса корхоналарда давлат буюртмаси, уни бошқаришда ва назорат қилишда давлатнинг аралашуви камроқ бўлмоғи лозим. Бу борада жуда кўп ишлар қилинмоқда. Жуда кўп тадбирларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини кафолатловчи бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Бу қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг ҳаммаси мамлакатимизда рақобат муҳитини яратишга қаратилмоқда. Ҳақиқатда эркин рақобат муҳити яратилса, бу бир қанча муҳим қонуниятларни амалга оширади ва тартибга солади. Булар жумласига товарларнинг жойланиши, нархнинг маълум меъёр даражасига келиши, унинг доимий равишда ошиб боришига барҳам бериши, талабга қараб кудудлар бўйича жойланиши, ишлаб чиқариш ва сотиш ўртасидаги мутаносибликни назорат қилиниши кабиларни киритиш мумкин.

Зеро, бозор муносабатлари шароитида ҳар бир тадбиркор рақобат майдонида фаолият кўрсатади. Рақобат майдони - у ҳалол-покиза яшаш, ғалаба қилиш учун кураш майдонидир. Бу майдонда ҳар бир тадбиркор рақибининг, яъни рақобатчининг шаънига, нуфузига тегмаган ҳолда ўзининг товари (иш, хизмати)ни харидоргир қилиб ўз иқтисодиётини тиклаб, товарининг ҳам, ўзининг ҳам рақобатбардошлигини таъминлашга эришмоғи лозим.

Иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири шу тадбиркорларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Аммо бу масала иқтисодий ва молиявий таҳлилга оид адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Бу соҳа ҳозирги замон талабидан келиб чиққан ҳолда кам тадқиқ қилинган.

Тадқиқотлар кўрсатдики, рақобатбардошликни таҳлил қилганда икки нарсага аҳамият бериш лозим. Биринчидан, тадбиркор фаолиятининг рақобатбардошлиги ва иккинчидан, унинг ишлаб чиқараётган (сотаётган) товари (иш, хизмати) рақобатбардошлигидир. Аммо иқтисодий адабиётларда бу масала алоҳида қаралмаган. Шу туфайли уларнинг мазмунига алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Тадбиркор фаолиятининг рақобатбардошлиги деганда, рақобатбардош субъектларга нисбатан фаолиятининг кенг кўламлилиги ва истиқболлилиги, харажатлардан мақсадли мувофиқ фойдаланиб, кўпроқ фойда олиш қобилиятининг кучлилиги тушунилади.

Ҳар бир тадбиркор кенг кўламда фаолият кўрсата олсагина рақобатбардош бўлади. Энг муҳими, у бошлаган фаолият бугунги кун билан чекланиб қолган бўлмаслиги керак. Албатта, келажак истиқболлини кўзда тутган, унга мўлжалланган бўлиши лозим. Масалан, тадбиркор тегирмонга эга. У ерда ун ишлаб чиқаради ва сотади. Кўлами кенгрок бўлиши учун тадбиркор, энг аввало, шу тегирмондан ишлаб чиқарадиган ундан нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйса ва шу нонни сотиш учун бир қанча ҳудудларда савдо дўконини ташкил қилса мақсадга мувофиқ бўлади. Иккинчидан эса, ун ва нон ишлаб чиқариш истиқболли соҳа. Ҳамиша истеъмол қилиниб туриладиган маҳсулотлардир. Аммо бошқа рақобатчиларига нисбатан ўз маҳсулотининг сифатини ошириш ва нархини ҳаддан зиёд кўтариб юбормаслик чораларини кўриши керак. Шундагина у рақобатбардош ва рақобат майдонида инқирозга учрамайдиган бўлади.

Иккинчи йўналиш, бу тадбиркорнинг товари (иши, хизмати) рақобатбардошлигидир. **Тадбиркор товари (иши, хизмати) рақобатбардошлиги деганда, рақобатбардош субъектлар товари (иши, хизмати) сифати ва нархга нисбатан истеъмолчига (харидорга) қулайлиги, унга кетадиган харажатнинг самарадорлиги ва шу товардан оладиган фойданинг кўплигини таъминловчи омиллар тизими тушунилади.**

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги ўтиш иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда эркин рақобат муҳити тўлиқ яратилди, деб бўлмайди. Чунки бу жараён ҳам маълум шаклланиш даврини ўтамоғи лозим.

Рақобатнинг бу хусусиятларидан кўриниб турибдики, у бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий куч сифатида намоён бўлади. Шу туфайли ҳозирги ўтиш даврида давлатнинг

асосий функцияларидан бири мамлакатимизда эркин рақобат муҳитини яратишдан иборатдир.

Эркин рақобат, энг аввало, иқтисодиётнинг қуйи бўғинида, яъни фирма, корхоналар ва корпорациялар каби хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида яратилмоғи лозим.

Бу эса, ўз навбатида, айнан иқтисодиётнинг шу қуйи бўғинида хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади. Аммо иқтисодий таҳлилнинг шу эркин рақобат шароитига мос бўлган назарий ва методологик асоси, айниқса, корхоналарнинг рақобатбардошлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган жиҳатлари кам тадқиқ қилинган.

Рақобатнинг таърифини ишлаб чиқишда қанча муаммо бўлганлиги сингари, унинг шакллари хусусида ҳам анча ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Мамлакатимизда чоп этилаётган иқтисодиётга оид кўпгина адабиётларда рақобатнинг бир қанча тури борлигини эътироф этмади.

Тадқиқотлар кўрсатадики, бозор муносабатлари шароитида рақобатнинг бир қанча шакллари мавжуд экан. Улар ҳақида хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан яратилган асарларни⁸⁹ ўрганиб шундай хулосага келдикки, Ўзбекистонда унинг ҳозирги ўтиш иқтисодиёти шароитида бир қанча шакли мавжуд.

Ҳозирги пайтда жаҳон амалиётида ва мамлакатимизда рақобатнинг қуйидаги шакллари мавжуд: такомиллашган рақобат, олигополлашган рақобат, монополлашган рақобат, такомиллашмаган рақобат, ҳалол рақобат, ғирром рақобат, хорижий рақобат, жаҳон бозори рақобати, очиқ рақобат, хаёлий рақобат, баҳоли рақобат, баҳосиз рақобат, бозор рақобати, маркетинг рақобати, шафқатсиз рақобат. Ушбу рақобатлар тушунчалари қуйидаги жадвалда келтирилган (4.1.1 – жадвал).

4.1.1 – жадвал

Эркин иқтисодиёт шароитида рақобатнинг шакллари ва уларнинг мазмуни

Рақобатнинг шакллари	Рақобатнинг мазмуни
Такомиллашган рақобат	Эркин бозорда жуда кўп субъектларнинг бир хил маҳсулотлар билан бир хил мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши
Олигополлашган	Маълум даражада чегараланган бўлиб бозордаги товарни

⁸⁹ Стоянов Е.А., Стоянова Е.С. Экспортная диагностика и аудит финансово-хозяйственного положения предприятия. - М.: НКЦ «Перспектива», 1992; Расулов М.Р. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.: Ўзбекистон, 1999; Волжик И.О., Эргашбоев В.В. Молиявий таҳлил. Т.: «Иқтисодиёт ва қўлў дунёси» нашриёт уйи, 1998; Қасанов Н., Нажбидинов С. Корхона молиявий қолатини баҳолаш: муаммолар ва уларни қалъилиш. Т.: «Иқтисодиёт ва қўлў дунёси» нашриёт уйи, 1999; Мисаков В.С. Анализ конкурентоспособности фирмы. - М.: Финансы и статистика, 1998; Савицкая Т.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск. ООО «Новое знание», 2000. ва қ.қ.

рақобат	ишлаб чиқариш ва сотишда озчиликни ташкил қиладиган бир қанча йирик корхоналарнинг иштироки
Монополлашган рақобат	Бозорда битта йирик корхонанинг бир хил товар бўйича юз фоиз ишлаб чиқариб сотишда ўз назорати ва ҳукмронлигини ўтказиши
Такомиллашмаган рақобат	Бозорда чегараланган сотувчи, чегараланган харидор ва чегараланган ахборот билан иштирок этиш
Ҳалол рақобат	Жуда куп майда сотувчи ва харидорларнинг бозорда тегишли тўлиқ ахборотларга эга бўлсада бозорнинг талабини, товар ҳажми ва нархини назорат қилиш имкони бўлмаган ҳолда иштирок этиши
Ғирром рақобат	Субъектларнинг бозорда ўрнатилган рақобатга оид тартиб ва қоидаларига амал қилмасдан, ўз манфаатини устун қўйган ҳолда, ғирромлик йўлини тутиб иштирок этиши
Хорижий рақобат	Мазкур мамлакат субъектларининг хориждан импорт қилинган товарлари таъсирида бўлиши
Жаҳон бозори рақобати	Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг энг қулай ва фойдали вариантларини ахтариш борасида бир қанча мамлакатлар ишлаб чиқарувчилари ва товар жўнатувчиларининг бир-бирига узвий боғлиқ ва таъсир этувчи иқтисодий жараёнларда иштирок этиши
Очиқ рақобат	Бир хил маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи субъектлар ўртасида уларнинг баҳоси тўғрисида ахборотларнинг очиқ бўлишини таъминлаган ҳолда фаолият кўрсатиши
Хаёлий рақобат	Харидорларнинг рақобатчилар ўртасидаги энг паст баҳоли товари (иш, хизмат)ни хаёлан харид қилишга йўналтирилган ҳаракати
Баҳоли рақобат	Рақобатчиларнинг бир хил сифатдаги товар (иш, хизмат)ларига нисбатан кам баҳода сотиш эвазига харидорларни жалб қилиш жараёни
Баҳосиз рақобат	Баҳони инобатга олмасдан маҳсулот (иш, хизмат) нинг сифатини ошириш, илғор технологияларни жорий қилиш эвазига харидорларни жалб қилиш жараёни
Бозор рақобати	Ҳар бир субъектнинг бозорда ўз мавқеини сақлаб қолиш учун ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида қиладиган ҳаракатлар жараёни
Маркетинг рақобати	Харидорларнинг талабидан келиб чиқиб, товар (иш, хизмат)лар баҳосини ўзгартириш, баҳосини ўзгартирмаган ҳолда, уларнинг сифатини яхшилашга қаратилган рақобат
Шафқатсиз рақобат	Рақобатчиларнинг бозорда шафқатсизларча ҳаракатига асосланган бўлиб, товарни (иш, хизматни) таннархидан паст баҳода сотиш, бошқа рақобатчиларни ғайри қонуний

	йўллар билан синдиришга ҳаракат қилиш, савдода махфий келишувлар орқали бошқалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш, ёлгон ахборотлар тарқатиш қабиларда намоён бўлади
--	---

Рақобатнинг турли бўлиши, унинг кўплиги ёки камлиги ҳали масалани батафсил ҳал қилди дегани эмас. Рақобат ўзининг мазмун моҳиятига кўра, яшаш учун кураш жараёнидир. Аммо бу ҳақиқатни ҳамма кам тўғри тушуниб етмадилар. Давлат мулки асосан хусусийлаштирилди ва бу жараён давом этмоқда. Бироқ, жуда кўп тадбиркорлар хусусийлаштиришни фақат мулкка эгалик қилиш, энди ўз манфаатим учун ишлайман, ўзим бойисам бўлди қабилда тушундилар. Шу туфайли жуда кўп бино ва иншоотлар хусусийлаштирилгандан кейин бузилиб, сотиб юборилди.

Хусусийлаштириш деганда гап, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, – “...ўзига теккан мулкни шамолга совурмасдан ёки шахсий бойлик орттириш манбаига айлантириб юбормасдан, балки ана шу мулкни кўпайтира биладиган, техника билан қайта жиҳозлайдиган ва замон талабларига мувофиқ такомиллаштира оладиган, унинг негизида рақобатга бардошли мақсулот чиқаришни йўлга қўя оладиган мулкдор ҳақида бораётир. Шунингдек, иш билан банд бўлмаган аҳолини иш ўринлари билан таъминлайдиган, ўзига ҳам, ишловчиларга ҳам, давлатга ҳам даромад келтирадиган ишлаб чиқаришни ташкил қила оладиган мулкдор ҳақида бораётир⁹⁰”. Бу қолатлар рақобатнинг жуда катта ижобий жиҳатларидан далолат бериб турибди. Шу билан бирга, у маълум салбий ҳолатларга ҳам олиб келиши мумкин.

Рақобатнинг ижобий жиҳати, энг аввало, истеъмолчи учун, сўнгра жамият, давлат ва корхона учун ҳам мавжуд. Бироқ, унинг салбий жиҳати ҳам бевосита истеъмолчига, аҳолига, корхона, давлат ва жамиятга дахлдордир. Буларнинг батафсил тафсилоти қуйидаги жадвалда келтирилган (4.1.2-жадвал).

4.1.2-жадвал

Рақобатнинг ижобий ва салбий томонлари

Рақобатнинг ижобий томонлари (РИТ)		Энг аввало, истеъмолчи учун: товар (иш, хизмат) ларнинг сифати ошади, баҳоси пасаяди
		Жамият учун: ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади, истеъмол бозори товарга (иш, хизматга) тўйиниб боради. Мамлакат иқтисодий салоҳиятидан мақсадга

⁹⁰ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоқотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон – 1995. – 181 б.

		мувофиқ фойдаланиш учун одилона тақсиротга эришилади
	→	Давлат учун: барқарор ва самарали иқтисодиёт давлат бюджетини ҳам барқарор равишда солиқ ва бошқа тушумлар орқали тўлириб боради
		Корхона учун: рақобатбардошликни таъминлаш учун кўрилган чора-табирлар звазига ишнинг самарадорлиги ошади

Рақобатнинг салбий томонлари (РСТ)	→	Истеъмолчига: кўп корхоналар синиб кетса товар (иш, хизмат)лар баҳоси ошади
		Аҳолига: корхоналарнинг синиши ишсизлар сонини кўпайтиради
		Корхоналарга: ишлаб чиқарилган товарининг баҳосини пасайтиришга мажбур бўлади, сотишдан келадиган тушум унинг харажатларини қопламасдан қолади
		Давлатга: солиқ тушумлари камаяди
		Жамиятга: маълум муддатда бозорда товар массаси камаяди

РИТ > РСТ = Бу ҳолат, умуман олганда, жамият учун катта манфаат (наф) келтиради.

РИТ га ҳамма интилади

РСТ га эса ҳамма мажбур бўлади

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун уни таҳлил қилиш йўллари яхши билишни, унинг ҳар бир жиҳатини яхшилаш учун эса, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишни тақозо қилади.

Бозор муносабатлари шароитида турли хил рақобат турлари мавжуд. Бир хил рақобатда иштирокчиларнинг хилма-хиллиги, нархларнинг шаклланиши, товарларнинг табақаланиши, рақобатбардошлик даражаси турлича бўлиши мумкин. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги ушбу жадвалда ўз ифодасини топган (4.1.1-жадвал).

4.1.1-жадвал

Турли хил рақобат бозорларининг тавсифи ва ундаги субъектларнинг рақобатбардошлик ҳолати

Рақобат турлари	Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи субъектлар	Нархларнинг шаклланиши ва уни назорат қилиш	Товарларнинг табақаланиши	Рақобатбардошлик даражаси
Такомиллашган рақобат	Кўп сонли фирмаларнинг иштирок этиши	Нархлар талаб ва таклиф натижасида шаклланади	Маҳсулотлар сифати ва хусусияти бўйича бир-бирига яқин	Етарли, фақат ҳаракат қилиши керак
Олигополлашган рақобат	Товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқарувчи соноқли фирмалар	Нархларнинг шаклланишида етакчи фирмаларнинг таъсири мавжуд	Сертификатланган товарлар учун бир хил ҳолатнинг таъминланиши	Яхши
Монополлашган рақобат	Бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи битта фирма	Нархлар қонунлар ва бошқа таъсирлар натижасида чекланган	Табақалан-майди	Кучли
Такомиллашмаган рақобат	Чегараланган сотувчи, харидор ва ахборотга эга субъектлар	Нархлар келишув асосида шаклланади	Чегараланган ҳолда табақаланади	Кўриладиган тадбирларига боғлиқ
Ҳалол рақобат	Жуда кўп майда сотувчи ва харидорларнинг иштироки	Нархлар талаб ва таклиф натижасида шаклланади	Маҳсулотлар сифати ва хусусияти бўйича бир-бирига яқин	Етарли, фақат ҳаракат қилиши керак
Фирром рақобат	Рақобатга оид тартиб ва қоидаларга амал қилмасдан фаолият кўрсатадиган субъектлар	Нархни ўз манфаатидан келиб чиқиб белгилайди	Товарлар бир-биридан кескин фарқ қилади	Кўриладиган тадбирларига боғлиқ, қонунлардан кўп чекланиши хатарли
Хорижий рақобат	Импорт қилинган хориж товарлари билан иштирок этувчи фирмалар	Нархлар жаҳон бозорига мос равишда маҳаллий ҳолатга мослаштириш орқали белгиланади	Товарлар маълум даражада табақалашган бўлади	Етарли, фақат ҳаракат қилиши керак
Жаҳон	Бир қанча	Нархлар жаҳон	Товарлар маълум	Етарли, фақат

бозори рақобати	мамлакат фирмаларининг иштироки	бозорига мос равишда белгиланади	даражада табақалашган бўлади	ҳаракат қилиши керак
Очиқ рақобат	Товар (иш, хизмат)лар баҳосининг бир-бирига очиқлиги	Нархлар талаб ва таклиф натижасида шаклланади	Маҳсулотлар сифати ва хусусияти бўйича бир-бирига яқин	Етарли, фақат ҳаракат қилиши керак
Хаёлий рақобат	Харидорларнинг энг паст баҳода хаёлан харид қилиш истаги	Нархни харидорлар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда хаёлан белгилайи	Товарлар маълум даражада табақалашган бўлади	Кўриладиган тадбирларига боғлиқ
Баҳоли рақобат	Товарларни кам баҳода сотиш орқали харидорларни жалб қилувчи фирмалар	Нархларни белгилашда бозордаги энг кам баҳо танлаб олинади	Товарлар маълум даражада табақалашган бўлади	Етарли, фақат ҳаракат қилиш керак
Баҳосиз рақобат	Маҳсулотларнинг сифатини ошириш эвазига харидорларни жалб эувчи фирмалар	Нархни юқори-лигича сақлаб қолган ҳолда маҳсулот сифатини оширишга қизғин ҳаракат қилади	Товарлар маълум даражада табақалашган бўлади	Кучли, гап шунга мос харидорнинг мавжудли-гида
Бозор рақобати	Бозорда ўз мавқеини сақлаб қолиш учун курашадиган фирмалар	Нархлар талаб ва таклиф натижасида шаклланади	Маҳсулотлар сифати ва хусусияти бўйича бир-бирига яқин	Етарли, фақат ҳаракат қилиши керак
Маркетинг рақобати	Харидорлар талабидан келиб чиқиб иш кўрадиган фирмалар	Нархлар талаб ва таклиф натижасида шаклланади	Маҳсулотлар сифати ва хусусияти бўйича бир-бирига яқин	Етарли, фақат ҳаракат қилиши керак
Шафқатсиз рақобат	Бозорда ғирромлик йўли билан ҳаракат қилувчи фирмалар	Нархни ўз манфаатидан келиб чиқиб белгилайди	Товарлар бир-биридан кескин фарқ қилади	Кўриладиган тадбирларига боғлиқ, лекин хатарли

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектлар рақобат майдонида фаолият кўрсатади. Рақобат майдони - у ҳалол-покиза яшаш, ғалаба қилиш учун кураш майдонидир. Бу майдонда ҳар бир тадбиркор рақибининг, яъни рақобатчининг шаънига, нуфузига тегмаган ҳолда ўзининг товари (иш,

хизмати)ни харидоргир қилиб ўз иқтисодиётини тиклаб товарининг ҳам, ўзининг ҳам рақобатбардошлигини таъминлашга эришмоғи лозим

Бу эса ўз навбатида, рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Аммо ушбу масала иқтисодий адабиётларда ҳамон ўз ечимини топган эмас. Бу муаммонинг ҳал қилиниши бўйича турли қарашлар мавжуд. Биз ушбу масала бўйича турли олимларнинг фикрига тўхталмасдан ўз қарашларимизни баён қилмоқчимиз.

4.2. Корхона рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари (М.Қ.Пардаев)

Иқтисодий таҳлилнинг муҳим босқичларидан бири ҳар бир категорияни ўрганиш учун уни кўрсаткичларда ифодалашдир. Бизнинг фикримизча, корхона рақобатбардошлигини ифодалаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни мақсага мувофиқ, деб ўйлаймиз:

1. Корхона маҳсулотининг бозордаги бир хил маҳсулотлардаги улуши (Кмбу)
2. Бозордаги энг кучли рақобатчи корхона маҳсулотининг улушига (ЭКму) нисбатан шу корхона маҳсулоти улуши (Кму)
3. Рақобатдаги маҳсулотни сотиш ҳажмининг ўсиш суръати (Рмўс)
4. Корхона маҳсулоти баҳосининг бозордаги шундай маҳсулот баҳосига нисбатан коэффицентдаги миқдори (Кбаҳ)
5. Корхона маҳсулотининг сертификатланганлик даражаси (Ксер)
6. Корхонада маҳсулотини реклама қилишдан олинган фойданинг реклама харажатларига нисбати (Крек)
7. Корхонанинг рақобатбардош товарларининг рентабеллик даражаси (Ррб)
8. Корхонада умумий рентабеллик даражаси (Р)
9. Корхона балансининг жорий ликвидлик даражаси (Лж)
10. Корхона маҳсулоти рақобатбардошлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич (Мрук).

Ушбу кўрсаткичларнинг номи, аниқланиш йўллари, мазмуни ушбу жадвалда келтирилган (4.2.1-жадвал).

Таҳлил жараёнида ушбу кўрсаткичларнинг фарқи, ўтган йилларга нисбатан ўзгариши, динамикаси каби мутлақ ва нисбий миқдорлари аниқланади, ҳар бирининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ҳисобланади.

4.2.1-жадвал

Корхонанинг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари

Т/р	Кўрсаткичларнинг Номи	Кўрсаткичлар-ни ҳисоблаш йўллари	Изоҳ
1.	Корхона маҳсулотининг бозордаги бир хил маҳсулотлардаги улуши (Кмбу)	$K_{МБУ} = \frac{K_M}{B_{ЖМ}}$	<i>Км – корхона маҳсулоти; Бжм – бозордаги шу маҳсулотнинг жами ҳажми</i>
2.	Бозордаги энг кучли рақобатчи корхона маҳсулотининг улушига (ЭКму) нисбатан шу корхона маҳсулоти улуши (Кму)	$K_{МУ} = \frac{K_{МБУ}}{ЭК_{МУ}}$	
3.	Рақобатдаги маҳсулотни сотиш ҳажмининг ўсиш суръати (Рмўс)	$P_{МЎС} = \frac{P_{М.Х}}{P_{М.АЙ}}$	<i>Рм.х – рақобатдаги сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий миқдори; Рм.ай – шу маҳсулотнинг асос йилидаги миқдори</i>
4.	Корхона маҳсулоти баҳосининг бозордаги шундай маҳсулот баҳосига нисбатан коэффицентдаги миқдори (Кбах)	$K_{БАХ} = \frac{K_{МБ}}{B_{ШМБ}}$	<i>Кмб – корхона маҳсулотининг баҳоси; Бшмб – бозордаги шундай маҳсулотлар баҳоси</i>
5.	Корхона маҳсулотининг сертификатланганлик даражаси (Ксер)	$K_{СЕР} = \frac{C_M}{Ж_M}$	<i>См – сертификатланган маҳсулотлар; Жм – жами маҳсулотлар</i>
6.	Корхонада маҳсулотини реклама қилишдан олинган фойданинг реклама харажатларига нисбати (Крек)	$K_{РЕК} = \frac{P_{ЕКФ}}{P_{ЕКХ}}$	<i>Рекф – реклама қилинган товарлар бўйича олинган фойда; Рекх – шу товарни реклама қилиш учун кетган харажатлар</i>
7.	Корхонанинг рақобатбардош товарларининг рентабеллик даражаси (Ррб)	$P_{РБ} = \frac{P_{ТФ}}{P_T}$	<i>Ртф – рақобатдаги товарлардан олинган фойда; Рт – рақобатдаги товарларнинг умумий ҳажми</i>

8.	Корхонада умумий рентабеллик даражаси (Р)	$P = \frac{C_{\phi}}{Q}$	<i>Сф – соф фойда; Q – сотилган маҳсулот ҳажми</i>
9.	Корхона балансининг жорий ликвидлик даражаси (Лж)	$Л_{ж} = \frac{Ж_A}{Ж_M}$	<i>Жа – Жорий активлар; Жм – Жорий мажбуриятлар</i>
10	Корхона маҳсулоти рақобатбардошлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич (Мрук)	$M_{рук} = \frac{M_{тй}}{M_{ий}}$	<i>Мтй – маҳсулотнинг техник йўналиши бўйича умумлашган кўрсаткичи; Мий – маҳсулотнинг иқтисодий йўналиши бўйича умумлашган кўрсаткичи;</i>

4.3. Корхонанинг рақобатбардошлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари

Корхонанинг рақобатбардошлигига бир қанча омиллар таъсир қилади. Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Корхонанинг рақобатда иштирок этаётган маҳсулотининг яроқлилик ва кафолат муддати давомида кўрсатиладиган хизматлар даражаси.
2. Маҳсулотни турли воситалар билан реклама қилиш даражаси ва унинг самарадорлиги.
3. Корхонанинг сервис хизматини ташкил қилиш даражаси ва унинг самарадорлиги.
4. Корхонанинг фирма ва товар белгиларининг нуфузи.
5. Корхона товарининг қадоқланган, ўралган қисмининг улуши ва уларнинг ўралмасдан сотиладиган товарларга нисбатан самарадорлиги.
6. Корхона маҳсулоти баҳосининг бозордаги талаб ва таклифга қараб ўйнатиб (ўзгартириб) турилиши.
7. Харидорни кўп харид қилишга қизиқтириш воситаларини ишга солиш санъати.
8. Маҳаллий, ҳудудий, мамлакат ва халқаро бозорда маркетинг хизматининг йўлга қўйилганлиги.
9. Умумий маҳсулот ҳажмида хорижга экспорт қилинадиган маҳсулотлар улушининг ортиб бориши (бу бозорнинг кенглигидан далолат беради) ва ҳ.к.

Таҳлил жараёнида уларнинг ҳар бирининг таъсири ҳисобланади ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қиладилар. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, рақобатбардошлик қақида қали тадқиқотлар етарли

даражада олиб борилган эмас. Шу боисдан бизнинг тавсияларимиз олимлар ва мутахассислар учун мунозара манбаи бўлиши мумкин. Шу жикатдан, Сиз, қар бир ўқувчини мунозарага чорлаб қоламиз.

4.4. Рақобат бозорининг тавсифи ва ундаги субъектларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш муаммолари*

Бозор муносабатларининг шаклланиши бир қанча олдин дуч келмаган жараёнларни вужудга келтиради ва келтирмоқда. Булар жумласига рақобат муҳити, рақобатбардошлик, банкротлик, иқтисодий ночорлик, корхонанинг синиши каби тушунчаларни киритиш мумкин. Улардан бири корхоналарнинг рақобатбардошлигидир.

Бу жараён, ўз навбатида, иқтисодий эркинлик билан бирга эркин рақобат муҳитини ҳам яратишни тақозо қилади. Эркин иқтисодиёт йўқ жойда эркин рақобат, эркин рақобат йўқ жойда эса эркин иқтисодиёт бўлмайди. Шу туфайли бу жараёни амалга ошириш учун комплекс тадбирларни ишга солишни тақозо қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир янги жараёни амалиётга жорий қилиш учун олдин унинг назарияси ишлаб чиқилиши лозим. Аммо Ўзбекистонда рақобат муҳитини яратиш, эркин рақобат шароитида ҳар бир хўжалик субъектининг табиати қандай бўлиши хусусида ўзимизга хос назарий концепция яратилган эмас. Биз эркин рақобатни бозор муносабатлари тараққий этган мамлакатларда қандай бўлса шундай тушунмоқдамиз. Бироқ, Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлига, ўзига хос менталитетига, кадриятига, урф-одатларига эгаки, булар эркин рақобатни ҳам ўзига хос бўлишини тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, эркин рақобатнинг Ўзбекистонга хос назарий асосини яратиш заруриятини туғдиради.

Корхоналар фаолиятида иқтисодий эркинликнинг таъминланиши эркин рақобат муҳитини шакллантиради. Бу учун эса корхоналарда давлат буюртмаси, уни бошқаришда ва назорат қилишда давлатнинг аралашуви камроқ бўлмоғи лозим. Бу борада жуда кўп ишлар қилинмоқда. Жуда кўп тадбирларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг эркинлигини кафолатловчи бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Бу қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг ҳаммаси мамалкатимизда рақобат муҳитини яратишга қаратилмоқда. Ҳақиқатда эркин рақобат муҳити яратилса, бу бир қанча муҳим қонуниятларни амалга оширади ва тартибга солади. Булар жумласига товарларнинг жойланиши, нархнинг маълум меъёр даражасига келиши, унинг доимий равишда ошиб боришига барҳам бериши, талабга қараб ҳудудлар бўйича жойланиши, ишлаб

чиқариш ва сотиш ўртасидаги мутаносибликни назорат қилиши кабиларни киритиш мумкин.

Рақобатбардошлик корхонанинг қандай рақобат муҳитида фаолият кўрсатаётганлигига боғлиқ. Бу ҳолат ўзимизга хос рақобат муҳитини шакллантирмоқда. Бу ўзига хослик, албатта, ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Шу туфайли мазкур масалани тадқиқ қилишда шу ўзига хосликни инобатга олиш лозим деб ўйлаймиз.

Рақобатбардошликни таҳлил қилиш, иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлган бошқарув таҳлилида амалга оширилади. Эркин рақобат ҳукм суриб турган бозор муносабатлари шароитида тадбиркорларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- * рақобатбардошликни таъминловчи йўналишларни аниқлаш ва уларни баҳолаш учун тегишли тадқиқ олиб бориш;

- * рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни баҳоловчи рақамлар ва ахборотлар билан таъминлаш;

- * рақобатбардошликни таъминловчи ижобий ва салбий омилларни аниқлаш ва ижобийларини такомиллаштириш, салбийларини бартараф қилиш йўллариини ишлаб чиқиш;

- * барча кўрсаткичлар ва омиллар тизимини ўзида ифода этадиган ягона (комплекс) кўрсаткични аниқлаш ва у орқали мазкур кўрсаткичнинг қатор даврлар мобайнида ўзгариш тенденциясига баҳо бериш;

- * барча ахборотларни жамлаб тадбиркорнинг ва у ишлаб чиқариб сотаётган товари (иш, хизмати) рақобатбардошлигини таъминловчи чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва ниҳоят, уни яхшилаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Бошқарув таҳлилнинг навбатдаги вазифаси рақобатбардошликни ифодаловчи ҳар бир кўрсаткичнинг ўзгаришини аниқлаш ва шу ўзгаришларга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишдан иборатдир.

Бошқарув таҳлилининг ўзига хос хусусияти шундаки, у корхона раҳбари, эгасига, уларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда хизмат қилади. Талабгорга нима зарур бўлса ўша жараёнини ўрганиш ва тегишли хулоса чиқариб бошқарув қарорларини қабул қилишдек кенг қамровли иқтисодий ишни бажаришда бошқарув таҳлилидан фойдаланилади. Бир сўз билан айтганда, бошқарув таҳлили бошқарувчининг бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим дастаклардан биридир.

**** Ушбу параграфни ёзишда И.Р.Пардаев иштирок этди.***

4.5. Товарларни сотишда баҳо сиёсати ва рақобатбардошлик ҳолатининг таҳлили

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши билан бирга эркин рақобатнинг вужудга келиши ва бозорни тартибга солиб берувчи унсур сифатида амал қилиши муқаррар. Аммо иқтисодий адабиётларда бу масала етарли даражада ёритилган эмас. Айниқса, тадбиркорнинг баҳо сиёсати ва товарининг рақобатбардошлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш масаласи умуман қараб чиқилмаган. Шу туфайли ушбу масалага алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунинг яна бир жиҳати шундаки, бозор тизимида унинг унсурлари тўлиқ ишлашга тушгач тадбиркор ўзининг рақобатбардошлигини таъминламаса унинг синиши, инқирозга учраши табиий.

Рақобатбардошлигини билиш учун эса уни баҳолаш, таҳлил қилиш йўллари билиши лозим.

Рақобатбардошликни аниқлашдан олдин тадбиркорнинг товар бозоридаги баҳо сиёсатига алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

Аммо тадбиркорнинг баҳо сиёсати тўғрисидаги тушунча ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли бу борада ўз фикримизни баён этиш билан чекланамиз.

Баҳо сиёсати деганда, тадбиркорнинг қисқа ва узоқ муддатли барча мақсад ва манфаатларини ўзида ифода этадиган, бозор табиатига мос келадиган, унинг яшовчанлиги ва рақобатбардошлигини таъминлайдиган, харажатларини қоплаб маълум даражада фойда олишга эриштирадиган имкон қадар бозорни эгаллайдиган баҳо миқдорини белгилаши тушунилади.

Кўриниб турибдики, баҳо сиёсати тадбиркорни тадбиркор қиладиган, унинг бозорни эгаллашида асосий дастак бўладиган, яшовчанлигини таъминлайдиган, рақобатбардошлигини оширадиган муҳим жараён экан.

Баҳо ўзининг бир қанча хусусиятлари билан бозор муносабатлари қонуниятларини тартибга солади ва унинг қонуниятларига бўйсунди. Бу қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, баҳо тадбиркорнинг режада кўзда тутилган фойдасини таъминлашга хизмат қилади. Агар у режада кўзда тутилган миқдорда бўлса режадаги фойдани таъминлайди. Агар ошиб кетса, мос равишда бир хил иш ҳажми билан кўп фойда олиши мумкин ва аксинча, камайиб кетса режадаги маҳсулотни ишлаб чиқариб сотган билан кўзда тутилган миқдордан кам фойда олишга эришилади.

Иккинчидан, бир хил товарлар бир хил сифатда бўлиб баҳоси паст бўлса унга талабни кўпайтириб юборади, натижада фақат баҳо олиши натижасида унинг рақобатбардошлиги ошади.

Учинчидан, баҳонинг ўзгариши бевосита талаб ва таклифнинг мувозанатига ҳам боғлиқ бўлади. Агар товарнинг баҳоси ҳаддан ташқари зиёд бўлса, унга қанча талаб ва эҳтиёж бўлишидан қатъий назар ўз вақтида сотилмаслиги мумкин. Бу ҳолат мазкур товарнинг сунъий ортиқчалигини вужудга келтиради. Бу ҳолат эса баҳо олиши натижасида тадбиркорга ҳам, жамиятга ҳам анча зарари тегади.

Тўртинчидан, баҳо аҳоли фаровонлигининг, унинг реал даромадининг ошиши учун имкон яратади. Агар маҳсулотнинг нархи аҳоли даромади билан мувофиқ келса, аҳоли қанча кўп даромад қилса товар шунча кўп сотилади ва аксинча. Шу туфайли аҳоли даромади даражаси билан баҳонинг миқдори бир-бирига тўғри келиши лозим. Кўп ҳолларда аҳоли даромадининг асосий қисми бўлган иш ҳақи 20 фоиз оширилади. Баҳонинг ошиши ҳам шунга мос бўлса уларнинг бир-бирига мувофиқ келганлигидан далолатдир. Агар даромад 20 фоиз ошиб баҳо 30 фоиз ошса аҳолининг номинал даромади ошади, аммо реал даромади камаяди ва аксинча.

Бешинчидан, давлат бюджетига тўланадиган солиқ ва бошқа мажбурият тўловларнинг асосида ҳам баҳо ётади. Шу туфайли баҳонинг ошиши бевосита солиқнинг кўпайишига олиб келади ва аксинча. Аммо ҳамма давлат ҳам, жумладан Ўзбекистон ҳам баҳонинг ошиши эвазига солиқнинг кўпайишига манфаатдор эмас. Чунки кучли ижтимоий сиёсат олиб бораётган мамлакатнинг бойиш йўли ўсиш эвазига амалга оширилмайди.


Олтинчидан, баҳо бевосита олинган кредитларни ва товар учун тўланиши лозим бўлган қарзларни қоплаш имконини ҳам беради. Булар пулда ифодаланганлиги туфайли тадбиркор учун маҳсулот ҳажмидан кўра баҳонинг миқдори муҳим бўлиб ҳисобланади.

Шу ҳолатлардан ҳам кўриниб турибдики, тадбиркорнинг баҳо сиёсати фақат унинг манфаатинигина ифодалаб қолмасдан аҳолининг ҳам, давлатнинг ҳам, бозорнинг ҳам манфаатларини ўзида мужассам этади. Шунинг учун тадбиркорнинг баҳо сиёсати бозор муносабатлари шароитида катта эътиборга лойиқ соҳадир.

Тадбиркор бозор тизимида ўзининг рақобатбардошлигини таъминлаши учун қуйидаги унсурларни кўпайтириб туришдан манфаатдор. Буларга:

1. Иш ҳажми яъни маҳсулот ишлаб чиқаришни, иш бажаришни ва хизмат кўрсатишни кўпайтириш.
2. Агар имкони бўлса баҳони ошириш.
3. Ишлаб чиқараётган товар (иш, хизмат) сифатини ошириш.

Булар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин (4.5.1-чизма).



4.5.1-Чизма. Тадбиркорнинг рақобатбардошлигини таъминловчи омилларнинг бир-бири билан боғлиқлиги

Тадбиркорнинг рақобатбардошлигини таъминлашда асосий унсурлар билан бирга (товар ҳажми, сифати) баҳо муҳим ўрин тутди. Аммо шуни эътироф этиш керакки, товар (иш, хизмат)нинг ҳажми ҳам, унинг сифати ҳам тадбиркорга бевосита боғлиқ. Аммо баҳо ҳамиша унинг хокиш-иродасига ёки саъй-ҳаракатларига боғлиқ эмас. Уни бозорнинг қонунлари тартибга солади.

Шунинг учун тадбиркор ўзининг баҳо сиёсатини шакллантиришда унинг ўзгаришини кузатиб боришда бир қанча омилларга аҳамият бериши лозим. Буларга қуйидагилар киради:

1. Баҳонинг миқдори тадбиркор харажатини қоплайдиган ва маълум даражада унга фойда келтирадиган бўлиши лозим.
2. Баҳонинг миқдори харидорни қочирмайдиган бўлиши керак, яъни рақобатчиларининг маҳсулотига нисбатан унинг баҳоси озгина бўлсада камроқ белгилангани маъқул.
3. Ушбу товар баҳоси давлатнинг нархлаштириш сиёсатига зид бўлмаслиги, яъни тадбиркор фойдаси маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришни кўпайтириш ўрнига, фақат баҳони ошириш эвазига амалга ошмаслиги лозим. Шу туфайли маҳсулот таннархига кўшиладиган максимал фойда миқдори билан ҳисобланганда товар баҳосининг миқдори меъёрдан ошиб кетмаслиги лозим.
4. Мазкур товарга (иш, хизматга) бозор тўйинган бўлиб, унинг баҳоси пасайиш тенденциясига эга бўлганда баҳонинг пасайиши таннархдан пастга тушиб кетадиган бўлса мазкур товарни (иш, хизматни) ишлаб чиқаришни тўхтатиб бошқа бозоргир товарни (иш, хизматни) ишлаб чиқаришга ўтиш, яъни фаолиятни зудлик билан ўзгартириш лозим.
5. Товарни харидор қанча кўп оладиган бўлса шунга мос равишда унинг баҳосини пасайтириб бориш амалиётини қўллаш лозим. Бу харидорни баҳо сиёсати билан рағбатлантириш эвазига ўзига жалб қилади ва уларнинг сонини муттасил ошириб боради. Бу усул ҳам жаҳон амалиётида синалган усул. Аммо бизда ҳали кенг қўламда

қўлланилмаяпти. Бу усул билан харидорни жалб қилишга кенг кўламда ўтилган эмас.

Баҳо сиёсати иқтисодий сиёсат тизимида ўта нозик сиёсат. Шу туфайли бозорни ўрганишда, талаб ва таклиф мувозанатини тузишда бу масалага алоҳида аҳамият бериш лозим. Шунингдек, тадбиркор ва унинг маркетинглари рақобатчи тадбиркорлар товарининг баҳосини, уларда қўлланилаётган баҳо сиёсатини яхши ўрганиб боришлари лозим. Бу ҳолат мазкур тадбиркорнинг рақобатбардошлигини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадбиркор баҳо сиёсатини белгилашда фақат рақобатчилари томонидан ишлаб чиқиладиган товарининг баҳоси билангина қизиқиб қолиши, уларнинг баҳо сиёсатини ўрганиши етарли эмас. У шу ҳудуддаги ва бошқа ҳудудлардаги бозорлардаги қолатни ҳам ўрганиш лозим. Агар бир маҳсулот бир бозорда бир хил баҳода сотилса, иккинчисидан ундан юқори бўлиши мумкин. Агар шу бозорга товарни олиб бориб сотиш ташиш харажатларини қоплайдиган бўлиб, кўпроқ фойда олишни таъминлайдиган бўлса ўша бозорни ҳам эгаллашга ҳаракат қилиш лозим.

Тадбиркор қанча кўп бозорни эгалласа, у шунча ўзининг яшовчанлигини ва рақобатбардошлигини таъминлаб боради. Бу учун тадбиркорда тегишли маълумотлар бўлишини тақозо қилади. Масалан Самарқанд вилоятидаги бозорларда айрим маҳсулотларнинг нархини мисол қилиб олиш мумкин (4.5.1.-жадвал).

4.5.1.-Жадвал

Самарқанд вилоятининг турли бозорларида тадбиркорлар томонидан етиштирилган товарларнинг 2007 йил апрел ойи ҳолатидаги ўртача баҳоси

Товарларнинг номи	Бозорларнинг номи				
	Сиёб бозори	Мармар бозори	Дамариқ бозори	Темирйўл бозори	Каттакўрғон бозори
1. Гўшт	4000	4300	4200	4050	3900
2. Картошка	400	500	450	450	380
3. Карам	300	350	350	325	300
4. Гуруч ва ҳ.к.	1000	1200	1100	1000	900

Жадвалдан кўришиб турибдики, танлаб олинган маҳсулотлар бўйича, энг қиммат бозор Самарқанд шаҳрида жойлашган “Мармар” бозори экан. Самарқанд шаҳридаги энг арзон бозор шу маҳсулотлар бўйича, «Сиёб» бозори эканлигини кўрамиз. Самарқанд шаҳридан ташқари бозорларимиздан анча орзончилик. Хусусан, Самарқанднинг барча бозорларига нисбатан Каттакўрғон бозорида барча маҳсулотлар арзон.

Тадбиркорлар билан гаплашганда шулар аниқ бўлдики, маҳсулот арзон бўлсада тадбиркорлар кўпроқ Сиёб бозорида савдо қилишни афзал

кўрадилар, чунки мазкур бозорда харидорлар жуда кўп ва кўм маҳсулотни сотишга муваффақ бўладилар.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши босқичма-босқич амалга ошмоқда. Иқтисодийни бошқаришда маъмурий буйруқбозлик тизими аста-секинлик билан эркин иқтисодиётга ўз ўрнини бېғатириб бериши лозим. Бу йўналишнинг стратегик концепцияси ва қонуний асослари ишлаб чиқилди. Аммо амалиётда у кўзда тутилганидек тез ва соз амалга ошаётгани йўқ. Эскилик билан янгилик, эски услуб билан янги услуб ўртасида кескин кураш жараёни давом этмоқда ва сақланиб қолмоқда. Иқтисодийни бошқаришда, кўп ҳолларда, маъмурий-буйруқбозликнинг салмоғи ортиб кетмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бозор муносабатларининг шаклланишига тўсқинлик қилмоқда.

Бозор муносабатлари, албатта, иқтисодийнинг эркин, бозор тамойиллари асосида бошқарилишига асосланган. Бу эса, ҳар бир кишини меҳнат қилишга, қилинган меҳнатидан катта рағбат олишга ва бу йўл билан ўзининг ҳаётини сон ва сифат жиҳатидан яхшилашга қаратилган мақсад ва интилишларга асосланган. Бозор муносабатларининг пировард мақсади ким кўп меҳнат қилса у шунча манфаатдор бўлишга қаратилган. Лекин меҳнат ҳам, ундан манфаатдорлик ҳам эркинликка асосланган. Кўриниб турибдики, бозор муносабатлари том маънодаги эркинликни талаб қилар экан.

Бироқ, бозор муносабатларига асосланган иқтисодий шу даражада мураккаб иқтисодийки, унинг табиатидан келиб чиқадиган жуда кўп муаммо ва зиддиятлар мавжуд. Бу зиддиятлар субъекти сифатида тадбиркор, яъни мулк эгаси, ёлланма меҳнат соҳиб, давлат ва унинг турли институтларини олиш мумкин. Уларнинг ҳар бири учун ўзига хос манфаатлари бор. Бозор муносабатлари ана шу манфаатларнинг мувофиқлигини таъминлаши лозим.

Манфаатлар мувофиқлиги таъминланмас экан, барқарор иқтисодий ўсишга эришиб бўлмайди. Бунга фақат эркин иқтисодий шароитида қонун устуворлигини таъминлаш орқалигина эришилади. Агар иқтисодийни бошқаришда маъмурий-буйруқбозликнинг салмоғи кўп бўлса, табиатни, бундай шароитда давлатнинг манфаати устун қўйилади. Агар қонундан четлашларга йўл қўйилиб, унинг устуворлиги таъминланмаса, кўп ҳолларда мулк эгасининг манфаати устун қўйилади. Умуман назорат сусайтирилган, тартиб бўлмаган жойда ёлланма меҳнат соҳиб ўз манфаати учун ишлай бошлайди. Барча ҳолларда иқтисодий тараққиётга кўзланган даражада эришиб бўлмайди. Шу туфайли бу манфаатларнинг бир-бирига мувофиқ келишини таъминлаш лозим.

Бу ҳолатга соф бозор муносабатига асосланган иқтисодийда ҳам ёки қаттиқ режага асосланган маъмурий буйруқбозликка таянган иқтисодийда ҳам эришиб бўлмайди. Шу жиҳатдан соф бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодий бўлмаганидек, соф маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодий ҳам бўлмайди. Ҳамиша иқтисодийни бошқаришда

уларнинг аралаш эканлигини кўрамиз. Айниқса, бу ҳолат, совет тизимидан бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтаётган мамлакатларда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам бўлиши табиий.

Аралаш иқтисодиёт шароитида асосий эътибор инфляцияни пасайтириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва шулар орқали иқтисодий барқарорликка эришишга қаратилган бўлади. Бу жараёнларда, албатта, давлатнинг роли бекиёс. Аммо давлат иқтисодиётининг қуйи бўғинида, айниқса кўп мулкчиликка асосланган фирмаларга, шахсий тадбиркорларга эркинликни босқичма-босқич мунтазам равишда бериб бориши, уларга бозор кўникмаларини сингдиришга шароит яратиб туриши лозим. Шундагина кўзда тутилган иқтисодий барқарорликка, мунтазам иқтисодий ўсишга эришилиб борилади.

Бу жараён ўз навбатида иқтисодий эркинлик билан бирга эркин рақобат муҳитини ҳам яратишни тақозо қилади. Эркин иқтисодиёт йўқ жойда эркин рақобат, эркин рақобат йўқ жойда эса эркин иқтисодиёт бўлмайди. Шу туфайли бу жараённи амалга ошириш комплекс тадбирларни ишга солишни тақозо қилади.

Иқтисодий таҳлилнинг, ҳозирги мураккаб вазиятда асосий вазифаси, турли усулларни қўллаб корхоналарни банкротликдан, барвақт синишдан сақлаб қолишни таъминлаш ва уларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш учун тегишли йўл-йўриқ кўрсатишдан иборатдир.

Иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири тадбиркор товари (иши, хизмати)нинг истеъмолчига (харидорга) қулайлигини аниқлаш ва баҳолаш йўллари ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборатдир. Бу эса бир қанча йўналишларда амалга оширилади. Буларга техник йўналиш, иқтисодий, эргономик, эстетик, меъёрий йўналишларни киритиш мумкин.

Товар (иш, хизмат)нинг харидорга қулайлигини аниқлашда қўлланиладиган **техник йўналишга** унинг техник хусусияти, қўлланилиш соҳаси, яроқлилик ва кафолат муддатлари, сифати каби истеъмол қийматини оширувчи омиллар киради.

Товарнинг **иқтисодий қулайлиги**, унинг баҳоси, маълум муддатда ёки ишлатиш давомида бепул таъмирлаб бериши ёки кафолат муддатида бепул эҳтиёт қисмларни алмаштириб бериши, ишлатиш давомида (кафолат муддатида кейин ҳам) унга сервис хизматини кўрсатиш тартиби, харидорнинг иқтисодий имконияти, мазкур товарнинг унга нархи ва сифати жиҳатидан мос келиши, ушбу товарнинг харидорлар ижтимоий қатламига, касбий йўналишига мос келиши каби омилларни ўз ичига олади.

Товар (иш, хизмат)нинг харидорга қулайлигининг **эргономик йўналишига** унинг одам организмига мослиги, саломатлигига хавфсизлиги, таркибида табиий ва сунъий тола (материаллар)нинг улуши каби омилларни киритиш мумкин.

Харидорга (истеъмолчига) товарнинг **эстетик йўналиши** ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буларга унинг ташқи кўриниши, безакларнинг бежиримлиги, ўлчамининг мослиги, дид билан безатилганлиги каби омилларни киритса бўлади.

Ҳозирги пайтда истеъмолчилар ҳуқуқидан келиб чиқиб ҳар қандай товарнинг меъёрий ҳужжатларга, стандартларга (андозаларга) тўғри келишини таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Бу бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида» каби бир қанча қарорлари қабул қилинди ва уларда товарнинг манбаси қаердан чиқишлигидан (четникими, ўзимизда ишлаб чиқарилганми) қатъий назар, давлат тилида сертификатнинг бўлиши кўзда тутилган.

Товар (иш, хизмат)нинг ушбу йўналишлари тўғрисидаги маълумот статистик ва бухгалтерия ҳисоби ёки ҳисоботларида ўз аксини топган эмас. Шу туфайли бу кўрсаткич ва омилларни тадбиркорлик субъектида фаолият кўрсатувчи маркетинг ва менежерлар махсус ўрганиш, кузатувлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини бошқарув ҳисоби ва ҳисоботида қайд қилиб бориш тартибини йўлга қўйиш лозим. Тадбиркорнинг рақобатбардошлиги, бу асосий ҳолат ёки тадбир билан таъминланмайди. У жуда кўп сабб-ҳаракатларни, тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

Кўриниб турибдики, товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш катта тадбирлар мажмуасини талаб қилар экан. Бу эса бошқарув таҳлили олдига ўта муҳим ва янги вазифаларни юклайди.

Иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлган бошқарув таҳлили эркин рақобат ҳукм суриб турган бозор муносабатлари шароитида тадбиркорларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириши лозим:

- * рақобатбардошликни таъминловчи йўналишларни аниқлаш ва уларни баҳолаш учун тегишли тадқиқ олиб бориш;
- * рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни баҳоловчи рақамлар ва ахборотлар билан таъминлаш;
- * рақобатбардошликни таъминловчи ижобий ва салбий омилларни аниқлаш ва ижобийларини такомиллаштириш, салбийларини бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқиш;
- * барча кўрсаткичлар ва омиллар тизимини ўзида ифода этадиган ягона (комплекс) кўрсаткични аниқлаш ва у орқали мазкур кўрсаткичнинг қатор даврлар мобайнида ўзгариш тенденциясига баҳо бериш;
- * барча ахборотларни жамлаб тадбиркорнинг ва у ишлаб чиқариб сотаётган товари (иш, хизмати) рақобатбардошлигини таъминловчи чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва ниҳоят, уни яхшилаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб бошқарув таҳлилининг аниқ вазифасини белгилаб олиш мумкин. Бунга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Истеъмолчилар, яъни харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш. Бунда харидорларнинг пул даромади, касбий йўналиши, миллий таркиби, мавсумнинг ўзгариши каби бир қанча йўналишлар кўриб чиқилади ва булар бўйича аниқ маълумотлар тўпланади.
2. Бозорнинг ҳолатини ўрганиш. Унинг хизмат қилиш салоҳиятини, аҳолининг жалб қилинганлиги ва айнан тадбиркорнинг товарига ўхшаш товарларнинг рақобатчилари томонидан қандай сотилаётганлиги, уларнинг сифати, нархи ўрганилади.
3. Тадбиркор рақобатчилари тўғрисида тўлиқ маълумотлар йиғилади ва уларни мазкур тадбиркор фаолиятидаги рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар билан солиштирилади, товар (иш, хизмат)нинг жозибаси, сифати ва нархи инобатга олиниб шу соҳа бўйича тегишли тўхтамга келинади.
4. Ушбу 1-3 бандлардаги тўпланган ахборотлар асосида тадбиркор ўзи ишлаб чиқараётган товарининг, бажараётган ишининг ва кўрсатаётган хизматининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқади. Бу чора-тадбирларда юқорида таъкидланган истеъмолчига (харидорга) қулай бўлишнинг йўналишларини такомиллаштириш бўйича иш олиб боради. Бунда:
 - 4.1. Товар (иш, хизмат)нинг техник йўналиши бўйича барча омиллар ўрганилиб, уларнинг такомиллашиш чораларини кўради.
 - 4.2. Товар (иш, хизмат)нинг иқтисодий йўналишида асосий эътибор кам харажат эвазига юқори фойда олишни, унинг сифатини бузмаган, жозибасини оширган ҳолда эришишга қаратилган бўлади.
 - 4.3. Товар (иш, хизмат)нинг эргономик йўналишида одамларнинг саломатлигига салбий таъсир қилмайдиган, улардан фойдаланишнинг қулайлиги, хавфсизлиги каби ҳолатларни таъминлайдиган жиҳатларига катта аҳамият берилади.
 - 4.4. Товар (иш, хизмат)нинг эстетик йўналиши ҳам унинг рақобатбардошлигини таъминловчи муҳим омил эканлигини инобатга олиб рақобатчилар товари (иш, хизмати)га нисбатан жозибали қилиб кўрсатишга ҳаракат қилинади. Агар лозим топилса уни реклама қилишнинг ҳам самарали йўллари ва усуллари ҳам ахтариб топилиш мақсадга мувофиқ.
 - 4.5. Барча талабларни ўзида мужассам этадиган товарнинг меъёрларга, сертификатга тўғри келиши, айниқса, унинг давлат тилида ҳар бир товарда ифода этилиши муҳим аҳамиятга эга. Товар қулайликларининг

ҳамма жиҳатларини кўрсата оладиган ёзувни илова қилиш ҳам ушбу товарнинг рақобатбардошлигини таъмин этишга хизмат қилади.

5. Ҳар бир товар ва товар гуруҳларининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг солиштириладиган рақамлардаги мутлоқ (нисбий) миқдори аниқланади.

6. Тадбиркор товари ва фаолияти рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларни бошқа рақобатчилар кўрсаткичлари билан солиштирилади ва уни мустаҳкамлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Рақобатчилар кўрсаткичлари билан солиштирган пайтда фақат уларникига нисбатан яхши бўлишига эътиборни қаратиш билан чегараланиб бўлмайди, балки харидор (истеъмолчи) талабига мос келишига катта аҳамият берилади. Товари (иш, хизматни) ишлаб чиқариш ва сотишдан пировард мақсад бу истеъмолчига қулай, маъқул бўлишни таъминлаш. Демак, шундай экан, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун, энг аввало, ана шу истеъмолчи талабини инобатга олиш лозим. Бу эса ҳар бир тадбиркор фаолиятида маркетинг тадқиқотини ўтказишни, турли усул ва йўллар билан харидор талабини чуқур ўрганишни тақозо қилади.

Табиийки, бу жараён маълум даражада қўшимча харажатларни талаб қилади. Бизнинг фикримизча, бозор муносабатлари шароитида харажат қилишдан чўчимаслик лозим. Энг муҳими, шу қилинадиган харажатларнинг мақсадга мувофиқлигини ва самарадорлигини таъминлашга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Зеро, кўпгина муваффақиятларга ўз-ўзидан эришиб қолмайди. Бу, ўз навбатида, маълум даражада харажат қилишни талаб қилади. Лекин қилинган харажатлар тадбиркорга бир неча бор кўп фойда билан қайтсагина унинг самарадорлиги таъминланади. Ҳар бир тадбиркор ана шу ҳолатга эришмоғи лозим.

Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири, тадбиркор фаолияти ва товарининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар миқдорини аниқлашдан иборатдир.

Ўзбекистонда тадбиркорликка ва унинг рақобатбардошлигига бағишланган жуда кўп асарлар⁹¹ чоп этилди ва этилмоқда. Аммо уларда рақобатбардошликни баҳоловчи, таҳлил қилиб тегишли хулоса чиқариш учун асос бўладиган миқдорий кўрсаткичлар деярли тадқиқ қилинмаган. Бироқ, бу борада жаҳон тажрибаси мавжуд. Кўпгина хорижий адабиётларда⁹² тегишли тавсиялар келтирилган.

⁹¹ Буломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Ўлов лўлланма. Т.: Шаръ, 2002.; Абдуллаев Ё.А., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. Т.: Мекнат, 2000.; Хўжаев Э., Юсупова Р., Ражабов Э. ва бошлалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. Самарланд, 1997.; Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар лўфати. Т.: Ўомуслар бош тақририяти. 1993, Мухаммедов М. ва бошлалар. Тадбиркорлик ильтисодиётининг асослари. Самарланд, 1998 ва к.к.

⁹² Савицкая Т.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск. ООО «Новое знание», 2000. - 435-439 бетлар.

Жумладан, Г.В.Савицкая⁹³ тадбиркор товарининг рақобатбардошлигини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия қилади:

1. Ҳар бир йўналишни баҳоловчи алоҳида кўрсаткич. Буни аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинган:

$$q = \frac{P}{P_{100}} \times 100$$

Бунда: q - товар рақобатбардошлигини белгиловчи ҳар бир йўналишни баҳоловчи алоҳида кўрсаткич;

P - ҳар бир йўналиш бўйича мазкур товарга тегишли кўрсаткич;

P_{100} - истеъмолчи (харидор) эҳтиёжсини тўла (100 %) қондириши учун ҳар бир йўналиш бўйича белгиланган меъёр.

2. Алоҳида бир-бирига боғлиқ йўналишлар бўйича гуруҳнинг жамланган кўрсаткичи (G). Бу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинган.

$$G = \sum a_i \times q_i$$

Бунда: q_i - бир гуруҳга кирувчи i - кўрсаткичнинг миқдори;

a_i - ҳар бир i -кўрсаткичнинг салмоқлилик коэффициентини.

3. Умумлаштирилган кўрсаткич (J). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун товарнинг техник йўналиши бўйича аниқланган гуруҳ кўрсаткичнинг миқдорини (G_m) иқтисодий йўналиш бўйича гуруҳ кўрсаткичлар миқдorigа ($G_{ик}$) бўлиш йўли билан аниқлаш тавсия қилинган:

$$J = G_m / G_{ик}$$

Агар $J < 1$ бўлса таҳлил қилинаётган товарнинг рақобатбардошлиги унинг намунасига нисбатан паст эканлигидан, агар $J > 1$ бўлса мазкур товар анча рақобатбардош эканлигидан далолат беради.

Таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири ушбу кўрсаткичларни амалий маълумотларни қўллаган ҳолда аниқлашдан иборат. Бу эса ўз навбатида, ҳар бир йўналиш бўйича тегишли ахборотларни тўплашни, уларни рақамлар билан ифодалашни тақозо қилади. Бу эса бошқарув таҳлилида қўшимча ахборотларни олиш, унинг қўшимча ҳисобини юритишни тақозо қилади.

⁹³ Ўша жойда. 437 бет.

5-бoб. ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ФОЙДА ВА РЕНТАБЕЛЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

5.1. Хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида фойдани ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари

Корхонанинг соф фойдаси унинг молиявий-хўжалик фаолияти умумий натижасининг охириги босқичида намоён бўладиган иқтисодий категориядир. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори жуда кўп кўрсаткичлар ўзгариши натижасида шаклланади. Шу жиҳатдан ҳам унинг шаклланиши ўта мураккаб жараён ва босқичлар натижасида содир бўлади. Бу эса унинг иқтисодий табиатига ҳам таъсир қилади.

Корхонанинг фойдаси иқтисодий категория сифатида ишлаб чиқариш ва товар-пул муносабатларини ўзида акс эттиради. Чунки у маҳсулотни ишлаб чиқаришда яратилса, унинг мавжудлиги сотилгандан кейин намоён бўлади. Маҳсулот сотилмаса, фойда ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. У сотилиб корхонага тушган пул қилинган харажатларни қоплаб ортиқча пул ҳосил қилсагина, фойдага эришган ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятининг фойдаси деганда, унинг ўз маҳсулотини (иши, хизматини) сотиш натижасида бевосита ўз ихтиёрига қолган соф даромаднинг бир қисми тушунилади.

Корхона фойдасини назарий жиҳатдан ўрганиш ва уни амалий жиҳатдан таҳлил қилиш жараёнида мазкур кўрсаткичнинг функцияларини ҳам қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхона фойдаси бир қанча функцияларни бажаради. Уларнинг асосийлари қуйидагилар: баҳолаш функцияси, тақсимлаш функцияси, назорат функцияси, рағбатлантириш функциялари.

Бу функцияларнинг айримлари режали иқтисодиёт шароитида ҳам мавжуд эди. Аммо бозор муносабатлари шароитида уларнинг мазмуни тубдан ўзгарди. Аммо уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталишга ҳолат йўқ деб ўйлаймиз.

Шуни эътироф этиш керакки, хорижий адабиётларда фойданинг миқдорий кўрсаткичларини аниқлашда бизнинг ёндошувга ва

мамлакатимиз амалиётига тўғри келади, яъни сотиш қийматида ишлаб чиқариш харажатларини айириш орқали фойда суммаси аниқланади.

Аммо фойданинг сифат кўрсаткичларини аниқлашда ёндошувлар тубдан фарқ қилади. Хорижий адабиётларда⁹⁴ фойда:

- * капиталдан фоиз тарзида келадиган барча даромад;
- * акциядан келадиган фойда;
- * ишлаб чиқариш натижасида олинган барча даромадлар, яъни фоиз, иш хақи, бошқариш учун тўловлар каби харажатлар ҳам киритилади;
- * инвестициядан келадиган ялпи фойда;
- * тадбиркорлик субъектларининг таваккалчилиги учун тўланадиган маблағ;
- * янгиликни жорий қилиш эвазига олинган даромад каби йўналишларда талқин қилинади.

Албатта, ушбу тушунчаларда ҳам маълум даражада иқтисодий мазмун мавжуд. Лекин бизнинг фикримизча, барча олинган тушум ҳам фойда эмас. У бизнинг адабиётларда даромад тушунчаси билан юритилади. Шу даромадга эришиш учун қилинган харажатлар чегириб ташлангандан кейингина фойда ҳосил бўлади.

Фикримизча, бизнинг назарий қарашларимиз ва амалиётимиз ҳақиқатга анча яқин ва уни иқтисодий категория сифатида ҳақиқий мазмунини ифода этади.

Кўриниб турибдики, фойда категорияси иқтисодий категория сифатида бозор муносабатлари ва ўзимизнинг мустақил тараққиёт йўлимизга мос тарзда илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилишни, асослаш ва тегишли илмий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фойда категорияси мазмун ва моҳияти жиҳатидан тубдан ўзгарди. Бу ўзгаришлар қуйидаги ҳолатларда намоён бўлмоқда.

1. Фойда олдин фақат давлат, меҳнат жамоаси манфаатини ифода этган бўлса, ҳозирда, энг аввало, тадбиркор, мулкдор, инвестор, акциядорлар, меҳнат жамоаси, ишлаб чиқаришда (иш бажаришда, хизмат кўрсатишда) иштирок этаётган ходимлар ва ниҳоят, давлат манфаатини ўзида ифода этади. Чунки мулк олдин фақат давлатники бўлган бўлса, эндиликда кўпмулкчиликка асосланган иқтисодиёт вужудга келди.

2. Олдин фойда фақат моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилиши инобатга олинган бўлса, эндиликда у ишлаб чиқариш билан бирга тижорат, хизмат кўрсатиш, иш бажариш, молиявий фаолият соҳаларида ҳам яратилмоқда.

3. Олдин фойданинг шаклланиши ялпи даромаддан (сотилган маҳсулот ҳажмида барча харажатларни (таннархни)) айириш йўли билан

⁹⁴ Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности. Теория, практика и интерпретация. М.: Финансы и статистика. 1996 – 518-574 бетлар.

шаклланган бўлса, ҳозир фаолият турига қараб, унинг ҳам шакли кўпайди: умумхўжалик фойдаси, асосий фаолият фойдаси, молиявий фаолият фойдаси, тасодифий фойда ва ҳ.к.

Корхонанинг фойдаси маҳсулотни ишлаб чиқаришда яратилса, унинг мавжудлиги сотилгандан кейин намоён бўлади. Маҳсулот сотилмаса, фойда ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шу туфайли фойда жуда кўп омиллар эвазига шаклланади ва ўзгаради.

Бозор муносабатлари шароитида бу омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Сотилган маҳсулот, таннарх ва баҳонинг ўзгариши.
2. Фойданинг номинал қийматини ўзгартирадиган инфляция даражаси.
3. Корхона соф даромадининг корхона ва давлат ўртасидаги тақсимланиш нисбати.
4. Меҳнат унумдорлиги.
5. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми, ассортименти ва таркибий тузилишининг ўзгариши.
6. Асосий ва айланма маблағларнинг самарадорлиги ва айланиш тезлиги кабилар.

Ушбу омиллар таъсирини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш ва ўрганиш лозим, чунки ушбу ички омилларни ишга солиш, ортиқча маблағ талаб қилмаган ҳолда, кўп самарага эришишни таъминлайди.

Мазкур омиллар гуруҳидан бирига тўхталамиз. Буларга:

- сотилган маҳсулотнинг натурал миқдори (Q_c);
- баҳонинг ўзгариши (B);
- таннархнинг ўзгариши (T_n) киради.

Ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Phi = Q_c \times (B - T_n);$$

Мазкур омилларнинг таъсирини занжирли алмаштириш усулини қўллаб ечиш мумкин.

1. Фойда суммасининг ўзгаришига сотилган маҳсулот ҳажмининг таъсирини ($\Delta\Phi_{Q_c}$) аниқлаш учун фойданинг сотилган маҳсулот ҳажми билан қайта ҳисобланган миқдоридан [$\Phi_{\text{кх}1} = Q_c^x \times (B^p - T_n^p)$] унинг режадаги миқдори (Φ^p) айрилади:

$$\Delta\Phi_{Q_c} = [Q_c^x \times (B^p - T_n^p)] - \Phi^p;$$

2. Фойда суммаси ўзгаришининг баҳо таъсирида ўзгарганлигини ($\Delta\Phi_B$) аниқлаш учун фойданинг баҳо ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдоридан [$\Phi_{\text{кх}2} = Q_c^x \times (B^x - T_n^p)$] фойданинг биринчи қайта ҳисобланган миқдори ($\Phi_{\text{кх},1}$) айрилади:

$$\Delta\Phi_B = [Q_c^x \times (B^x - T_n^p)] - [Q_c^x \times (B^p - T_n^p)] ;$$

3. Фойда суммаси ўзгаришининг таннарх эвазига ўзгарганлигини ($\Delta\Phi_{\text{тн}}$) аниқлаш учун фойданинг ҳақиқий миқдоридан (Φ^x) унинг 2-нчи қайта ҳисобланган миқдори $[Q_c^x \times (B^x - T_n^p)]$ айрилади:

$$\Delta\Phi_{\text{тн}} = \Phi^x - [Q_c^x \times (B^x - T_n^p)];$$

Барча омиллар таъсири фойда ўзгаришининг умумий ҳажмига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta\Phi = \Delta\Phi_{Q_c} \pm \Delta\Phi_B \pm \Delta\Phi_{\text{тн}}.$$

Ушбу назарий тавсиянинг амалиётда қўлланилишини аниқ мисоллар орқали кўриб чиқиш мумкин (5.1.1-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Турон» кўптармоқли МЧЖда барча маҳсулотни ишлаб чиқариш 36,8 минг шартли банкага ошириб бажарилган. Аммо бу кўрсаткич ўрик шарбати бўйича 246,8 минг шартли банкага, помидор шарбати бўйича 20,7 минг шартли банкага, сабзи шарбати бўйича 16,9 минг шартли банкага кам бажарилган. Аммо ушбу маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш, ҳеч бўлмаганда, режа даражасида бажарилганда эди, умумий маҳсулот ҳажми яна 284,4 минг шартли банкага (246,8+20,7+16,9) кўпайган бўлар эди. Албатта, бу омил эвазига фойда суммаси яна ошган бўлар эди. Эътиборлиси шундаки, ушбу корхонада таҳлил қилинган даврда ҳамма маҳсулотнинг баҳоси ошган. Аммо уларнинг таннархи ҳам барча маҳсулотлар бўйича ўсган. Ушбу омиллар албатта фойданинг умумий суммасига таъсир этмасдан қолмайди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, барча маҳсулот бўйича ўртача фойда суммаси ошган. Лекин фойданинг умумий суммасига қайси омиллар қай даражада таъсир қилишини ушбу жадвал орқали аниқлаш қийин. Шу туфайли фойда суммасининг ўзгаришига сотилган маҳсулот ҳажми, уларнинг баҳоси ва таннархи қай даражада таъсир қилганлигини аниқлаш лозим. Бу учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (5.1.2-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фойданинг умумий суммаси 232,6 минг сўмга ошган. Бунда деярли барча маҳсулотлар бўйича фойда олишга эришилган. Аммо ўрик шарбати бўйича фойда ўрнига 45,6 минг сўм зарар қилган. Агар шу маҳсулот бўйича зарар кўрмасдан режа даражасидаги фойдага эришилганда эди, умумий фойда суммаси 1930,6 минг сўм эмас, балки 1976,2 минг сўмни (1930,6+45,6) ташкил қилган бўлар эди. У ҳолда фойданинг режага нисбатан фарқи 232,6 минг сўм эмас, балки 278,2 минг сўмни (1976,2-1698,0) ташкил қилган бўлар эди.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, мазкур корхонада фойдани кўпайтириш имкониятлари фақат шулар билангина чекланиб қолмайди. Бизнинг ҳисоб-китоблар кўрсатадики, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳамма тури бўйича бажарилишига қарамасдан, айрим маҳсулотларнинг фойда суммасига салбий таъсирини кўрамыз. Масалан, сотилган маҳсулот эвазига ўрик шарбати бўйича фойда 93,8 минг сўмга, помидор шарбати бўйича 6,1 минг сўмга, сабзи шарбати бўйича 8,8 минг сўмга режага

нисбатан кам бўлган. Агар шу маҳсулотлар бўйича фойда режа даражасида бўлганда эди, фойда суммаси яна 108,7 минг сўмга ($93,8+6,1+8,8$) ошган бўлар эди. Аммо бизнинг ҳисоб-китобларда унинг ҳақиқий миқдори 10,4 минг сўмни ташкил қилди:

$$1708,4-1698,0=+10,4 \text{ минг сўм.}$$

5.1.1 - Жадвал

«Турон» КМЧЖда 2006 йил фойда суммасини алоҳида маҳсулот турлари бўйича ҳисоб-китоби

Маҳсулот турлари	Сотилган маҳсулот ҳажми, шартли банкада			1 шартли банка маҳсулотнинг ўртача баҳоси, сўм			1 шартли банка маҳсулот таннархи, сўм			1 шартли банка маҳсулотдан ўртача фойда			Ҳақиқатдаги баҳодан режадаги танархнинг фарқи
	режа-да	ҳақи-катда	фарқи (+,-)	режа-да	ҳақи-катда	фарқи (+,-)	режа-да	ҳақи-катда	фарқи (+,-)	режа-да	ҳақи-катда	фарқи (+,-)	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14 (6-8)
1. Олма шарбати	6640	6711	+7,1	356	372	+16	318	413	+95	38	41	+3	-54
2. Ўрик шарбати	7818	5350	-246,8	741	788	+47	703	835	+132	38	47	+9	-85
3. Узум шарбати	4411	6205	+179,4	652	693	+41	622	727	+105	30	34	+4	-71
4. Помидор шарбати	5119	4912	-20,7	231	262	+31	202	295	+93	29	33	+4	-60
5. Гилос шарбати	6641	7881	+124,0	852	905	+53	811	950	+139	41	45	+4	-94
6. Сабзи шарбати	7717	7548	-16,9	456	561	+105	404	619	+215	52	58	+6	-157
7. Беҳи шарбати	5311	5418	+10,7	584	641	+57	546	685	+139	38	44	+6	-95
Жами:	43657	44025	+36,8	х	х	х	х	х	х	х	х	х	Х

Манба: «Турон» КМЧЖнинг 2006 йилги бухгалтерия, статистик ва бошқарув ҳисоб ва ҳисоботлари асосида ҳисоб-китоб қилинди.

5.1.2. - Жадвал

«Турон» КМЧЖда 2006 йил фойда суммасининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни алоҳида маҳсулот турлари бўйича аниқлаш ҳисоб-китоби

(минг сўм)

Маҳсулот турлари	Сотилган маҳсулотдан олинган фойда суммаси, минг сўм		Фойданинг ҳақиқий сотилган маҳсулот ҳажми, режадаги баҳо ва таннархдаги суммаси	Фойданинг ҳақиқий сотилган маҳсулот ҳажми ҳақиқатдаги баҳо ва режадаги таннархдаги суммаси	Фойда суммасининг фарқи (+,-)			
	режада	ҳақиқатда			Жами	Шу жамладан		
						Сотилган маҳсулот эвазига	Баҳо ўзгариши эвазига	Таннарх ўзгариши эвазига
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1. Олма шарбати	244,7	275,2	255,0	362,4	+30,5	+10,3	+107,4	-87,2
2. Ўрик шарбати	297,1	251,5	203,3	454,8	-45,6	-93,8	+251,5	-203,3
3. Узум шарбати	132,3	211,0	186,2	440,6	+78,7	+53,9	+254,4	-229,6
4. Помидор шарбати	148,5	162,1	142,4	294,7	+13,6	-6,1	+152,3	-132,6
5. Гилос шарбати	272,3	354,6	323,1	740,8	+82,3	+50,8	+417,7	-386,2
6. Сабзи шарбати	401,3	437,8	392,5	1185,0	+36,5	-8,8	+792,5	-747,2
7. Беҳи шарбати	201,8	238,4	205,9	514,7	+36,6	+4,1	+308,8	-276,3
Жами:	1698,0	1930,6	1708,4	3993,0	+232,6	+10,4	+2284,6	-2062,4

Манба: «Турон» КМЧЖнинг 2006 йилги бухгалтерия, статистик ва бошқарув ҳисоб ва ҳисоботлари асосида ҳисоб-китоб қилинди.

Шуни инобатга олиш лозимки, ҳисобот йилида барча маҳсулотларнинг баҳоси ошган. Бу омил эвазига фойданинг умумий суммаси 2284,6 минг сўмга ошган:

$$3993,0 - 1708,4 = +2284,6 \text{ минг сўм}$$

Бироқ, ҳисобот йилида барча маҳсулотларнинг таннархи ошиб кетди. Бу омил эвазига корхонанинг фойдаси 2062,4 минг сўмга камайди:

$$1930,6 - 3993,0 = -2062,4 \text{ минг сўм.}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига – тенг:

$$10,4 + 2284,6 - 2062,4 = +232,6 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу таҳлил усули шуни кўрсатмоқдаки, агар фойдани маҳсулотнинг умумий ҳажми бўйича ҳисоблаганимизда эди, уни кўпайтириш имконияти фақат таннархни камайитиришда деб хулоса қилиш мумкин эди. Аммо маҳсулотнинг ассортименти бўйича таҳлил қилиб, ҳар бир маҳсулот тури бўйича фойда ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ва уларни кўпайтиришнинг ички имкониятларини ҳам топишга муяссар бўлинди.

Мазкур ҳисоб-китоб кўрсатмоқдаки, ушбу корхонада фойдани кўпайтиришнинг қуйидаги аниқ резервлари (имкониятлари) мавжуд экан:

- ўрик шарбати ҳажмини ошириш – 93,8 минг сўм;
- ўрик шарбати таннархни пасайтириш – 203,3 минг сўм;
- помидор шарбати ҳажмини ошириш – 6,1 минг сўм;
- помидор шарбати таннархни пасайтириш – 132,6 минг сўм;
- сабзи шарбати ҳажмини ошириш – 8,8 минг сўм;
- сабзи шарбати таннархни пасайтириш – 747,2 минг сўм;
- олма шарбати таннархни пасайтириш – 87,2 минг сўм;
- узум шарбати таннархни пасайтириш – 229,6 минг сўм;
- гилос шарбати таннархни пасайтириш – 386,2 минг сўм;
- беҳи шарбати таннархни пасайтириш – 276,3 минг сўм.

Фойдани кўпайтиришнинг шу аниқланган барча имконияти ишга солинганда эди, мазкур кўрсаткич яна 2171,1 минг сўмга ошган бўлар эди.
 $93,8 + 203,3 + 6,1 + 132,6 + 8,8 + 747,2 + 87,2 + 229,6 + 386,2 + 276,3 = 2171,1$ минг сўм

Бу ҳолда фойданинг ҳақиқатдаги умумий суммаси 1930,6 минг сўм эмас, балки 4101,7 минг сўмни ($1930,6 + 2171,1$) ташкил қилган бўлар эди. Кўриниб турибдики, мазкур корхонада фойдани кўпайтиришнинг жуда катта имконияти бор экан. Корхона раҳбари, яъни тадбиркор келажақда асосий эътиборни маҳсулотнинг таннархни камайитиришга қаратиши лозим экан. Шуни эътироф этиш керакки, бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектлари молиявий аҳволини яхшилаш учун нафақат фойдани, балки рентабеллик кўрсаткичини ҳам изчил таҳлил қилишни тақозо қилади.

5.2. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида рентабеллик кўрсаткичлари таҳлилини такомиллаштириш

Бозор муносабатлари шароитида рентабеллик кўрсаткичи тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг молиявий натижаларини ифодалаш учун энг муҳим кўрсаткичлардан бирига айланди. Зеро, бу кўрсаткичнинг яхшиланиши меҳнат жамоасининг, мулк эгасининг ва давлат манфаатларига мос келади. Чунки, мазкур кўрсаткич қанча баланд бўлса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг самарадорлиги ўшанча юқори эканлигидан далолат беради. Фойда қанча кўп бўлса, мулкнинг миқдори ҳам шунга мос равишда кўпайиши ҳам табиий. Шу корхонада ишлайдиган ходимларнинг манфаати шунда ифодаланадики, корхона фойдаси қанча кўп бўлса ишнинг натижасига асосан меҳнатни рағбатлантириш ҳам ўшанча кўп бўлиши мумкин. Давлатнинг манфаатига мос келиши шунда ифодаланадики, корхонанинг фойда ва рентабеллиги қанча кўп бўлса, унга тўланадиган солиқ миқдори ҳам шунга мос равишда кўп бўлади.

Шу туфайли бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолияти рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш, уни таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқиш ўта муҳим муаммолардан биридир. Аммо бу борадаги муаммолар таҳлилга оид иқтисодий адабиётларда⁹⁵ ҳамон етарлича ёритилмаган.

Натижада рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳақида ҳозиргача турли фикрлар мавжуд бўлиб қолмоқда. Хусусан, «Маҳсулот (иш, хизмат) таннархига киритиладиган маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариши ва сотиш билан боғлиқ харажатлар таркиби ва молиявий натижаларини шакллантириши тўғрисида»ги низомнинг шарҳида рентабелликни ифодалаш учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия қилади: барча активлар рентабеллиги, хусусий капиталнинг рентабеллиги, сотилган маҳсулот рентабеллиги, битта акциянинг рентабеллиги.

Тадбиркорлик субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятини баҳолашда ушбу кўрсаткичлар албатта жуда муҳим аҳамиятга эга. Аммо фойданинг вужудга келиши ва рентабелликнинг шаклланишида ҳисса қўшадиган барча омиллар ушбу кўрсаткичлар тизимида ўз аксини топмаган. Масалан, корхона фаолиятида, хусусан фойда ва рентабеллик кўрсаткичларнинг шаклланишида

⁹⁵ Абдукаримов И.Т. ва бошлалар. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Т.: Ўзбекистон, 1989. Курс экономического анализа. Под ред. М.И.Баканова, А.Д.Шеремета. М.: Финансы и статистика, 1984. Барингольц С.Б. Экономический анализ деятельности предприятий и объединений. М.: Финансы, 1975. Кравченко Л.И. Анализ хозяйственной деятельности в торговле. Мн.: Высшая школа, 1995. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Мн.: ООО «Новое знание», 2000. Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Т.: Молия, 2000. Абдуллаев Ё., Иброқимов А., Рақимов М. Иқтисодий таҳлил. Т.: Мекнат, 2001. Шеремет А.Д. Комплексный экономический анализ деятельности предприятия (вопросы методологии). М.: Экономика, 1974. Пардаев М.Ў., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. I-II-қисмлар. Т.: «Иқтисодиёт ва култур дунёси» нашриёт уйи, 2002. ва ғ.к.

корхонадаги меҳнат салоҳиятининг роли катта. Аммо бу кўрсаткич номи зикр этилган шарҳда эътибордан четда қолган. Шу билан боғлиқ бўлган яна бир қанча кўрсаткичларни, яъни корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳияти кабилар ҳам ушбу тавсияда ўз ифодасини топмаган.

Умуман олганда, хорижий адабиётларда ҳам рентабеллик кўрсаткичига катта эътибор берилади. Жумладан, Британия банк иши институти тавсиясида ⁹⁶ рентабелликни ифодаловчи асосий кўрсаткич сифатида фойдалилик коэффициентини ⁹⁷ тавсия қилади. Бундан ташқари ёрдамчи кўрсаткичлар сифатида асосий капитал рентабеллиги, акция рентабеллиги каби кўрсаткичларни ҳам киритади. Аммо бунда рентабеллик кўрсаткичига бир томонлама, яъни молиявий натижалар нуқтаи назаридан ёндошилган холос. Бизнинг фикримизча, иқтисодий кўрсаткичларга корхонанинг бутун иқтисодиёти нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ана шу талабдан келиб чиқиб, рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқадиган бўлсак, унинг таркибига қуйидаги кўрсаткичлар гуруҳларини киритиш мумкин. Рентабелликнинг умумий кўрсаткичи, яъни маҳсулот рентабеллиги; активлар рентабеллиги; иқтисодий салоҳият рентабеллиги; молиявий салоҳият рентабеллиги кабилар.

Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар ўз навбатида яна кичик гуруҳларга бўлинади. Жумладан иқтисодий салоҳият рентабеллиги яна асосий воситалар (капитал) рентабеллигига; айланма маблағлар (капитал) рентабеллигига; номоддий активлар рентабеллиги ва меҳнат салоҳияти рентабеллиги каби кўрсаткичларга бўлинади. Буларнинг таснифини қуйидаги чизмада ифодалаш мумкин (5.2.1.-чизма).

Бозор муносабатлари шароитида рентабеллик кўрсаткичларига янгидан замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда ёндошиш лозим. Режали иқтисодиёт шароитида рентабеллик асосан давлат манфаатини, режанинг бажарилиш даражасини ифода этган бўлса, эндиликда эса ушбу кўрсаткич, таъкидланганидек, нафақат давлатнинг, балки мулкдор, меҳнат жамоаси кабиларнинг ҳам манфаатларини ўзида ифода этмоғи лозим. Бу эса ушбу кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Ушбу кўрсаткичлар тизими қуйидаги жадвалда ифода этилган (5.2.1.-жадвал).

⁹⁶ Основы бухгалтерского учета. Пер. с англ. – М.: 1995. – 199-210 бетлар.

⁹⁷ Основы бухгалтерского учета. Пер. с англ. – М.: 1995, 199-210 бетлар.



5.2.1-Чизма. Корхоналарда рентабеллик кўрсаткичлар тизимининг таснифи

5.2.1. – Жадвал

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

Кўрсаткичнинг номи	Аниқланиш усуллари	Кўрсаткичларнинг мазмуни
1. Маҳсулот рентабеллиги	Фойда ----- x 100 Сотилган маҳсулот	100 сўм сотилган маҳсулотга тўғри келадиган фойда миқдорини.
2. Активлар рентабеллиги	Фойда ----- x 100 Барча активлар	100 сўм активларга тўғри келадиган фойда миқдорини
3. Иқтисодий салоҳият рентабеллиги	Фойда ----- x 100 Иқтисодий салоҳият ўртача қиймати	100 сўм иқтисодий салоҳиятга тўғри келадиган фойда миқдорини
3.1. Асосий воситалар рентабеллиги	Фойда ----- x 100 Асосий воситалар ўртача қиймати	100 сўм асосий воситаларга тўғри келадиган фойда миқдорини

3.2. Айланма маблағлар рентабеллиги	Фойда ----- х 100 Айланма маблағлар ўртача қиймати	100 сўм айланма маблағларга тўғри келадиган фойда миқдори
3.3. Номоддий активлар рентабеллиги	Фойда ----- х 100 Номоддий активлар ўртача қиймати	100 сўм номоддий активларга тўғри келадиган фойда миқдори
3.4. Меҳнат салоҳияти рентабеллиги	Фойда ----- х 100 Меҳнат салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичнинг ўртача қиймати	100 сўм меҳнат салоҳияти қийматига тўғри келадиган фойда миқдори
4. Молиявий салоҳият рентабеллиги	Фойда ----- х 100 Молиявий салоҳиятнинг ўртача қиймати	100 сўм молиявий салоҳиятга тўғри келадиган фойда миқдори
4.1. Хусусий капитал рентабеллиги	Фойда ----- х 100 Хусусий маблағларнинг ўртача қиймати	100 сўм хусусий маблағларга тўғри келадиган фойда миқдори
4.2. Четдан талаб қилинган маблағлар рентабеллиги	Фойда ----- х 100 Четдан талаб қилинган маблағларнинг ўртача қиймати	100 сўм четдан талаб қилинган маблағларга тўғри келадиган фойда миқдори

Келтирилган кўрсаткичларнинг ҳар бири маълум мазмунга эга. Аммо мазкур ишда уларни батафсил тавсифлашга ҳолат йўқ деб ўйлаймиз.

Маҳсулот рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичини бизнес тили билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг фойдалилиги деб ҳам айтиш мумкин. Агар фойдалилик даражасини юздан айириб ташланса, қолган қисми корхонанинг маҳсулотни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш учун қилган барча харажатининг миқдори ифодалайди. Масалан, Оқдарё туманидаги «Турон» кўптармоқли масъулияти чекланган жамиятида рентабеллик даражаси 7,5 % ни ташкил қилади, деб фараз қиламиз. Бу дегани 100 сўм ишлаб чиқариб сотилган маҳсулотнинг 7,5 сўми фойда, қолган 92,5 сўми шу товарни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотишга кетган корхонанинг харажати ва бюджетга тўловлар миқдори бўлиб ҳисобланади. Бу маҳсулот ҳажмига нисбатан 92,5 % демакдир. Бизнинг кузатишларимиз ҳозирги пайтда ўз тараққиётини ва давлат бюджети ҳамда акциядорлар олдидаги мажбуриятларини бажариши

учун рентабеллик даражаси камида 10-12 фоизни ташкил қилиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Маҳсулот рентабеллиги даражасининг баландлиги тадбиркорлик субъектлари фаолиятига боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, харажатлар бир хилда сақланиб қолганда мавжуд маҳсулотлар нархининг ошиши рентабеллик даражасини сунъий равишда ошириб юборади. Таҳлил қилганда бу омилларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Рентабеллик даражасига маҳсулот нархининг ошганлигини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta P_{\text{ти}} = \left(\frac{\Phi_1 + \Phi_n}{M_1 + M_n} \cdot 100 \right) - \left(\frac{\Phi_1}{M_1} \cdot 100 \right);$$

Бунда: Φ_1 – ҳисобот даврида эришилган ҳақиқий фойда суммаси;

Φ_n – товарнинг нархи ошганлиги эвазига олинган фойда суммаси;

M_1 – маҳсулотнинг ҳақиқий қиймати;

M_n – маҳсулот ҳажмининг нархи ошганлиги эвазига кўпайган суммаси.

Рентабелликни таҳлил қилишда фақат шу қайд этилган кўрсаткичлар тизимини ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, уларга боғлиқ бўлган кўрсаткичларни ҳам таҳлил қилиш лозим, чунки бу кўрсаткич, биринчидан, бир қанча омилларга боғлиқ бўлса, иккинчидан, унинг ошиши ҳам бир қанча кўрсаткичларни оширадиган омилларга киради.

Рентабеллик таҳлили иқтисодий адабиётларда кенг ёритилганлигига қарамасдан унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар етарлича ёритилган эмас. Шу туфайли рентабелликнинг омилли таҳлиliga алоҳида аҳамият беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Тадбиркорлик субъектларида ҳам маҳсулот рентабеллиги (P_m) қуйидаги анъанавий формула орқали аниқланади:

$$P_m = \frac{\Phi_c}{M} \cdot 100;$$

Бунда: Φ_c – соф фойда суммаси;

M – маҳсулот ҳажми.

Ушбу кўрсаткичга бир қанча омиллар таъсир қилади. Уларни иқтисодий мазмуни бўйича қуйидаги гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Меҳнат ресурслари билан боғлиқ омиллар.
2. Асосий воситалар билан боғлиқ омиллар.
3. Айланма маблағлар билан боғлиқ омиллар.
4. Номоддий активлар билан боғлиқ омиллар.

Ушбу омилларнинг таъсирини умумлашган тарзда яхлит аниқлаш усулини, уларнинг сотилган маҳсулотга таъсири мисолида кўриб чиқдик. Бу усулнинг мазмун-моҳияти мазкур ишнинг 2.3-бобида батафсил ёритилган. Худди шу усулни рентабеллик ўзгаришига ҳам қўллаш мумкин.

Аммо мазкур бобда ҳали кам ўрганилган, рентабеллик кўрсаткичи ўзгаришига таъсир қилувчи меҳнат ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ омилларга атрофлича тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Маълумки, рентабеллик кўрсаткичларига меҳнат ресурслари билан боғлиқ омиллар таъсирининг ҳисоб-китоби бўйича анча тавсиялар мавжуд⁹⁸. Аммо консерва заводлари мавсумий тарзда ишлайди. Бу омилнинг таъсири жуда катта. Лекин бу омил ҳали адабиётларда тўлиқ ўрганилмаган. Шу рентабеллик кўрсаткичига мазкур гуруҳ омиллар таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$P_m = \frac{\Phi_c}{M} = \frac{\Phi_c}{I_{км}} \cdot \frac{I_{км}}{I_{ку}} \cdot \frac{I_{ку}}{M} \cdot \frac{M}{X_{см}} \cdot \frac{X_{см}}{C_m} \cdot \frac{C_m}{M},$$

Бунда: P_m – маҳсулот рентабеллиги;

Φ_c – соф фойда;

M – ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

$I_{км}$ – Корхонанинг мавсум давомида ишлаган иш кун;

$I_{ку}$ – бир йил давомидаги умумий иш кун;

$X_{см}$ – корхонанинг мавсум пайтида банд бўлган ходимлар сони;

C_m – сотилган маҳсулот ҳажми.

Ушбу формулани ихчамлаштириб натижани катта «А» билан, омилларни кичик «а» билан белгиласак бу қуйидаги шаклга эга бўлади:

$$A = a_1 \cdot a_2 \cdot a_3 \cdot a_4 \cdot a_5 \cdot a_6 = \prod_{i=1}^6 a_i$$

Бунда: a_1 – соф фойданинг мавсум давомида бир иш кунига тўғри келиши;

a_2 – мавсумий иш кунининг умумий иш кунигаги улуши;

a_3 – умумий иш кунининг минг сўм маҳсулотга тўғри келиши;

a_4 – мавсумий ходимларнинг меҳнат унумдорлиги;

a_5 – бир млн. сўм сотилган маҳсулотга мавсумий ходимларнинг тўғри келиши;

a_6 – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши;

P – кўпайтириш белгиси;

i – омилларнинг тартиб сони ($i = \overline{1, n}$)

n – омилларнинг умумий сони;

a_i – i омилнинг миқдори.

Ушбу назарий тавсиянинг амалиётда қўлланилиши мумкинлигини исботлаш учун ушбу жадвални тузишни тавсия қиламиз (5.2.2-жадвал).

⁹⁸ Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск: ООО «Новое знание», 2000. - 460-467 бетлар; Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. М.: Финансы и статистика, 1994. - 60-75 бетлар; Абдукаримов И.Т. ва бошлалар. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Т.: Ўлитувчи, 1989. - 32-53 бетлар; Пардаев М.Ў. Ильтисодий тақлил назарияси. Самарланд: Зарафшон, 2001. - 87-126 бетлар; Пардаев М.Ў., Исроилов Б.И. Ильтисодий тақлил. I-ъисм. Тошкент: «Ильтисодиёт ва қуль дунёси» нашриёт уйи, 2001. - 31-72 бетлар; Пардаев М.Ў. ва бошлалар. Ильтисодий тақлил. Т.: Меҳнат, 2004. - 454-471 бетлар. ва қ.қ.

5.2.2 – Жадвал

«Турон» КМЧЖда маҳсулот рентабеллиги билан боғлиқ кўрсаткичларнинг 2006 йилдаги ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	
			Мутлоқ, ўлчов бирлигида	Нисбий, % да
Ҳажм кўрсаткичлари				
1. Соф фойда, минг сўм	1837,5	1930,6	+93,1	105,1
2. Сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	23815	25712	+1897	113,5
3. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	25943	26686	+743	102,9
4. Мавсум давомида иш куни, кунларда	105	112	+7	106,7
5. Бир йил давомида иш куни, кунларда	306	306	-	100,0
6. Корхонада мавсум давомида банд бўлган ходимларнинг ўртача сони, киши	382	397	+15	103,9
7. Банд бўлган ходимларнинг йиллик ўртача сони, киши	214	241	+27	112,6
Нисбий кўрсаткичлари				
8. Соф фойданинг мавсум давомида бир иш кунига тўғри келиши, минг сўм (1қ:4қ) (a ₁)	17,5	17,2	-0,3	98,3
9. Мавсумий иш кунининг умумий йиллик иш кундаги улуши, % (4қ:5қ) (a ₂)	34,3	36,6	+2,3	106,7
10. Умумий иш кунининг бир миллион сўм маҳсулотга тўғри келиши (маҳсулотнинг меҳнат- лилиги), кунларда (5қ:3қ) (a ₃)	11,80	11,47	-0,33	97,20
11. Мавсумий ходимларнинг меҳнат унумдорлиги, минг сўм (3қ:6қ) (a ₄)	67,91	67,22	-0,69	99,0
12. Мавсумий ходимларнинг сотилган маҳсулотга тўғри келиши (сотилган маҳсулотнинг меҳнатлилиги), киши (6қ:2қ) (a ₅)	16,04	15,44	-0,60	96,26

13. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши, % (2қ:3қ) (a_6)	91,80	96,42	+4,62	105,0
14. Маҳсулот рентабеллиги, % (1қ:3қ)	7,08	7,23	+0,15	102,1

Манба: «Турон» КМЧЖнинг 2006 йилги бухгалтерия ва статистик ҳисоб ва ҳисоботлари ҳамда муаллифнинг шахсий кузатуви натижаси асосида тузилди

Изоҳ: Мавсум давомида иш куни дам олиш кунларисиз ҳисобланган, чунки мавсумда корхона дам олиш кунисиз ишлайди. 2006 йилда 23 июндан 12 октябргача ишлаган. 2005 йилда эса завод 14 июлдан 14 октябргача ишлаган.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳсулот рентабеллиги билан боғлиқ барча ҳажм кўрсаткичлари ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан кўпайган. Аммо нисбий кўрсаткичларнинг бир қисмида пасайиш рўй берган. Жумладан, соф фойданинг мавсум давомида бир иш кунига тўғри келиши ўтган йилда 17,5 минг сўмни ташкил қилган бўлса, ҳисобот йилида 17,2 минг сўмга ёки 0,3 минг сўмга кам бўлган. Худди шундай ҳолат умумий иш кунининг бир миллион сўм маҳсулотга тўғри келишида (2,8 %), мавсумий ходимлар меҳнат унумдорлигининг пасайишида (1,0 %), мавсумий ходимларнинг бир миллион сўм сотилган маҳсулотга тўғри келишида (3,74 %) ҳам кузатилди. Албатта бундай ўзгаришлар тадбиркорлик субъектлари рентабеллигининг ўзгаришига ҳам таъсир этмасдан қолмайди. Шу туфайли ишда ушбу омилларнинг маҳсулот рентабеллигига таъсирини ҳисоблаш йўллари ишлаб чиқдик ва тавсия қилмоқдамиз.

Бунинг учун юқорида келтирилган формулаларга таҳлилнинг занжирли алмаштириш усулини қўллаб ечилса, маҳсулот рентабеллигининг ўзгаришига олти та омилнинг таъсирини ҳисоблаш мумкинлигини кўрамиз.

1. Натижа кўрсаткичи ўзгаришига соф фойданинг мавсум давомида бир иш кунига тўғри келадиган миқдорининг таъсирини (ΔA_{a1}) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta A_a = (a^x_1 \cdot a^p_2 \cdot a^p_3 \cdot a^p_4 \cdot a^p_5 \cdot a^p_6) - A^p;$$

2. Мавсумий иш кунининг умумий йиллик иш кунига улушининг маҳсулот рентабеллиги ўзгаришига таъсирини (ΔA_{a2}) аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta A_{a2} = (a^x_1 \cdot a^x_2 \cdot a^p_3 \cdot a^p_4 \cdot a^p_5 \cdot a^p_6) - (a^x_1 \cdot a^p_2 \cdot a^p_3 \cdot a^p_4 \cdot a^p_5 \cdot a^p_6);$$

3. Натижа ўзгаришига учинчи омилнинг, яъни умумий иш кунининг бир миллион маҳсулотга тўғри келишининг таъсирини (ΔA_{a3}) аниқлаш учун ушбу формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta A_{a3} = (a^x_1 \cdot a^x_2 \cdot a^x_3 \cdot a^p_4 \cdot a^p_5 \cdot a^p_6) - (a^x_1 \cdot a^x_2 \cdot a^p_3 \cdot a^p_4 \cdot a^p_5 \cdot a^p_6);$$

4. Мавсумий ходимларнинг меҳнат унумдорлиги эвазига маҳсулот рентабеллигининг ўзгаришини (ΔA_{a4}) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta A_{a4} = (a_1^x \cdot a_2^x \cdot a_3^x \cdot a_4^x \cdot a_5^p \cdot a_6^p) - (a_1^x \cdot a_2^x \cdot a_3^x \cdot a_4^p \cdot a_5^p \cdot a_6^p);$$

5. Мавсумий ходимларнинг бир миллион сўм сотилган маҳсулотга тўғри келиши, яъни сотилган маҳсулотнинг меҳнатлилиги ҳам маҳсулот рентабеллигининг ўзгаришига таъсир қилади. Ушбу кўрсаткични (ΔA_{a5}) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta A_{a5} = (a_1^x \cdot a_2^x \cdot a_3^x \cdot a_4^x \cdot a_5^x \cdot a_6^p) - (a_1^x \cdot a_2^x \cdot a_3^x \cdot a_4^x \cdot a_5^p \cdot a_6^p);$$

6. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши қанча ортиб борса маҳсулот рентабеллиги ҳам шунча ошиб боради ва аксинча. Ушбу кўрсаткични (ΔA_{a6}) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta A_{a6} = A^x - (a_1^x \cdot a_2^x \cdot a_3^x \cdot a_4^x \cdot a_5^x \cdot a_6^p);$$

Барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлади:

$$\Delta A = \Delta A_{a1} \pm \Delta A_{a2} \pm \Delta A_{a3} \pm \Delta A_{a4} \pm \Delta A_{a5} \pm \Delta A_{a6}.$$

Ушбу тавсиямизнинг амалда қўлланилишини исботлаш учун қуйидаги жадвал тавсия қилинади (5.2.3-жадвал).

5.2.3 – Жадвал

«Турон» КМЧЖда маҳсулот рентабеллиги ўзгаришига алоҳида мавсумий кўрсаткичлар билан боғлиқ омиллар таъсирини ҳисоблаш усули

Кўрсаткичлар	Ўт-ган йил-да	Рентабеллик кўрсаткичи					
		а ₁ омил таъсири билан	а ₂ омил таъсири билан	а ₃ омил таъсири билан	а ₄ омил таъсири билан	а ₅ омил таъсири билан	а ₆ омил таъсири билан
1. Соф фойданинг мавсум давомида бир иш кунига тўғри келиши, минг сўм (а ₁)	17,5	17,2	17,2	17,2	17,2	17,2	17,2
2. Мавсумий иш кунининг умумий йиллик иш кунига улуши, %(а ₂)	34,3	34,3	36,6	36,6	36,6	36,6	36,6
3. Умумий иш кунининг бир миллион сўм маҳсулотга тўғри кели-	11,8	11,8	11,8	11,47	11,47	11,47	11,47

ши (маҳсулотнинг меҳнатлилиги), кунларда (a_3)							
4. Мавсумий ходимларнинг меҳнат унумдорлиги, минг сўм (a_4)	67,91	67,91	67,91	67,91	67,22	67,22	67,22
5. Мавсумий ходимларнинг сотилган маҳсулотга тўғри келиши (сотилган маҳсулотнинг меҳнатлилиги), киши (a_5)	16,04	16,04	16,04	16,04	16,04	15,44	15,44
6. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши, % (a_6)	91,80	91,80	91,80	91,80	91,80	91,80	96,42
7. Маҳсулот рентабеллиги, % (A)	7,08	6,96	7,43	7,22	7,15	6,88	7,23

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, маҳсулот рентабеллиги ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 0,15 % бандга ошган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар эвазига содир бўлган.

1. Соф фойданинг мавсум давомида бир иш кунига тўғри келадиган суммасининг 0,3 минг сўмга камайиши маҳсулот рентабеллигини 0,12 % бандга камайтирган:

$$6,96 - 7,08 = -0,12 \% \text{ банд.}$$

2. Мавсумий иш кунининг умумий йиллик иш кунигаги улушининг 2,3 % бандга ошганлиги маҳсулот рентабеллигини 0,47 % бандга кўпайтирган:

$$7,43 - 6,96 = +0,47 \% \text{ банд}$$

3. Умумий иш кунининг бир миллион сўм маҳсулотга тўғри келиши, яъни маҳсулотнинг меҳнатлилиги 0,33 кунга камайган. Бу омил таъсирида маҳсулот рентабеллиги 0,21 % бандга камайган.

$$7,22 - 7,43 = -0,21 \% \text{ банд.}$$

4. Маҳсулот рентабеллиги мавсумий ходимлар меҳнат унумдорлигининг 0,69 минг сўмга камайганлиги эвазига 0,07 % бандга камайган:

$$7,15 - 7,22 = -0,07 \% \text{ банд.}$$

5. Бир миллион сўм сотилган маҳсулотнинг мавсумий ходимлар билан таъминланганлиги 0,60 кишига камайган. Ушбу омил эвазига маҳсулот рентабеллиги 0,27 % бандга кам бўлган:

$$6,88 - 7,15 = -0,27$$

6. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши 4,62 % бандга ошган. Ушбу омил таъсирида маҳсулот рентабеллиги 0,35 % бандга кўпайган:

$$7,23 - 6,88 = +0,35 \% \text{ банд}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий ўзгаришига тенг бўлган.

$$-0,12 + 0,47 - 0,21 - 0,07 - 0,27 + 0,35 = +0,15 \% \text{ банд}$$

Таҳлил натижаси кўрсатадики, тадбиркорлик субъекти бўлган «Турон» КМЧЖда маҳсулот рентабеллигининг 0,15 % бандга ошганлигига атиги иккита омил ижобий, тўртта омил салбий таъсир қилган. Ушбу омилларнинг даражаси ҳеч бўлмаганда ўтган йилги миқдорда сақланиб қолганда эди ҳисобот йилида маҳсулот рентабеллиги яна 0,67 % бандга ошган бўлар эди:

$$0,12 + 0,21 + 0,07 + 0,27 = 0,67 \% \text{ банд.}$$

У ҳолда ҳақилий рентабеллик даражаси 7,23 эмас, балки 7,90 % ни ташкил қилган бўлар эди.

$$7,23 + 0,67 = 7,90 \%$$

Агар мазкур корхонада ҳамма имкониятдан тўлиқ фойдаланилганда эди рентабелликнинг ўтган йилги даражадан фарқи 0,15 % эмас, балки 0,92 % бандни ташкил қилган бўлар эди.

$$0,15 + 0,67 = 0,92 \%$$

Келгусида мазкур корхона раҳбарияти (менежери, эгаси) натижа кўрсаткичига салбий таъсир қилган омилларга алоҳида аҳамият беришлари лозим.

Агар бизнинг тавсияларимиз амалиётга қўлланилса тадбиркорлик субъектлари фаолиятида молиявий натижаларининг яхшиланиши учун тегишли резервларни ахтариб топиш имкони яратилади. Буларнинг ўқув жараёнига тадбиқ қилиниши эса, бўлажак мутахассисларни иқтисодий ишга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

6-Боб. ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ВА БАНКРОТЛИГИНИ БАҲОЛАШДА КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

6.1. Хусусий корхонанинг банкротлигини, иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолашнинг объектив зарурати ва назарий асослари

Ўзбекистонда шаклланаётган ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт бир томондан жаҳон тажрибасига таянса, иккинчи томондан ўзига хослиги, бетакрорлиги билан ажралиб туради. Чунки Ўзбекистон аҳолиси ўзига хос тарихга, анъаналарга, урф-одатларга, сиёсий ва мафкуравий қарашларга, маънавиятга эга. Ҳар қандай иқтисодиёт туб аҳолининг шу жиҳатларига, талаб ва эҳтиёжларига бевосита боғлиқ. Зеро, охир-оқибатда ишлаб чиқилган маҳсулот ҳам, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар ҳам асосан шу туб аҳоли томонидан истеъмол қилинади. Шу туфайли ҳар қандай мамлакатнинг миллий иқтисодиёти аҳоли манфаатларини эътиборга олмасдан, унинг туб моҳиятидан келиб чиқмасдан иложи йўқ. Шундай экан ўзига хос иқтисодиёт ўзига мос иқтисодий дастаклар ва унсурларни яратишни ва улардан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишни талаб қилади.

Иқтисодиётни бошқаришда қўлланиладиган энг муҳим иқтисодий дастаклардан бири иқтисодий таҳлилдир. Бу фан режали иқтисодиёт шароитида мустақил фан сифатида шаклланди ва ривожланди. Аммо ундаги таҳлил қилиш усуллари асосан режали иқтисодиётга мослаштирилган бўлиб, асосий эътибор режани бажариш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган эди. Эндиликда эса тубдан янги бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шаклланмоқда. Бу эса ўзига хос иқтисодий дастакларни, хусусан, ўзига хос таҳлилни ҳам шакллантиришни талаб қилади. Ушбу ўзига хослик таҳлилнинг ҳам янги усуллари, кўрсаткичларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Буларнинг энг муҳимларидан бири корхоналарнинг молиявий ва иқтисодий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилишдир.

Иқтисодий адабиётларда корхонанинг молиявий ва иқтисодий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари яхши ёритилган эмас. Буни инобатга олиб ушбу ишда асосий эътибор корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигининг мазмунига, уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт дастаклари узлуксиз равишда шаклланиб, такомиллашиб бориши шунга мос бўлган иқтисодий таҳлил усуллари ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Ҳозирги пайтда корхоналарнинг асосий қисми давлат тасарруфидан чиқарилди ва чиқарилмоқда. Умуман олганда, эркин иқтисодиётининг ҳуқуқий ва моддий асоси яратилди. Кўп мулкчиликка асосланган корхоналар, улар ўртасида эркин рақобат муҳити шаклланмоқда ва ривожланмоқда. Бунинг ҳам қонуний асослари яратилди.

Ўзбекистонда монополияга қарши давлат сиёсатини фаоллаштириш, рақобатни ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида” ва “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди. Уларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида монополиядан чиқиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” Фармони (1996 йил 15 май) эълон қилинди. Ушбу фармонга асосан Қораълпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида “Монополиядан чиқиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси”, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари ҳузурида “Монополиядан чиқиш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармалари” ташкил этилди.

Энди Ўзбекистонда эркин рақобатнинг ҳукм суриши муқаррар. Бундай шароитда ҳар бир корхона эгаси унинг рақобатбардошлигини, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамлигини баҳолай олиши лозим. Аммо корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашнинг назарий йўллари ҳамон ишлаб чиқилмаган. Бу эса уларнинг амалиёда қўлланилишини қийинлаштиради.

Буни инобатга олиб корхоналар хўжалик фаолиятининг рақобатбардошлигини, банкротликдан сақланиш йўллари, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Бу кўрсаткичларни аниқлаш, айниқса, ҳозирги аудиторлик текширувлари жорий қилинган шароитда, аудиторлик ҳулосасини чиқариш ва хўжалик фаолиятига иқтисодий жиҳатдан ташхис қўйиш учун ўта муҳимдир.

Ҳар қандай кўрсаткич шу ўрганилаётган иқтисодий категория ёки жараённинг мазмунидан келиб чиқмоғи, уни ифода этмоғи лозим. Бу эса ўз навбатида корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигининг моҳияти ва мазмунини қараб чиқишни талаб қилади.

Бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида ҳар бир корхона иқтисодий ва молиявий жиҳатдан мустақил ва мустаҳкам бўлиши лозим. Бу эса ҳар бир корхонанинг фаолиятини молиявий жиҳатдан қарам қилиб, ташқи омиллар таъсирига боғлиқ ҳолда қолдирмасликни талаб қилади. Буни ҳал қилиш ҳозирги кунда айниқса муҳим, чунки олдингидек давлат қопламаси (дотацияси) йўқолиши билан бирга эркин рақобат шаклланмоқда. Бундай шароитда корхонанинг молиявий ва иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари ишлаб

чикиш мақсадга мувофиқдир. Корхона рақобатбардошли бўлиши, банкротликка учрамаслиги учун, биринчи галда, унинг молиявий ва иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичларни тўғри баҳолаш ва таҳлил қилишни тақозо қилади.

Аммо таъкидланганидек, мазкур масала иқтисодий адабиётларда етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Буни инобатга олиб, унинг иқтисодий моҳияти ва мазмунига алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Корхонанинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам бўлиши учун у, энг аввало, ўзининг асосий фаолияти натижаси бўйича тегишли ютуқларни қўлга киритиш лозимки, қайсики эркин рақобат ҳукм суриб турган даврда ҳар қандай ички ва ташқи омиллар таъсирида у синмайдиган бўлсин. Бунга эришиш ўз-ўзидан содир бўлиб қолмайди, балки изчил, самарали фаолият юргизишни талаб қилади.

Бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида корхона фаолияти натижасининг асосида фойда ётади. Фойда миқдорида мулк эгасининг, меҳнаткашнинг, корхона жамоасининг, давлатнинг, инвесторларнинг манфаатлари ўз ифодасини топади. Шу жиҳатдан фойда иқтисодий категория бўлиб у ўзида ишлаб чиқариш ва тақсимот орқали товар-пул муносабатларини акс эттиради. Бу борада чоп қилган адабиётларимизда⁹⁹ батафсил айтилган. Корхонанинг фойдаси қанча кўп бўлса мулк эгаси уни шунча кенгайтириш ва бошқа иқтисодий аҳволини яхшилаш имконига эга бўлади. Корхона жамоаси эса шунча кўп мукофот олишга, рағбатлантирилишига эришади. Акциядор бўлса ўзларининг оладиган дивиденд миқдори орқали манфаатдор бўлса, давлат солиқнинг кўпайишидан манфаатдор. Чунки фойда қанча кўп бўлса, фойдадан тўланадиган солиқ шунча кўп бўлади. Демак, бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида фойда категорияси энг муҳим натижавий кўрсаткич даражасига кўтарилади. У ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий асосининг мустаҳкамлигини таъминлайдиган кўрсаткичга айланади.

Булардан кўриниб турибдики, корхона иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам бўлиши учун, энг аввало, у тегишли фойда миқдорини таъминлай олиши лозим экан. Демак, корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини баҳолашда ҳам, айнан ана шу манфаатлар муштараклигини таъминловчи кўрсаткич - фойда категориясидан келиб чиқмоқ лозим.

Шундай қилиб, **корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлиги деганда, тегишли фойда миқдорини ва рентабеллик даражасини таъминлай оладиган фаолият натижасига эришиш тушунилади.** Шуни эътироф этиш керакки, ҳозирги пайтда корхона фойдасининг миқдори фақат бир асосий

⁹⁹ Пардаев М.К. О сущности торговой прибыли. // Торговля. 1992. № 7-12. 42-43 бетлар.; Пардаев М.К. Эффективность торговли: сущность, критерии, показатели, оценки. // Экономика и статистика, 1997. № 9, 60-61 бетлар. ва Ҳ.К.

фаолиятгагина боғлиқ эмас. Унинг шаклланишида асосий фаолият билан бирга бир қанча қўшимча фаолиятлар ҳам мавжудки, уларнинг ҳам корхона фойдасининг шаклланишидаги ҳиссаси анча. Булар қаторига молиявий фаолиятдан олинadиган фойда миқдорини, тасодифий фойда кабиларни киритиш мумкин.

Аммо ушбу бобда корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун услубий (методологик) асос сифатида ишлаб чиқарувчи корхона ва унинг асосий фаолияти бўлган ишлаб чиқариш соҳасининг натижасини асос қилиб олдик.

Корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги деганда, энг аввало, ўз фаолиятини молиявий жиҳатдан мунтазам равишда таъминлаб боришини тушунмоқ лозим, чунки хўжалик фаолияти доимий равишда давом этиб туриши учун молиявий маблағ билан таъминланишни тақозо қилади. Бу эса хўжалик фаолияти натижасининг, таъкидлангандек, мунтазам равишда фойда олиш билан яқунланиб туришини талаб қилади. Демак, корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини таъминлаш учун унинг барча харажатларини (доимий ва ўзгарувчи) қопланишини, рентабеллик даражасининг ошиб боришини, ҳеч бўлмаганда унинг камайишига йўл қўймасликни таъминлаш лозим.

Ушбу назарий асосда келиб чиқиб молиявий мустаҳкамликка қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги деганда, корхона фаолияти натижасининг барча харажатларини қоплаб меъёридаги (режадаги) рентабеллик даражасига эриша оладиган иш ҳажмига ва ўз истиқболини таъминлай оладиган фойда миқдорига эришиши тушунилади.**

Ушбу қоидалардан келиб чиқиб корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари тавсия қилиш мумкин.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда корхоналарнинг иқтисодий мустаҳкамлиги эмас, балки ночорлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилган. Бу бўйича ЎЗР корхоналар банкротлиги ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси «Корхонанинг иқтисодий ночорлигини аниқлаш учун мезонлар тизими»ни ишлаб чиқди ва уни 1997 йил 17 апрелдаги 5-сон қарори билан тасдиқлади. Ушбу ҳужжат 1997 йилнинг 30 май куни ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган эди. Ушбу ҳужжат такомиллаштирилиб ЎЗР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан «Корхонанинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқловчи мезонлар тизими» ишлаб чиқилди ва 1999 йил 27 июлда 12 сон қарори билан тасдиқланди. Мазкур ҳужжат ЎЗР Молия вазирлиги билан 1999 йил 18 августда келишилган (ЭГ/17-05 / 1725-сон) ва ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 25 августда 803-сон билан рўйхатга олинган.

6.2. Хусусий корхоналар банкротлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва уларни аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги масаласи бўйича иқтисодчилардан И.Т.Абдукаримов¹⁰⁰, Н.Ҳасанов, С.Нажбиддинов¹⁰¹ кабилар ўз асарларида тегишли фикр ва мулоҳазаларини айтмоқда. Хусусан, Н.Ҳасанов ва С.Нажбиддиновлар корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия қилади:

« • тўловга қобиллик коэффиценти;

* ўзининг ва қарз маблағлари нисбати коэффиценти;

* молиявий мустаҳкамлик коэффиценти;

* ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти»¹⁰².

ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитасининг тавсияси бўйича корхоналар иқтисодий аҳволини баҳолаш учун қўлланиладиган кўрсаткичлар (мезонлар) уч гуруҳга бўлинади:

«1) молиявий-иқтисодий аҳволни баҳолаш мақсадида иқтисодий таҳлил қилиниши лозим корхоналарни танлаш учун:

* пуллик мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар бўйича уларни тўлаш пулидан олти ойдан ортиқ муддати ўтган кредиторлик қарзларнинг мавжудлиги;

* корхоналар рентабеллиги (зарарлилиги)нинг манфий даражаси.

2) Корхонанинг иқтисодий ночорлик белигиларини аниқловчи асосий (мезонли) кўрсаткичлар:

* тўловга қобиллик ёки қоплаш коэффиценти - Кқк;

* ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти - Ўак;

3) қўшимча кўрсаткичлар (якуний қарор қабул қилиш учун):

• активларнинг рентабеллик коэффиценти - Арк;

• ўз ва қарз маблағларининг нисбат коэффиценти - Ўнк;

• қувватдан фойдаланиш коэффиценти - Қфк;

• асосий воситаларнинг эскириш коэффиценти - Авэк»¹⁰³.

Кўриниб турибди, ушбу муаммога олимлар асарларида ҳам, услубий тавсияларда ҳам турлича ёндошилган. Демак, ушбу муаммо ечимини кутаётган муаммолардан биридир.

¹⁰⁰ Абдукаримов И.Т. Менежenga корхона молиявий баръарорлиги ва иқтисодий баъувватлиги қалъида. // Бозор, пул ва кредит. № 6, 1999. - 64-67 бетлар.

¹⁰¹ Ҳасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий қолатини бақолаш: муаммолари ва уларни қалъилиш. - Т.: «Иқтисодиёт ва қульуль дунёси» нашр уйи, 1999, - 27-48 бетлар.

¹⁰² Ўша жойда, 29 бет.

¹⁰³ Корхонанинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқловчи мезонлар тизими, ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитаси. 1999 йил 27 июл 12-сон. - СБХ № 38, 1999 - 15 бет.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунининг 2-моддасида «банкротлик (иқтисодий ночорлик) - хўжалик суди томонидан эътироф этилган ёки қарздор ихтиёрий равишда тугатилаётганида унинг ўзи эълон қилган қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги»¹⁰⁴ деб кўрсатилган.

Бу ҳолат ўз-ўзидан келиб чиқмайди, албатта. Унга жуда кўп омиллар таъсир қилади. Бу борада ҳам айрим иқтисодчиларнинг таклифлари эътиборга лойиқ.

Банкротлик ҳолатларини вужудга келтирувчи омиларни У.Сирожитдинов¹⁰⁵ икки гуруҳга: ташқи ва ички омилларга бўлиб кўрсатади.

Асосий ташқи омилларга: иқтисодий; сиёсий; демографик; фан ва техниканинг ривожланиши; маданий савия; халқаро рақобатнинг кучайиши; ҳамкорлик-қарздорларнинг банкротлиги киритилган.

Асосий ички омилларга эса: ўз айланма маблағлари тахчиллиги; дебитор ва кредитор қарзларнинг кўпайиши; сотилаётган маҳсулотнинг - ҳақиқий баҳосини аниқлаш механизмининг мукамал эмаслиги; шартнома интизомининг бузилганлиги; ҳақиқий хизматларнинг лаёқатсизлиги; ижтимоий-маданий объектлар бўйича харажатларнинг ошиши; узоқ муддатли молиявий қўйилмаларнинг самарасизлиги; корхона активларида тугалланмаган қурилишларнинг салмоқли ўрин тутиши кабилар киритилган.

Кўриниб турибдики, корхонанинг иқтисодий ночорлиги ўта мураккаб жараёнлар ва омиллар эвазига шаклланади. Шунинг учун уларни баҳолаш ҳам ўта мушкул ва қийин муаммолардан биридир. Шу туфайли бўлса керак, корхонанинг иқтисодий ночорлигини баҳолаш учун, таъкидланганидек, ҳамон бир хил хулосага келинган эмас.

Корхоналар иқтисодий ночорлигини баҳолашда энг муҳим муаммолардан бири, назаримизда, уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишдан иборатдир. Бу борада ҳам иқтисодчилар томонидан айрим фикрлар айтилмоқда. Хусусан, Н.Ҳасанов ва С.Нажбиддиновлар корхонанинг иқтисодий ночорлигини баҳолаш учун ўзларининг олдинги қарашларини такомиллаштириб қуйидаги бешта кўрсаткичларни тавсия қилади:

- « •тўловга қобиллик ёки қоплаш коэффиценти - Ктқ;
- * ўзининг ва қарз маблағлари нисбати коэффиценти - Кмн;
- * ўзининг оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти - Кмт;
- * активлар рентабеллиги коэффиценти - Кар;
- * кувватлардан фойдаланиш коэффиценти - Ккф;

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни (янги тақрирда), 1998 йил 28 август.

¹⁰⁵ Сирожитдинов У. Банкротлик сабаби /// Зарафшон, № 98. 1998 йил 25 август.

* асосий воситалар эскириш коэффиценти - Кэс».¹⁰⁶

Ушбу кўркичлар тизими «Корхонанинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқловчи мезонлар тизими»да¹⁰⁷ белгиланган кўрсаткичлар билан тўғри келади. Аммо, бу ерда улар маълум тизимларга ажратилмаган ҳолда берилган.

Шуни эътироф этиш керакки, банкротликни аниқлаш учун Нью - Йорк универстити профессори Эдуард Альтман, бешта кўрсаткич тавсия қилган. Бу борада биз чоп этган адабиётларимизда¹⁰⁸ тўхталган эдик. Буларга: оборот капиталининг барча активлардаги ҳиссаси; барча активлар рентабеллиги; барча активлар даромадлилиги; акцияларнинг (оддий ва имтиёзли) барча пассивлардаги улуши; барча активларнинг самарадорлиги кўрсаткичлари киритилган.

Э.Альтман банкротликни олдиндан башорат қилиш учун «Z-счёт»ни қўллаб қуйидаги комплекс кўрсаткични аниқлаш усулини тавсия қилади:

$$\begin{aligned}
 \text{Z-счёт} = & \left(\frac{\text{оборот капитали}}{\text{барча активлар}} \times 1,2 \right) + \left(\frac{\text{таксимланмаган фойда}}{\text{барча активлар}} \times 1,4 \right) + \\
 & + \left(\frac{\text{асосий фаолият даромадлари}}{\text{барча активлар}} + 3,3 \right) + \left(\frac{\text{оддий ва имтиёзли акцияларнинг бозор баҳоси}}{\text{ўз маблағларининг баланс қиймати}} \times \\
 & \times 0,6 \right) + \left(\frac{\text{сотилган маҳсулот тушуми}}{\text{барча активлар}} \times 1,0 \right) .
 \end{aligned}$$

Агар «Z-счёт»нинг миқдори 1,8 ва ундан кам бўлса (Z-счёт <1,8) корхонанинг банкрот бўлиш эҳтимоли жуда юқори. «Z-счёт»нинг миқдори 1,81 дан 2,7 гача оралиқда бўлса - юқори, 2,8 дан 2,9 гача - мумкин ва 3,0 ва ундан юқори бўлса жуда кам¹⁰⁹.

¹⁰⁶ Касанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий қолатини бақолаш: муаммолари ва уларни қал льилиш. - Т.: «Ильтисодиёт ва қуль дунёси» нашриёт уйи, 1999, - 30-31 бетлар.

¹⁰⁷ Корхонанинг ильтисодиий ночорлиги белгиларини аниқловчи мезонлар тизими, ЎзР Макроильтисодиёт ва статистика вазирлиги кузуридаги Ильтисодиий ночор корхоналар ишлари лўмитаси. 1999 йил 27 июл 12-сон. - СБХ № 38, 1999 - 15 бет.

¹⁰⁸ Пардаев М.Ў., Исроилов Б.И. Молиявий тақлил. - Т.: «Ильтисодиёт ва қуль дунёси» нашриёт уйи, 1999. 242-243 бетлар.

¹⁰⁹ Ўша жойда. 243 бет. Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности: теория, практика и интерпретация: Пер с англ. - М.: Финансы и статистика, 1996. - 7, 480 бетлар.

Мазкур кўрсаткичларнинг ҳаммаси бизнинг ҳисоб ва ҳисоботларимизда ўз аксини топган. Шу учун ушбу усулни қўллаш ҳам, маълум даражада, корхона раҳбари, мулк эгаси каби дахлдор кишиларга қулайлик туғдириши мумкин. Зеро, ушбу усул халқаро адабиётларда тан олинган ва қўлланилиб келинмоқда. Бизда ҳам бунинг қўлланилиши мумкинлигига яна бир сабаб шундаки, биз ҳам халқаро андозаларга асосланган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига ўтмоқдамиз.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда амалиётда ЎзР Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган «Корхонанинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқловчи мезонлар тизими» (1997 йил 27 июл 12-сон қарори билан тасдиқланган) қўлланилмоқда. Ушбу мезонлар тизими бир неча бор қайта ишланиб такомиллаштирилди.

«Корхонанинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқловчи мезонлар тизими»да (келгусида «Мезонлар тизими» ҳам деб юритилади) етти та кўрсаткич тавсия қилинган. Уларнинг жамланмасини қуйидагича ифодалаш мумкин (6.2.1-жадвал).

6.2.1.-Жадвал

Корхонанинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқловчи мезонлар тизими

Кўрсаткичлар-нинг номи	Аниқланиш формуласи	Корхонанинг иқтисодий ночорлик аломатларини белгиловчи кўрсаткичлар мезони	Ахборот манбалари
1.Муддати ўтган мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар (кредиторлар)	6 ойдан ортиқ муддат ўтгандан ҳисобланади	уларнинг мавжудлиги	«Молиявий-иқтисодий аҳвол тўғрисида ариза» Молия Вазирлигининг 1998 йил 26 июн 79-сон буйруғи билан тасдиқланган (2-б молиявий ҳисобот)
2. Активларнинг рентабеллиги (Арк)	$\text{Арк} = \frac{\text{Стф}}{\text{Бн}}$	Арк < 0 бўлса	«Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» 2-ш. 170 сатр ва 1-ш. 310 сатр.

3. Тўловга ко- биллик (коплаш) коэффициенти (Тқк)	A_2 $T_{кк} = \frac{P_2 - (U_{кк} + K_{кк} + X_a)}{A_2}$	$T_{кк} < 1$ бўлса	1-ш. II бўлим 300,540,(400+ 410),(420+430),440 сатрлар
4. Ўз оборот маб- лағлари билан таъминланганлик коэффициенти (Ўак)	A_2 $\ddot{U}_{ак} = \frac{(P_1 + U_{кк}) - A_1}{A_2}$	$\ddot{U}_{ак} < 0,1$ бўлса	1-ш. I бўлим 110, 390, (400+410) сатрлар
5. Ўз ва қарз маб- лағларининг нис- бат коэффициен- ти (Ўнк)	A_2 $\ddot{U}_{нк} = \frac{P_1 + U_{кк}}{P_2 - (U_{кк} + X_a)}$	$\ddot{U}_{нк} < 2$ бўлса	1-ш. 110, (400+410), 540, 440 сатрлар
6. Ишлаб чиқа- риш қувватлари- дан фойдаланиш коэффициенти (Кфн)	$Q_{а\ddot{ш}}$ $K_{фк} = \frac{Q_{лой} - (Q_{иж} + Q_{кон})}{Q_{а\ddot{ш}}}$	$K_{фк} < 0,5$ бўлса	Булар режа, ста- тистик ва бух- галтерия ҳисоби ва ҳисоботлари-дан олинади
7. Асосий воси- таларнинг эски- риш коэффи- циенти (Авэс)	A $A_{вэс} = \frac{\ddot{Э}}{A}$	$A_{вэс} > 0,5$ бўлса	1-ш. 011, 010 сатрлар

- ➔ Ушбу жадвалдаги формулалар ва мезонлар «Корхонанинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқловчи мезонлар тизими»га асосан жамланган ҳолда тузилди. - СБХ. № 38, 1999 йил 30 сентябр. - 15-16 бетлар.
- ➔ Ушбу жадвалдаги формулалардаги кўрсаткичлар изоҳи: СТФ - солиққа тортишигача бўлган фойда (зарар); Бн - Балансинг умумий сўммаси; A_2 - айланма активлар; P_2 - мажбуриятлар; $U_{кк}$ - узоқ муддатли қарзлар ва кредиторлар; $K_{кк}$ - қайтариш муддати келган қисқа муддатли қарзлар ва кредиторлар; X_a - харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар (муддати ўтмаган мажбуриятлар); P_1 - ўз маблағларининг манбалари; $Q_{хоқ}$ - таққосланадиган қиймат кўринишидаги ҳисобот даврида чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизматлар)нинг ҳақиқий ҳажми; $Q_{лой}$ - таққосланадиган қиймат кўринишидаги белгиланган вақт давомида маҳсулот чиқариш (хизмат кўрсатиш)нинг энг кўп ҳажми; $Q_{иж}$ - ижарага берилган (таққосланадиган) қувватлардаги маҳсулот ҳажми; $Q_{кон}$ - консервацияланган (таққосланадиган) қувватлардаги маҳсулот ҳажми; A - асосий ишлаб чиқариш воситаларининг бирламчи (тиклаш) қиймати.

Корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар услубий кўргазма ва меъёрий хужжатлар билан бирга айрим иқтисодчи олимлар тадқиқотлари объектига ҳам айланган. Хусусан, Н.Ҳасанов ва

С.Нажбиддиновларнинг китобида¹¹⁰ бу борада атрофлича сўз юритилган. Аммо улар ушбу кўрсаткичлар тизимига олтита кўрсаткични киритадилар ва улардан фақат иккитасининг аниқланиш формуласини берадилар. Бирок, уларнинг ушбу кўрсаткичларни аниқлаш бўйича тавсиялари мезонлар тизимидаги кўрсаткичлардан бироз фарқ қилади. Масалан, мазкур китобда «Қувватлардан фойдаланиш коэффициенти»ни қуйидагича тавсия қилинган:¹¹¹

$$\text{Ккф} = \text{Қамал} / \text{Қлойиха}$$

Бунда: *Қамал* - ҳисобот даврида натурал кўринишида ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган хизматлар)нинг амалдаги ҳажми;

Қлойиха - белгиланган вақт мобайнида натурал кўринишида маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) мумкин бўлган энг катта ҳажм, бунга асосий технология ускуналаридан тўлиқ фойдаланиш ва белгиланган иш тартибида эришиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишнинг ижобий ва салбий томонлари ҳам мавжуд. Ижобий томони шундаки, кўрсаткичлар тизими ўрганилаётган объектни тўлиқ қамраб олади. Лекин салбий томони - турли кўрсаткичларнинг йўналиши ва натижаси ҳар хил бўлса ўрганилаётган объектнинг ҳолати бўйича бирор хулоса қилишда анча қийинчилик туғдиради. Шу туфайли кўрсаткичлар натижаси бўйича мутахассислар ўрганилаётган объект ҳолатининг мониторингини амалга ошириши лозим.

Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитаси ишлаб чиққан мезонлар тизими бўйича корхоналар уч гуруҳга бўлинади: таъминланган корхоналар, иқтисодий хавфли ва иқтисодий ночор¹¹². Ушбу мезонлар тизимида «Таъминланган корхоналар» гуруҳига мониторинг натижасида «Иқтисодий хавфли» ва «Иқтисодий ночор» гуруҳларига кирмайдиган корхоналарнинг кириши кўрсатилган.

«Иқтисодий хавфли» гуруҳга қайси корхона мансублигини 5,1 жадвалда кўрсатилган барча коэффициентларнинг ҳақиқий миқдори ҳисоблангандан кейин аниқлаш мумкин. Мезонлар тизимида кўрсатилишича, тўлаш муддатидан қатъи назар, қарз мажбуриятлари, яъни $\dot{Y}_{нк} < 2$ бўлса корхона иқтисодий хавфли гуруҳга киради¹¹³.

Корхона тўловга қобиллик, яъни банкротга яқин ҳисобланади, қачонки пуллик мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар бўйича уларни тўлаш кунидан олти ойдан ортиқ муддат ўтган кредиторлик қарзлари мавжуд бўлиб $T_{кк} +$

¹¹⁰ Қасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий қолатини бақолаш: муаммолари ва уларни қалъилиш. - Т.: «Иқтисодиёт ва қульуль дунёси» нашр уйи, 1999, - 27-40 бетлар.

¹¹¹ Ўша жойда, 31 бет.

¹¹² СБХ. № 38, 1999 йил 30 сентябр. - 16 бет.

¹¹³ Ўша жойда, 16 бет.

Уак < 1 бўлса. Қуйидаги корхоналар эса шартли равишда банкрот ҳисобланади, қачонки олти ойдан ортиқ тўлов муддати ўтиб кетган кредиторлар мавжуд бўлиб, $T_{кк} < 1$, $U_{ак} < 0,1$, $A_{рк} < 0$ бўлса.

Ушбу кўрсаткичлар ва мезонлар тизими амалиёт учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳозирги пайтда айнан ана шу мезонлар асосида корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги бўйича узил-кесил қарорлар қабул қилинмоқда. Аммо ушуб кўрсаткичлар орқали корхона молиявий-хўжалик фаолиятини мониторинг қилиб корхоналар гуруҳини кенгайтириш хусусида ҳам таклифлар пайдо бўлмоқда.

Бу борада Н.Ҳасанов ва С.Нажбиддиновларнинг тавсияси диққатга сазовор. Улар корхоналар мониторингини қуйидаги гуруҳлар бўйича амалга оширишни тавсия қилганлар:

- * тўловга қобил корхоналар;
- * ихтисосини йўқотган корхоналар;
- * хатар билан ишлайдиган корхоналар;
- * юқори хатар билан ишлайдиган корхоналар;
- * танг ҳолатдаги корхоналар;
- * банкротлик чегарасидаги корхоналар;
- * шартли банкротлик чегарасидаги корхоналар;
- * банкрот бўлиши эҳтимоли бўлган корхоналар¹¹⁴

Ушбу гуруҳ корхоналар, албатта, назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Аммо узил-кесил қарорлар қабул қилиш учун ушбу гуруҳларнинг кўпи бир-бирига жуда яқин. Уларни мазмун-моҳияти жиҳатидан битта гуруҳга ҳам киритиш мумкин. Масалан, буларга танг ҳолатдаги, банкротлик чегарасидаги, банкрот бўлиш эҳтимоли бўлган корхоналарни бир-биридан фарқлаш қийин. Шу туфайли уларни бир гуруҳга киритиш мумкин. Чунки буларнинг ҳаммаси иқтисодий ночор банкротлик чегарасидаги корхоналардир.

Шу туфайли ушбу гуруҳ кўрсаткичларни такомиллаштиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз, чунки корхона раҳбари, менежери, мутахассислар ва мулк эгаси таҳлил натижаси бўйича корхонаси ҳақида тўлиқ ва аниқ хулосага эга бўлиши ва шунга қараб тегишли чора-тадбирларни қўллаши лозим.

Корхоналарнинг иқтисодий мустаҳкамлиги ва ночорлиги нуқтаи назаридан уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- * иқтисодий мустаҳкам корхоналар;
- * тўловга қодир корхоналар;
- * иқтисодий ночорлик арафасидаги (банкротлик чегарасидаги) корхоналар.

¹¹⁴ Ҳасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий қолатини бақолаш: муаммолари ва уларни қалъилиш. - Т.: «Иқтисодий ва қулуъ дунёси» нашриёт уйи, 1999, - 32 бет

Агар 6.2.1.-жадвалда келтирилган 2-7 кўрсаткичлар ижобий бўлиб, муддати олти ойдан ўтган мажбуриятлар ва мажбурий тўловлари бўлмаса бундай корхоналарни **иқтисодий мустаҳкам корхоналар** гуруҳига киритиш мумкин.

Тўловга қодир корхоналар гуруҳига муддати 6 ойдан ўтган мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар бўлмаган, тўловга қобиллик коэффициенти бирдан кичик бўлмаса ($T_{\text{кк}} > 1$ бўлса), ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,1 дан катта бўлса ($\text{Ўак} > 0,1$) ҳамда ўз ва қарз маблағларининг нисбий коэффициенти 2 дан катта бўлса ($\text{Унк} > 2$) бундай корхоналар мазкур гуруҳга киради.

Иқтисодий ночорлик арафасидаги (банкротлик чегарасидаги) корхоналарга 6.2.1.-жадвалдаги барча кўрсаткичлар бўйича келтирилган мезонлари мавжуд бўлган корхоналар киради. Аммо ушбу кўрсаткичларнинг айримлари ижобий бўлиши мумкин. Лекин бу ҳолат, бари-бир уларнинг иқтисодий ночорлигидан далолат бериб туради, чунки у ёки бу кўрсаткич ёмонлашдимиз, демак корхонада аҳвол ўнгланишни талаб қилади. Корхона мутасаддилари зудлик билан бу муаммога эътиборни қаратиб салбий ҳолатларни бартараф қилишга киришишлари лозим.

Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкам бўлишининг илдизи, асосий омили унинг фаолиятида намоён бўлади. Шу туфайли ушбу кўрсаткичларни молиявий ҳисобот маълумотлари билан бирга фаолият натижаси бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Бу ҳолатдан келиб чиқиб корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини, унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаси бўйича баҳолаш ва аниқлашнинг методологик жиҳатларига ҳам тўхталишни мақсадга мувофиқдир.